



ЖАҲОН МЕРОСИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ЎРГАНИШ, АСРАШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

Муаллимлар учун таълим
бўйича таянч мажмуа

ЮНЕСКО-2001

Навр учун маъсул:	Алишер Шкрамов
Таржимонлар:	Саъдулла Ғайбуллаев Алишер Аҳмедов Дониёл Болтабоев Дилноза Қурбанова
Маъсул муҳаррир:	Тулқун Шамшаров
Муҳаррир:	Алимullo Ҳабибуллаев
Дизайн муаллифлари	Мурад Шамшаров Ирина Семенюк

Ушбу нашрда фойдаланилган номлар ва унда материалларнинг тақдим этилиши бирор бир мамлакат, ҳудуд, шахар ёки тумanning ҳуқуқий мақоми ва уларнинг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг чегаралари делимитациясига нисбатан ҳеч қайси маънода ЮНЕСКО Котибиятининг муносабатини ифодаламайди.

Китобда келтирилган далилларнинг танлаб олиниши ва уларнинг тақдим этилиши, шунингдек, унда билдирилган қарашлар учун муаллифлар тўлиқ маъсулдирлар. Уларнинг фикрлари ЮНЕСКО позицияси билан мос тушмаслиги мумкин ва ЮНЕСКО улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Китобнинг ўзбек тилидаги таржимаси ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси буюртмаси асосида амалга оширилди.

Дастлабки навр

учун ёрдам бердилар:

Рон-Пуллен жамғармаси,
Норвегия ҳамкорликни ривожлантириш
агентлиги (НОРАД)

© ЮНЕСКО, 1998.

© ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, 2001.



ЮНЕСКО Бош директорининг сўзи

ЮНЕСКО Бош Конференцияси томонидан 1972 йилда қабул қилинган Жаҳон Маданий ва Табиий Меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция меросимизни келгуси авлодга бус-

бутун бериш учун шунчаки асраш доирасидан чиқиб кетди. Бунга улгуриш учун конвенция нафақат маданий ва табиий меросни асрашга масъул бўлган мутахассисларга, балки, энг аввало ҳар бир миллатга, дунёдаги барча жамоаларга мансуб кишиларга маълум бўлиши керак. Улар маданий ва табиий меросимизнинг ҳақиқий муҳофизлари ҳисобланадилар, Конвенция эса, энг аввало, ўзлари мерос қилиб олган бойликни, унга нисбатан кўплаб хавф-хатарлар тажовузидан асраш учун улар қўлидаги қуролдир.

Аждодларимизнинг табиий ва маданий меросини асраш ва кўпайтириш вазифаси ландшафтлар ва ёдгорликларни шунчаки асрашдан кўра муҳимроқдир. Биз ўзимизга сезиладиган жаҳон меросини асраб, сезилмайдиган, бунинг устига жуда муҳим бўлган жаҳон ахлоқий меросини сақлаб қолишга ўз улушимизни қўшишимиз мумкин. Биз учинчи минг йиллик остонасига қадам қўяр эканмиз, ахлоқ-одоб ва инсонпарварлик қадриятларини болаларга ва ёшларга бериш янада муҳимроқ аҳамият касб этади, токи улар ва келгуси авлодлар очлик, уруш, атроф-муҳитнинг емирилиши ва инсоний қадр-қимматининг йўқолиши кулфатларидан халос бўлсинлар. Бу, сиз ҳозир қўлингизда ушлаб турган Жаҳон Мероси бўйича таълим мажмуасида, айниқса тўпламнинг ЮНЕСКОнинг тинчлик маданиятини ёйиш бўйича саъй-ҳаракатлари муносабати билан Жаҳон Меросини асраш ҳақида фикр юритилган қисмида яққол ифодалангандир.

Муаллимларнинг, энг аввало, Бирлашган мактаблар дастури (ASP) орқали ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қиладиган мураббийларнинг, шунингдек, барча ўқитувчиларнинг, Жаҳон Меросини ўрганишдаги хизматлари беқиёсдир. ЮНЕСКО айнан улар билан ҳамкорликда жамият тараққиётининг эртанги кунини белгилайдиган миллионлаб ёшларга Жаҳон Мероси Конвенцияси нормаларини энг яхши тарзда етказиши мумкин. Бу мажмуа "биринчи босқич" даги муаллимларга мўлжалланган бўлиб, меросни асрашга педагогик ёндашувни янада бойитиш мақсадида муаллимлар ва талабаларнинг таассуроти ва ижодини рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган.

Таълим - бу ақл-идрокни, қўлларни ва энг муҳими, қалбни жалб қилувчи ва умр бўйи давом этувчи интилишдан иборатдир. Шу сабабли мажмуа "Жаҳон Мероси ёшлар қўлида - ўрганиш, асраш ва амалга ошириш" деб аталади. Модомики, мисоллар асосида ўқитиш - энг яхши ўқитиш экан, бу мажмуа турли соҳалар муаллимлари учун Жаҳон табиий ва маданий мероснинг энг буюк ёдгорликларига саёҳат шаклида ўз билимларини талабалар билан ўртоқлашишга таклифномадир. Бу саёҳат ёшларга нафақат ўтмишнинг фаройиб меросини баҳолашга ёрдам беради, балки, энг аввало, уларни бу фаройиботларни асрашда қанчалик фаол иштирок этиш кераклигига ҳамда, шу йўл билан, янада яхшироқ келажакни барпо этишга ўз ҳиссасини қандай қўшишга ўргатади.

Федерико Майор



Рон-Пуленк жамғармасы раисининг кириш номасы

Рон-Пуленк бугунги кунда табиий фанлар соҳасида жаҳондаги етакчилардан бири бўлиб, у одамлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг саломатлиги масалаларига ихтисослашган. Бизнинг кимё соҳасидаги бизнесимиз ҳозирги вақтда янги "Родиа" компанияси томонидан бошқарилмоқда.

Мақсадимиз инновациялар воситасида одамлар ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Биз, шунингдек, ўз фуқаролик мажбуриятларимиз тўғрисида ўз олдимизда масъулмиз. Улар Рон-Пуленк /жамғармасы/ Франция институти ишида акс этган.

Бизнинг ҳомийлик дастуримиз тўртта асосий йўналишдан иборатдир: илмий тадқиқот соҳасида ҳамкорлик, жаҳон табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш, таълим тизими ва жамоатчиликни ҳаракатга солиш.

Эҳтиёж жуда каттадир, биз эса ўз куч ва имкониятларимиз доирасида масъулмиз. Жамғарма ўзининг молиявий, техник ва энг аввало инсоний ресурсларини жамиятга хизмат қилишга йўналтиради, эртанги кун қадриятлари ва фикрлашининг йўналтирувчиси бўлган ишларни жалб қиладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор беради.

1995 йилда биз "жаҳон мероси мулоқотида ва унинг мавқеини оширишда иштирок этган ёшларни илҳомлантириш" учун нишона таълим дастурини ўтказишда ЮНЕСКОни қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Бизни бу дастурнинг мусаффо мазмуни, шунингдек, ялпи, соҳалараро тусдалиги ўзига жалб қилади. У муаллимларнинг ташаббускорлиги учун кенг майдон қолдиради ва ўқувчиларда ўз атрофидаги табиий ва маданий борлиққа қизиқишни рағбатлантиришга интилади.

Тез ўзгараётган оламда ҳамма ҳам бошқа маданиятларга очиқ бўлиш билан бир вақтда ўз индивидуаллигини исботлашга эҳтиёж сезади. Жаҳон Мероси бу умумий бойликнинг кўз илғайдиган ифодаси бўлиб, у учун биз шахсан ва биргаликда масъулмиз.

Жан-Рене Фурту



Жаҳон Меросини ўрганиш сари

1972 йилда ЮНЕСКО Бош Конференцияси томонидан қабул қилинган Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция меросни асраш бўйича дунёдаги асосий халқаро-ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Конвенция айрим табиий ва маданий ёдгорликлар, "буюк умумий қийматга" эгаллигини ва башарият умумий меросининг бир қисмини ташкил этишини

тушунишга асосланади. Ушбу умумий меросни асраш нафақат айрим миллатларнинг, балки бутун инсониятнинг ташвиши бўлиши керак. Конвенциянинг бошқа бир фарқли қирраси шундан иборатки, у ҳам маданий, ҳам табиий меросни ҳимоя қилишга интилади. Маданият ва табиат ўртасидаги кўплаб боғлиқликлар туфайли бу ялпи ёндашув меросни ҳимоя қилиш учун янги мезонларни очади.

1998 йил январига келиб, 112 мамлакатдаги 552 ёдгорлик ЮНЕСКОнинг Жаҳон Мероси Рўйхатидан жой олди. 25 ёдгорлик Жаҳон Меросининг пайдо бўлаётган хавф остида турувчи ёдгорликлари деб эълон қилинди.

Ўн йиллар давомида етакчи меъморлар, археологлар ва табиатни асраш бўйича мутахассислар билан ишлар экан, ЮНЕСКО шунга ишонадики, ёшларни меросни муҳофаза қилишга ва мероснинг ролини оширишга жалб қилиш вақти келди. 1994 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон Мероси маркази ва Бирлашган мактаблар дастури тармоғи (ASPnet), шундай қилиб, Жаҳон Меросига ёшларни ғамхўрлик қилишини рағбатлантириш ва ўқитиш заруратига жавобан "Жаҳон Меросини асрашда ва унинг мавқеини оширишда Ёшларнинг Иттифоқи" деб номланган Минтақалараро Жаҳон Меросини ўрганиш лойиҳасини бошладилар.

Ҳозирда дунёнинг барча минтақаларида жорий этилган ушбу лойиҳа Норвегия ҳамкорлиқни ривожлантириш агентлиги (НОРАД), Рон-Пуленк жамғармаси, Жаҳон Мероси жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг Доимий дастури томонидан моддий қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон Меросини ўрганиш Европа, инглиззабон Африка ва Осиё-Тинч океани минтақасининг салкам 90 мамлакатдаги 300 дан ортиқ ўрта мактабларда аллақачон жорий қилинган. Бу иш қисман давримизнинг бош муаммоларини тинчлик, халқаро мурасасозлик, инсон ҳуқуқлари, экологик таълим, эндиликда эса, Жаҳон Меросини ўрганиш масалаларини ҳал қилишга жалб этилган 5 мингдан ошиқ мактабни бирлаштирувчи "ASPnet" тармоғи орқали амалга оширилмоқда.


Инсониятга тегишли ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган Жаҳон Меросининг келажаги бугунги ва эртанги кун ёшлари қўлидадир. Ёш ва собит ақл-идрокнинг кучи непаллик 15 ёшли Ромеш Трипатининг қўйидаги сўзларида яққол намоён бўлган:

Биз ўз қалбимизга шуни алоҳида сингдиришимиз керакки, Жаҳон Мероси бизга тегишли - нафақат сўзда, балки амалда, нафақат бугун, балки кейинги йилларда, ҳатто кейинги асрларда ҳам. Бу бизнинг ёш авлод сифатидаги вазифамиздир.

Модомики, Жаҳон Меросини ўрганишнинг муваффақиятида муаллимларнинг роли катта аҳамиятга эга экан, ушбу "Жаҳон Мероси ёшлар қўлида" номли муаллимлар учун таълим бўйича таянч мажмуаси инглиз ва француз тилларида нашр қилинди, кейинчалик бошқа тилларда ҳам чоп этилади. Ўзaro ҳамжиҳатлик ёндашувларига асосланган мажмуа турли фанлар ўқитувчиларига мероснинг қиймати ва уни асраш ҳақидаги ўз билимларини жаҳондаги буюк маданий ва табиий ёдгорликларга саёҳат шаклида ўқувчилари билан баҳам кўришни таклиф қилади.

Жаҳон Меросини ўрганиш лойиҳаси аллақачон бутун дунёдаги ёшларни илҳомлантириб юборди. Улар Жаҳон Мероси ғоясининг фаол элчиларига айланиб, ҳозир Жаҳон Меросини муҳофаза қилишда фаол қатнашмоқдалар. Менинг ишончим комилки, Жаҳон Меросини асрашнинг келажакдаги муваффақияти калити - бу ишга ёшларнинг иштирокини оширишдир. Келинг, ушбу Жаҳон Мероси бўйича таълим мажмуаси бутун дунёда муроса ва тинч-тотувлик муҳитини яратиш мақсадларида маданиятлараро мулоқотни рағбатлантирсин, бирдамлик ҳамда бугунги ва эртанги авлодлар учун умумий бўлган дунёвий қадриятларни мустаҳкамлаш тимсоли бўлиб қолсин.

Бернд фон Дроште,
ЮНЕСКОнинг Жаҳон Мероси
маркази директори



Умумий мерос

Галапагос ороллари Чарльз Дарвинни эволюция назариясини яратишга илҳомлантирди,

Гори ороли қулликни ёдга солади,

Эҳромлар, инсон ижодкорлиги заковатининг ажойиб намунасидир,

Тонгариро тоғларининг муқаддас кучи улардаги халқнинг бетакрорлигида ифодаланади,

Атос адирларининг гўзаллиги - унинг тепаликларида ўтказиладиган диний маросимларга илҳомлантиради, гуллаб-яшнаган шаҳар,

Комининг бокира ўрмонлари - биологик ранг-баранглик оламига очилган дарча,

Бразилиа - симметриялар ва таассуротлар шаҳри,

Бу жойларнинг ҳаммаси қанча

Ророс, уч юз йиллар ранг-баранг бўлса-да, уларда битта умумийлик бор: улар умумий меросимиз сифатида ҳаммамизга тегишлидир.

Мерос - аجدодларимиз ўтган замонларда тўплаган, бугунги кунда биргаликда яшаётган, ёш авлод ундан ўрганиши, унга асосланиши, у билан қувониши учун уларга биз бераётган бойликдир.



© ИСП/Дж. Тёрселл.
Тонгариро миллий
Боёи. Янги Зеландия

Бизнинг меросимиз ҳаётимиз асосларини, маданий асосларимизни ва бизнинг бетакрорлигимизни ўзида мужассамлаштиради. У бизга табиат ва башарият тарихидан сўзлайди.

Маданий ва табиий бойликлар, улар, “буюк умумий қадрият” ҳисобланади, улар ушбу мероснинг ҳақиқий ифодасидир. ЮНЕСКОнинг Жаҳон Мероси Конвенцияси айнан уларни қамраб олишга ва муҳофаза қилишга, қўриқлашга ва асрашга интилади.

Бу - бутун халқаро ҳамжамият зиммасидаги масъулиятдир. Бу ёшлар ҳал қилишни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган вазифадир.

Сорен Делёй ва Сара Титчен

Қўлланманинг ўзбек тилидаги нашрига муқаддима

ЮНЕСКО ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - бу маданий ва табиий меросни сақлаш ва ривожлантиришдир. Жаҳоннинг қайси бир бурчагида маданий ёки табиий мерос хавф остида қолса, жаҳон халқлари ҳам ушбу меросни ҳимоя этиш учун ҳаракат қиладилар. Шу боисдан меросни сақлашда фаол қатнашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Меросимиз бизларга кимлигимизни англашга ва бошқалар ҳақида тушунишга ёрдам беради. ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири маданиятлараро мулоқот орқали мерос ҳақидаги билимларни оширишдир. Ушбу йўналишда ёшларнинг Жаҳон мероси бўйича таълими лойиҳаси уларга бу соҳада ўз таклифларини тақдим этиш ва ушбу жараёнда қатнашиш имкониятини яратади. Шиддат билан ўзгараётган дунё ёшлардан юқори масъулият ва ғайратшижоат талаб қилади, таълим ҳам шунга мувофиқ равишда ёшларни келажак тараққиётига тайёрлаб бориши лозим. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси бўйича таълими ёшларда ўтмиш тўғрисидаги зарур билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва шу тариқа ўзгараётган жамият талабларини чуқур англаб олишларига қаратилган. Эртанги куннинг мансабдор шахсларида ўз умумий меросимиз бўйича жавобгарлик ҳиссини шакллантиришимиз орқалигина сайёрамизнинг маданий ва табиий турфахиллигини келажакда беками-кўст сақланиб қолишга умидвор бўлишимиз мумкин.

Жаҳон мероси таълими, шунингдек, ўқувчилар, ўқитувчилар, маҳаллий архитекторлар жамоаси, музейлар ва тарихий жойларнинг масъул шахслари, археологлар, университет профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, журналистлар, бир сўз билан айтганда ўқув жараёнидан ташқари шуғулланадиган кишилар ва ўқув синфларида сабоқ берадиган кишилар ўртасида ҳамкорликнинг янги шакллари яратиб беради.


Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўзининг бой қадимий ўтмиши ва кўп миллатли аҳолиси билан ажралиб туради. Ўзбекистондаги бир неча жойлар, жумладан Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хива шаҳридаги Ичан Қалъа мажмуаси, Шаҳрисабз шаҳри ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Рўйхатидан муносиб жой олган. Шулар каби кўҳна Самарқанд шаҳрининг ёдгорликлари ҳам ушбу рўйхатга киритилишига тавсия этилган. Бутунжаҳон меросига нисбатан таълим нуқтаи-назаридан ёндашув Ўзбекистон учун долзарб ва замон талаби бўлган мавзудир. Ушбу масалани ҳал этиш учун изчиллик билан иш олиб бориш ва Бутунжаҳон Мероси таълимини дастлаб ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблари дастурига аъзо бўлган мактабларда, кейинроқ эса бошқа мактабларга ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. 1999 йили Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятида Бутунжаҳон Мероси таълими бўйича қўлланмасига бағишлаб ўтказилган Марказий Осиё семинарида қатнашган ўқитувчилар ҳам мазкур қўлланмани таълим бошқармалари ва вазирликлари орқали Марказий Осиёнинг маҳаллий тилларига таржима қилган ҳолда тарқатиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Эндиликда Ўзбекистондаги ўқитувчилар ва ўқувчилар Бутунжаҳон Мероси таълими бўйича қўлланма билан ўзбек тилида таниши имкониятига эга бўлмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур қўлланма Марказий Осиёдаги маҳаллий тиллардан биринчи бўлиб ўзбек тилида нашр этилмоқда. Аминманки, Бутунжаҳон Мероси таълими бўйича қўлланманинг ўзбек тилида нашр қилиниши маданий ва табиий мерос тўғрисидаги билимларни янада кенгайтиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Майкл Барри Лейн,
ЮНЕСКО Бош директорининг
Марказий Осиё минтақасидаги
маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси

М. Барри Лейн

МУАЛЛИМЛАР УЧУН ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ТАЯНЧ МАЖМУА

Мундарижа	бет:
Сўз боши Федерико Майор, ЮНЕСКО Бош директори	3
Рон-Пуленк жамғармаси раисининг кириш номаси Жан-Рене Фурту, Рон-Пуленк жамғармаси раиси	4
Жаҳон Меросини ўрганиш сари Бернд фон Дроште, Жаҳон Мероси Маркази директори	5
Умумий мерос	7
Қўлланманинг ўзбек тилидаги нашрига муқаддима Майкл Барри Лейн, ЮНЕСКО Бош директорининг Марказий Осиё минтақасидаги маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси	8
Мундарижа	9
Кириш	11
Жаҳон Мероси эмблемаси ва Патримонито	15
Миннатдорчилик	17
Қўлланмадан қандай фойдаланиш керак	18
Баҳолаш ҳисобот сўровномаси	21
Жаҳон Меросини ўрганишга ёндашувлар	31
Жаҳон Мероси Конвенцияси	53
Жаҳон Мероси ва шахс	97
Жаҳон Мероси ва туризм	115
Жаҳон Мероси ва атроф-муҳит	137
Жаҳон Мероси ва тинчлик маданияти	161
Таянч материаллар	179
Луғат Мулоқот манзиллари Маълумотнома материаллар рўйхати Жаҳон Мероси ёдгорликларининг 36 та фотосурати	



© UNESCO / A. Pognier



© Patrimoine 2001 /
P. Faillarde.
Эски Гавана Ва улицег
иниоотлари

КИРИШ

Ёшлар учун Бутунжаҳон Мероси бўйича ЮНЕСКО лойиҳасининг ажралмас қисми сифатида муаллимлар учун тайёрланган ушбу услубий қўлланма Сизга мунтазир.

Лойиҳа 1994 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси маркази ва Бирлашган мактаблар дастури Тармоғи (ASP net) томонидан бошланган эди. У Бутунжаҳон Меросини асрашни қўллаб-қувватловчи янги педагогик ёндашувларни ривожлантиришга йўналтирилгандир. Бу ўқувчиларга:

✓ Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган буюк умуммаданий ва табиий ёдгорликлар ҳақида кўпроқ билиш, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси орқали қўриқланадиган ушбу ёдгорликларни асрашга ёрдам кўрсатиш учун зарур янги кўникмаларни эгаллаш;

✓ Бугунги ва келгуси авлодлар учун маҳаллий, миллий ва умумба-шарий меросни асраш ишига садоқат ва янгича муносабатни ишлаб чиқиш;

✓ Халқаро ҳамкорлик доирасида оламнинг беқиёс маданий ва таби-ий ранг-баранглигини ҳимоя қилишда ёрдам бериш орқали таъминланади.

Қўлланмани тайёрлаш

Ёшлар учун Бутунжаҳон Мероси таълими бўйича ЮНЕСКО лойиҳа-си бошланганидан бир йил кейин дунёнинг барча бурчакларидан юзлаб ўқувчилар ва муаллимлар ўз фикр-мулоҳазалари ва тажрибаларини баҳам кўриш учун Норвегиянинг Берген шаҳрида ўтказилган *Бутунжаҳон Меросининг Биринчи ёшлар форумига* йиғилдилар. Форум иштирокчилари Бутунжаҳон Меросини асрашга интилишда ўзларининг самимий ман-фаатдорликларини, ташаббускорликлари ва садоқатларини билдирдилар. Улар, шунингдек, мактабларда Бутунжаҳон Мероси таълимини жорий қилишни яхшилашда муаллимларга ёрдам бериш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу боисдан улар ЮНЕСКОга синфда ва синфдан ташқари машгу-лотларда Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълимни энгиллаштирадиган ўқув услубий қўлланмани бир неча тилларда чоп этишни таклиф қилдилар.

Бергендаги Ёшлар Форумидан кейин Бутунжаҳон Мероси мутахассислари ва лойиҳада иштирок этувчи Бирлашган мактаблар дастури (БМД) тармоғи муаллимлари билан қўлланмани тайёрлаш, унинг мазмуни ва умумий ҳолати масалалари бўйича маслаҳатлашувлар бошланди. Ушбу мажмуани тайёрлаш ишига қуйидаги тўрт воқеа, шунингдек, Бирлашган мактабларнинг бутун дунёда амалга ошираётган беқиёс иши ўз улушини қўшди:

- **Бутунжаҳон Мероси бўйича Биринчи европа минтақавий ёшлар форуми** (Дубровник, Хорватия, 1996 йил, 25-30 май) Европанинг 21 мамлакатидан юзлаб ўқувчилар ва муаллимларни тўплади, ушбу қўлланмада тақдим этилган асосий муаммолар бўйича таклифларни қўллаб-қувватлади.

- **Қўлланмадаги қисмлар бўйича лойиҳаларни яратишга бағишланган халқаро семинар** (Хвар, Хорватия, 1996 йил, июль) ўтказилди. Унда Бутунжаҳон Мероси соҳасида иш юритаётган экспертлар ва Бирлашган мактаблар дастури ASP net муаллимлари иштирок этдилар, шунингдек, қўлланманинг беш қисмини, педагогик йўналишлар ва ўқувчиларга бериладиган вазифа бўйича лойиҳа маълумотини тайёрладилар.

- **Бутунжаҳон Мероси бўйича Биринчи Африка минтақавий ёшлар форуми**, Виктория шаршараси (Аоси оа-Тунье), Замбия ва Зимбабве (1996 йил, 18-24 сентябрь), Африканинг 17 мамлакатидан юзлаб ўқувчи ва муаллимларни йиғди ҳамда Хварда ўтказилган семинар вақтида ишлаб чиқилган матнлар бўйича фойдали хулосаларга келишилди. Унда, шунингдек, синф машғулотларида (алоҳида ўқув соати жорий этишнинг ўрнига) кўп фанлар ва фанлараро ёндашувлар воситасида Бутунжаҳон Меросини ўқитишни жорий этиш зарурати таъкидланди.

- **Бутунжаҳон Мероси бўйича Биринчи Осиё-Тинч океани минтақавий ёшлар форуми** (Пекин, ХХР, 1997 йил, 15-21 сентябрь), Осиё ва Тинч Океанининг 20 мамлакатидан келган 100 га яқин муаллимлар ва ўқувчилар ушбу мажмуага киритилган ва таклиф этилган ўн битта тadbирда иштирок этдилар ва улар фойдали мулоқотлар орқали қўлланманинг самарадорлигини таъминладилар. Муаллимлар қўлланма лойиҳасини кўриб чиқиб, у ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар, шунингдек, қўлланманинг турли тилларда бўлишини назарда тутиш зарурлиги масаласига ҳамда уни маҳаллий шароитлар ва вазиятларга мослаштиришга ўз эътиборларини қаратдилар.

1997 йилнинг апрелида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан тузилган Ингунн Квистера (ЮНЕСКО ишлари бўйича Норвегия Миллий Комиссияси, Норвегия), Питер Стоун (Англия Мероси, Буюк Британия), Кэти Форрет (Рон-Пуленк Жамғармаси, Франция), Катрин Барэ ва Софи Эммануэль Нахас (Алоқа, Ахборот ва Таълим, Франция)дан иборат халқаро ишчи гуруҳи Бутунжаҳон Мероси бўйича дастлабки биринчи лойиҳани тайёрладилар. Улар Элизабет Хаважжи, Брэда Павлич ва Сара Титченлардан иборат ЮНЕСКО гуруҳи билан биргаликда қўлланманинг ҳозирги ҳолатигача пухталаштирдилар.

Лойиҳа қўлёзмаси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси маркази директори Бернд фон Дроштедан ва Пекиндаги Бутунжаҳон Мероси Ёшлар Форуми иштирокчиларидан олинган таклифлар асосида қайта кўрилиб, тўлдирилди.

Тарқатиш

Мазкур қўлланма ЮНЕСКОга аъзо мамлакатларга, биринчи навбатда, Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган мамлакатларга тажриба тариқасида тарқатилади. У инглиз ва француз, араб тилларида 40000 нусада чоп этилди. Ўзбек тилига ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан таржима қилинди ва чоп этилди. Яқин келажакда эса қўлланма дунёнинг қатор тилларига ўгирилиши кўзда тутилмоқда.

Тадқиқот

Дунёнинг деярли барча қитъаларида ўрта мактаб ўқитувчилари учун турли фанлар бўйича маълумотларни чоп этиш жиддий муаммо ҳисобланади. Ушбу қўлланма кўплаб мамлакатлардаги муаллимлар томонидан ишлаб чиқилган педагогик ёндашувлар ҳамда бутун дунёдаги 400 га яқин ўқувчи ва муаллимлардан олинган таклифлар, тавсиялар асосида тайёрланганлигига қарамай, иложи борича кўпроқ муаллимлар томонидан синалиши ҳамда маҳаллий ва миллий шароитларга мослаштирилиши керак. Ёшларни Бутунжаҳон Меросини жаҳолат, қашшоқлик, уруш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиш хавфидан асрашга ўқитиш ҳозирги кунда жуда муҳим масаладир.

Бунда Сиз амалиётчи муаллимларнинг Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълимни қандай қилиб янада яхшироқ йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз биз учун катта аҳамият касб этади. Илова қилинаётган ҳисобот-баҳолаш сўровномасини тўлдириб бизга юбор-

сангиз, Сиз ўз мулоҳазаларингизни ва тажрибангизни бутун дунёдаги бошқа муаллимлар ва устозлар билан баҳам кўриш имконини берган бўлар эдингиз.

Мукамал шаклга келтириш ва мослаштириш

Сизнинг баҳолаш сўровномаларингиз ушбу қўлланмани такомиллаштиришимизга хизмат қилади. Бу бир томондан, тижорат асосида уни нашр қилиш ва тарқатишга, иккинчи томондан, уни дунё мактаблари ўқув режасининг ажралмас қисми сифатида, Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълим жараёнини муайян тизим билан таъминлаш мақсадида нашрга тайёрлашимизга ёрдам беради.

Узлуксиз куч-ғайратлар

Ўқув режасини такомиллаштириш тадқиқотлар, синовлар ва баҳолашни талаб этади. Бу узлуксиз жараён ва узоқ муддатли вазифадир. Биз жорий қилинажак янги таълим концепциясининг остонасида турибмиз, чунки биз барча кишилар бугунги кунда ва келажакда бебаҳо Бутунжаҳон Меросини асрашга интиладиган, тинч ва соғлом олам ҳақидаги янги умидлар билан янги асрга кириб бормоқдамиз.

ЮНЕСКО МУҲАРРИРЛАРИ:

Элизабет Хаважки

Брэда Павлич

Сара Титчен

Elizabeth Klaujkie

Breda Pavlich

Sarah M. Titcher

ЖАҲОН МЕРОСИ ЭМБЛЕМАСИ ВА ПАТРИМОНИТО

Жаҳон Мероси Конвенцияси эмблемасида кўрсатилганидек, маданий ва табиий меросни асрашни бир-бирига боғлайди.



Бу эмблема маданий ва табиий ёдгорликларнинг ўзаро боғлиқлигини рамзий ифодалайди: марказдаги тўртбурчак - инсон яратган шаклдир, айлана эса табиатни ифодалайди, ҳар икки фигура бир-бири билан боғлиқ. Эмблема Ер куррасини эслатувчи шаклда бўлиб, айти вақтда муҳофаза рамзидир.



Патримонито Норвегиянинг Берген шаҳрида ўтган Жаҳон Мероси Биринчи ёшлар форумининг семинари чоғида ўзларини эслатувчи ниманидир яратишни истаган испанзабон ўқувчилар томонидан яратилди. Патримонито испан тилида “кичик мерос” маъносини англатади ва бу қаҳрамон мерос ўрганувчининг ёш ёрдамчисини билдиради.



© UNESCO
Патримонито Жаҳон
Мероси биринчи Африка
ёшлар форумига ёшлар
билан хайрлашмоқда.
Зимбабве.



МИННАТДОРЧИЛИК

Мазкур қўлланма кўплаб ташкилотлар ва кишиларнинг бир неча йиллик меҳнатининг маҳсулидир. Ушбу фурсатда ЮНЕСКО уларнинг барчасига нафақат алоҳида ҳиссалари учун, балки бизнинг ташаббусимиз ва Бутунжаҳон Меросини ўқитиш бўйича бошлаган бу ишмизни муваффақиятли якунлашдек ишончимизга шерик бўлганлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Биринчи навбатда, ўз билимлари, вақтлари ва куч-ғайратларини бу ишга саҳийлик ила бахшида этган, қўлланма учун кўплаб асосий қисмларни тақдим этган Ингунн Квистера хоним (Норвегия) ва жаноб Питер Стоун (Буюк Британия), шунингдек, ушбу Қўлланмани нашр этиш учун кўплаб фойдали маслаҳатлар ва маълумотлар берган Анна Георгиева хоним (Болгария), Ясенка Жувела Спивало хоним (Хорватия) ва жаноб Роб Роуни (Янги Зеландия) алоҳида миннатдорчиликка муносибдирлар.

ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси ва сўнги тўрт йил мобайнида унинг раиси лавозимида ишлаган Адил Виченчароен (Таиланд), Элчи Хорст Винильманн (Германия), Тереза Франко хоним (Мексика) ва профессор Франческо Франчионига (Италия) берган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиради. Қўмитанинг икки маслаҳат органи - Халқаро обидалар ва ёдгорликлар кенгаши (ICOMOS) ва Табиатни асраш иттифоқи (IUCN), шунингдек, яна бир ноҳукумат ташкилот - Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ташкилоти (OWHC) лойиҳанинг турли босқичларини экспертизадан ўтказишда қатнашдилар.

ЮНЕСКО бизнинг ҳаракатларимизни у ёки бу тарзда қўллаб-қувватлаган 80 га яқин аъзо давлатларнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияларидан чексиз миннатдордир. Улардан айримлари, яъни Норвегия, Хорватия, Замбия, Зимбабве ва Хитой ўз мамлакатларида ёшлар Бутунжаҳон Мероси форумларини ўтказиб, ўзларининг катта улушларини қўшдилар. Бу форумларда ушбу қўлланма учун маълумотлар тақдим қилинди ва мунтазам равишда синовдан ўтказилди. Миллий комиссиялар туфайли ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи (ASPnet) орқали бу чинакам тадбирда қатнашган юзлаб ўқувчилар ва муаллимларнинг ташаббускорлиги ва садоқати қўлланмага фойда келтирди.

Рон-Пуленк жамғармаси энг аввалданоқ қўлланмани яратиш ишига нафақат ўзининг катта молиявий улуши билан, балки бунинг устига ўзининг махсус билимлари ва ўз ходимларининг, жумладан, жаноб Андре де Марко, Николь Мартин хоним ва Кэти Форгет хонимнинг қатъий ишончи ва қўллаб-қувватлаши билан ҳисса қўшдилар.

Франциянинг «Алоқа, Ахборот ва Таълим» (СІЕ) фирмаси қўлланманинг дизайни ва макети бўйича қимматли маслаҳатлар берди. ЮНЕСКО СІЕ фирмасида ишлаётган Катрин Барэ ва Софи Эммануэль Нахас хонимларга ҳамкорлик қилгани учун алоҳида миннатдорчилик билдиради.

ҚЎЛЛАНМАДАН ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНИШ КЕРАК ?

Ушбу қўлланма ўрта мактабларнинг муаллимлари учун

- ✓ дунёнинг барча минтақаларида кўпинча оғир шароитларда (мактаб инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, ўқув қўлланмалари ва материалларининг етишмаслиги, синфларнинг ҳаддан ташқари тўлиқлиги, ўқув дастурларининг муфассаллиги), шунингдек, сўнгги таълим технологиялари (Интернетга, CD лазер тасмасига уланиш ва ҳоказо) билан жиҳозланган мактабларда дарс бераётган;
- ✓ барча (география, тарих, тил ва адабиёт, математика, санъат ва ҳоказо) фанлардан 12 ва 18 ёшлар ўртасидаги ўқувчиларга сабоқ бераётган муаллимлар учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиш жуда осон

Сиз:

- ✓ синфда ёки синфдан ташқарида бугун, эртага, келгуси ҳафтада ёки кейинги бир неча ой мобайнида фойдаланиш учун хоҳлаган нарсангизни танлашингиз;
- ✓ қўлланмани бошидан бошлашингиз ва таклиф қилинаётган педагогик ёндашувлар ҳақида ўқишингиз;
- ✓ бевосита қуйидаги хоҳлаган мавзу қисмларига ўтишингиз: Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси, Бутунжаҳон Мероси ва шахс, Бутунжаҳон Мероси ва туризм, Бутунжаҳон Мероси ва атроф-муҳит, Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик маданияти;
- ✓ қўлланмадан тўлиқ фойдаланишингиз ёки унинг бирор қисмини танлашингиз;
- ✓ ўзингиз ва ёки ўқувчиларингиз томонидан тўпланган мамлакатингизнинг ёдгорликлари, уларни асраш ҳақидаги маълумотларни, фотосуратлар ва хариталарни қўшишингиз мумкин.

Қўлланмадан фойдаланишда сизга ёрдам бериш учун қуйидагилар мавжуд:

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси

1972 йилги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (кўпинча соддароқ қилиб «Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси» деб аташади) қўлланмага бириктирилган.

Фотосуратлар













Қўлланма Бутунжаҳон Мероси табиий ва маданий ёдгорликларининг бир қатор суратларини ўз ичига олган (номи ва қисқача тавсифи, рўйхатга олиш санаси ва ҳар бир ёдгорлик учун фойдаланиладиган мезонлар ҳар бир фотосуратнинг орқасида берилган). Фотосуратлар қўлланманинг бошқа кўплаб бўлимлари билан боғлиқликда қўлланилиши мумкин. Фотосуратлар ўқувчиларга Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари намуналари ва Бутунжаҳон Мероси мезонларини қўллаш билан бевосита кўриб, танишиш учун берилган.

Маълумот манбалари рўйхати

Бутунжаҳон меросига тегишли бўлган барча манбаларни киритиш имконияти йўқлиги учун таянч манбалар бўлимида Сиз бепул ёки сотиб олишингиз мумкин бўлган маълумот манбалари рўйхати келтирилган.

Муаллимлар қўлланмадан самарали фойдаланишлари учун у ўзида нодир мақолалар ва манбаларни мужассамлаштирган:

Қўлланма ўқувчиларга таклиф қилинган 42 ишни ўз ичига олади. Айрим ўқувчилар ишга таяниш ҳам Патримонито пиктограммалари билан белгиланган. Бу ишлар маҳаллий шарт-шароитга ва ўқувчиларининг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштирилиши, ўзгартирилиши ва ривожлантирилиши мумкин. Таклиф қилинган ишлардан фойдаланишда Сизга ёрдам бериш қуйидаги тимсолларга юклатилган:

Иш тури ⇒		Баҳс		Кўргазмали қуроллар воситасида ўтказиладиган машғулот
		Тадқиқот		Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига саёҳат
		Машқ		Саҳналаштирилган ўйинлар
Батафсил иш тури ⇒		Мактабдаги машғулот		Таклиф қилинаётган предметлар
		Мактабдан ташқари машғулот		Таянч манбалар
		Таклиф қилинаётган вақт		Бошқа манбалар

Қўлланма **Ўқувчи иш варағини** ҳам ўз ичига олади, улар ўқувчиларнинг бевосита фойдаланиши учун синфда тарқатилиши ёки нусха кўчириш қурилмасида кўпайтирилиши мумкин. Айрим Ўқувчи Иш Варағи ҳам Патримонито пиктограммалари билан белгиланади.

Қўлланма Бутунжаҳон Мероси соҳасида ўқитиш мазмуни ва услубига кўра янги концепция бўлганлиги сабабли у тажриба тариқасида чиқарилган. Бу бўлимдан кейин ҳисобот-баҳолаш сўровномаси киритилган. Қўлланмадан фойдаланишдан олдин қараб чиқинг ва уни ишлатган сари тўлдириб боринг. Умид қиламизки, Сиз иложи борича кўпроқ ўқувчиларнинг ишини текширасиз ва иложи борича кўпроқ таянч манбалардан фойдаланасиз. Баҳолаш варағи тўлдиргач, уларни ЮНЕСКОга юборинг (WHC/ASPnet, 7 place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France, fax (33 1) 45685622, (33 1) 45685570).

Қўлланмада таклиф қилинган Бутунжаҳон Мероси соҳасида янги ва истиқболли ишни бажаришда Сизга ҳар томонлама муваффақият тилаймиз. ЮНЕСКО яна ахборот ва ёрдам бериш учун хизматингизга тайёрдир.

**Муваффақият ёр бўлсин,
муаллимлар ва ўқувчилар!**

ҲИСОБОТ- БАҲОЛАШ СЎРОВНОМАСИ

Бутунжаҳон Мероси ёшлар қўлида

Муаллимлар учун таълим бўйича услубий қўлланма

Биз, Бутунжаҳон Меросини асраш бўйича ЮНЕСКО услубий қўлланмасининг ушбу дастлабки андозасини синаб кўришга розилик билдирганингиз учун Сиздан миннатдормиз. ЮНЕСКО келажакда ушбу қўлланмани чоп этиш, бошқа тилларга таржима қилиш ва унинг янада кенг тарқалишини таъминлаш учун қўлланмага узил-кесил шакл бериш мақсадида бутун дунёдаги муаллимлар фикрини олишни истайди. Қўлланмани синовдан ўтказганингиздан кейин ушбу сўровномани тўлдириш ва ўз мамлакатингиздаги ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияга ёки иложи борича тезроқ ЮНЕСКОга, Парижга юбориш учун топширинг. Агар зарур бўлса, қўшимча қоғоз варағидан фойдаланинг.

Умумий маълумотлар

Мамлакат номи _____

Мактабингиз ҳақида маълумот

Номи: _____

Манзили (кўча, п/қ сони, шаҳар ва почта индекси, минтақа/давлат) _____

Телефон: _____

Факс(агар бўлса): _____

Электрон почта (e-mail) _____

Ушбу сўровномани тўлдириш учун масъул бўлган муаллимнинг номи

Жаноб

Хоним

Исми: _____

Фамилияси: _____

Қўлланмани синовдан ўтказишда қатнашган муаллимлар қайси фанлардан (масалан, тарих, география ва ҳоказо) дарс беради?

1. _____

5. _____

2. _____

6. _____

3. _____

7. _____

4. _____

8. _____

Қатнашган ўқувчиларнинг ёши

12-13 ёш

14-15 ёш

16-18 ёш

Умумий баҳо

1. Манба ҳақидаги фикрингизни билдиринг:

Жуда фойдали фойдали фойдасиз

Марҳамат, тушунтиринг:

2. Қўлланманинг умумий **берилиши** ҳақида қандай фикрдасиз (скросшиватель, асосий мавзу бўлимлари, таянч манбалар ва ҳоказо)?

аъло яхши ўрта ёмон

Марҳамат, тушунтиринг:

3. Қўлланмадан фойдаланаётганда қандай муаммоларга, **тўсиқларга** дуч келдингиз?

4. Қўлланмани келажакда қандай такомиллаштириш мумкин? Бирор нарсани **қўшиш** ёки **олиб ташлаш** тўғрисида таклифингиз борми?

5. Сиз қўлланмани асосан дарсда ёки дарсдан ташқари машғулотларда қўллармидингиз?

дарс машғулотлари дарсдан ташқари машғулотлар

6. Агар ҳар иккисидан қўллаган бўлсангиз, дарс машғулотларида умумий фойдаланиш вақтининг дарсдан ташқари машғулотларга нисбатини фоизларда кўрсатинг (масалан, 60 фоиз синфда, 40 фоиз дарсдан ташқари машғулотларда):

_____% дарс машғулотларида _____% дарсдан ташқари машғулотларда

7. Қўлланма Бутунжаҳон Мероси соҳасида ўқитишда педагогик ёндашувларнинг турли типларини таклиф қилади. Марҳамат, самарадорликни 1 дан 3 гача шкала бўйича баҳоланг (1: жуда самарали, 2: самарали, 3: самарасиз) ва шарҳлаб беринг:

✓ Умумий ёндашув аъло 1 2 3

Шарҳ: _____

✓ Ёдгорликларга ташриф буюриш 1 2 3

Шарҳ: _____

✓ Музейларга бориш 1 2 3

Шарҳ: _____

Интернет 1 2 3

Шарҳ: _____

✓ бошқа таклифлар

8. Марҳамат, ўқувчиларнинг беш бобга нисбатан қизиқиши даражасини 1 дан 3 гача бўлган шкала ёрдамида билиб олинг (1: катта қизиқиш, 2: шунчаки қизиқиш, 3: қизиқишсиз) ва бу боблар билан ишлашда Сиз қўллаган тартибда баҳоланг (масалан, Конвенция: 1; Атроф-муҳит: 2; Туризм: 3; ва ҳоказо):

	Қизиқиш	Тақдим қилиш тартиби
Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси:		
Бутунжаҳон Мероси ва шахс:		
Бутунжаҳон Мероси ва туризм:		
Бутунжаҳон Мероси ва атроф-муҳит:		
Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик маданияти:		

9. Марҳамат, таянч манбаларнинг фойдалилигини 1 дан 3 гача шкала бўйича баҳоланг (1: жуда фойдали; 2: фойдали; 3: фойдасиз):

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг қисқача тавсифи: Бутунжаҳон Мероси харитаси: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг ялтироқ фотосуратлари: Лугат: Мулоқот манзиллари: Ахборот манбалари рўйхати: Плакат: Наклейкалар:	
---	--

10. Мамлакатингизда илгари Бутунжаҳон Мероси бўйича нашр этилган манбаларни қўшиш ва улардан фойдаланишингиз мумкин эдими? Уларни қўллармидингиз?

Ҳа Йўқ

Агар «ҳа» бўлса, ёзинг: _____

11. Бутунжаҳон Мероси соҳасида ўқитишда янги манбаларни чоп этиш ва ёки инновацион педагогик ёндашувларни ишлаб чиқиш имконига эга эдингизми?

Ҳа Йўқ

Агар «ҳа» бўлса, ёзинг: _____

12. Ўқувчиларнинг ишини баҳоланг:

**➤ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА
ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР**

Ўқувчи-нинг иши	Тақдим этилди		Қўллан-мадан фойдала-нилган машгу-лотлар сони	Кири-тилган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машгулотлар доирасида			Жуда фойда-ли	Фойда-ли	Фойда-сиз	
1								

➤ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИ

Ўқувчи-нинг иши	Тақдим этилди		Қўллан-мадан фойдала-нилган машгу-лотлар сони	Кири-тилган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машгулотлар доирасида			Жуда фойда-ли	Фойда-ли	Фойда-сиз	
2								
3								
4								
5								
6								
7								
8								
9								
10								
11								
12								
13								
14								
15								

➤ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ШАХС

Ўқувчининг иши	Тақдим этилди		Қўлланмадан фойдаланилган машғулотлар сони	Киририлган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машғулотлар доирасида			Жуда фойдали	Фойдали	Фойдасиз	
16								
17								
18								
19								
20								
21								
22								

➤ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТУРИЗМ

Ўқувчининг иши	Тақдим этилди		Қўлланмадан фойдаланилган машғулотлар сони	Киририлган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машғулотлар доирасида			Жуда фойдали	Фойдали	Фойдасиз	
23								
24								
25								
26								
27								
28								

➤ **БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА АТРОФ-МУҲИТ**

Ўқувчининг иши	Тақдим этилди		Қўлланмадан фойдаланилган машғулотлар сони	Кирилган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машғулотлар доирасида			Жуда фойдали	Фойдали	Фойдасиз	
29								
30								
31								
32								
33								
34								
35								
36								

➤ **БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ШАХС**

Ўқувчининг иши	Тақдим этилди		Қўлланмадан фойдаланилган машғулотлар сони	Кирилган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машғулотлар доирасида			Жуда фойдали	Фойдали	Фойдасиз	
37								
38								
39								
40								
41								
42								

13. Ўқувчиларнинг ишени баҳолаш варағи

Ўқувчининг иши	Тақдим этилди		Қўлланмадан фойдаланилган машғулотлар сони	Киририлган фанлар (дарслар)	Баҳо			Шарҳ ва таклифлар (зарур бўлса алоҳида варақдан фойдаланиш мумкин).
	Дарс жадвали доирасида	Синфдан ташқари машғулотлар доирасида			Жуда фойдали	Фойдали	Фойдасиз	
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига бориш								
Музей экспонатини ўрганиш								
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини аниқлаш								
Бутунжаҳон Мероси мезонларини тушуниш								
Маданий ва табиий ёдгорликлар сўровномаси								
Бутунжаҳон туризм статистикаси, 1-2-3-жадваллар								
Бутунжаҳон Мероси ва туризм ўйини								
Мерос жойларида сайёҳлар учун яратилган шартшароитни баҳолаш								
Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлиги орқали тезюарар автйўл қуриш								
Гондваналанд расм-топишмоғи								
Бутунжаҳон Мероси ва дунё кроссворди								

14. Ушбу қўлланмадан фойдаланиш натижасида ўқувчиларингизнинг кундалик хатти-ҳаракатида **ижобий ўзгаришлари** сездингизми?

Ҳа Йўқ

Агар «Ҳа» бўлса, изоҳлаб беринг: _____

15. ЮНЕСКО мамлакатингизнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва устуворликларига янада кўпроқ мослаштириш учун қўлланмани қандай ўзгартириши мумкин?

16. Қўлланма миллий/маҳаллий/тил(лар)га таржима қилиниши керак деб ўйлайсизми?

Ҳа

Йўқ

Агар «Ҳа» бўлса, қайси тил(лар)га:

17. ЮНЕСКО келажакда қўлланмага қўшимча равишда у ёки бу мамлакатдаги минтақавий/маҳаллий/ вазиятга мослаштирилган наслрларни чиқаради. Қўлланма якуний шаклга эга бўлгач ва минтақавий/маҳаллий/ эҳтиёжларга тўла мослаштирилгач, уни мамлакатингиздаги ҳамма мактабларда тарқатиш керак деб ҳисоблайсизми?

Ҳа


Йўқ

18. Қўшимча шарҳлар (марҳамат, қўшимча варақдан фойдаланинг):



Бутунжаҳон Меросини ўрганишда услубий ёндашувлар

© UNESCO/ЮНЕСКО • Тунг Африка ёшлари Форуми, Викториа шаршараси, Зимбабве/Замбия



**“Муаллимлар дунёнинг турли даражадаги
барча мактабларида ўқувчиларга
Бутунжаҳон Меросини ўқитишни киритиш
бош вазифа эканлигига келишдилар.”**

**Биринчи Африка ёшлари Бутунжаҳон
Мероси Форуми, Викториа шаршараси,
Зимбабве/Замбия**



Словениялик ўқувчи кўз ўз
 миладий мөъриси ёндоқда • унда
 тадбирланган таърихчиларнинг
 Дубровникдаги ёшлар
 форуми қатнашчилари
 билан баҳам кўришда.
 © UNESCO




Бирлашган Ҳалқлар дастури
 ўқувчиларини дунёли эҳромига
 борган пайтларида қаришми
 Гизнинг Бош Кидиллари
 кўришар, Сагара, Гиз.
 © UNESCO



Венгриялик ўқувчилар Венгрия ва
 Словениядаги Аггелен Карст ва
 Словен Карст ёрларини ҳақида
 Билослава ГИССО ахборотдан
 ўрганишда.
 © UNESCO


Ўқувчилар Наҳон Мероси
халқаро форумида Зимбабведаги
Виктория (Мосиога-Тунья)
шаршараси ёдгорлигига
ташрифнинг тўхтиниб-ниҳатлари
хақида мунозаралар қилишмоқда.
© UNESCO



Наҳон Мероси ёдгорлигини
бориб кўрган ўқувчилар
гўнароқнинг мерос
ёдгорликларини Пекинда ўтказилган
Ешларнинг Наҳон Мероси форумида
25 мартдалик наҳонга чизмоқдалар.
© UNESCO

Пекиндаги
Ешларнинг
Наҳон Мероси
форумида.
© UNESCO





Ўқувчилар Сенегалдаги Гори оролидаги собиқ Қушлар уйи тарихий музейини бориб кўришмоқда.
© UNESCO

BSP ўқувчилари Рим музейида мажус мазорда тинчлашмоқда.
Александрия, Миср.
© UNESCO



Наҳон Меросиниге Сплитдаги BSP ўқувчилари саҳналаштирилган ўйинлар Воситасида тарихни юнлаштиришмоқда. (Диоклетиян қасрини ўз ичига олган Сплитнинг тарихий маданияси, Хорватия).
© UNESCO

Болалар ЮНЕСКОнинг Гватемалаларо Санъат ва Ҳунармандчилик Лойҳасининг таркибий қисми сифатида Гватемаладаги ҳунармандчиликни ўрганишмоқда.
© UNESCO





БУТУНЖАҲОН МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

	бетлар
Умумий педагогик ёндашув	36
Ўқувчиларга таклиф қилинаётган иш	36
Баҳс	37
Тадқиқот	37
Машқлар	37
Кўргазмали қўлланмалар билан машғулот (ялтироқ фотосуратлар ва ёпиштириладиган тасвирлар)	37
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига саёҳат	38
Ўқувчининг 1-иши: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари бўйича викторина	38
Ёдгорликларни томоша қилиш ва музейларга ташриф буюриш	39
Ёдгорликларга саёҳат	39
Тайёргарлик	39
Дастлабки ташриф	39
Ёдгорликни бориб кўриш	40
Ёдгорликни бориб кўргандан кейинги тадбирлар	41
Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига бориш	42
Музейларга ташриф	43
Музейга ташриф чоғидаги суҳбатлар	43
Музей экспонатини ўрганиш	43
Ўқувчининг иш варағи: Музейга борганда қуйидагиларни қайд этинг	44
Хунармандчилик устахонасига ташриф	45
Саҳналаштирилган ўйинлар	45
Синф хонасида саҳналаштирилган ўйинлар	45
Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги олдида спектакль қўйиш воситасида тарихни жонлантириш	46
Низонинг тинч ҳал этилиши	46
Ялпи тармоқда ва интернетда ишлаш	47
Ялпи тармоқда ишлаш	47
Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлашда Интернет тармоғи бўйича «сирғаниш»	48
Интернет	48
Электрон почта (e - mail)	49
Бутунжаҳон тармоғи – World Wide Web (WWW)	49
Интернетдан нима учун фойдаланилади	49
Бутунжаҳон Мероси Интернет тармоғида	51
Бутунжаҳон Мероси бўйича ахборот тармоғи (БМАТ/WHIN)	51
ASP тармоғи Интернетда	52
Интернет тармоғидаги фойдали манзиллар	52

УМУМИЙ ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВ

Бутунжаҳон Меросининг буюк қиймати ва уни келгуси авлодлар учун асрашнинг сайёрамизни қутқаришдаги ялпи аҳамияти таълим бериш ва ўрганишда кўпгина махсус, жумладан, кўп фанлараро ёндашувларни тақозо этади.

Ҳозир кўплаб мактабларда дарс жадваллари ўта тигизлиги туфайли ўқитувчиларга кўпроқ талаб қўйилади. Бутунжаҳон Меросини асрашнинг муҳимлигини ёшлар томонидан тушунилишини хоҳловчи муаллимлар умумий ёки бирлашган ёндашувни танладилар.

Умумий, фанлараро ёндашув турли фанлар, жумладан, тарих, география, табиий фанлар ёки тил муаллимларига Бутунжаҳон Мероси соҳасида дастлабки таълимни дарс машғулотларида ўтишга имкон беради. Қўлланманинг ҳар бир асосий бўлими охирида фанлараро ёндашувлар таклиф қилинади. Барча ёндашувлар ўз ўқувчиларингиз билан ишлашда фойдаланиш учун тўғри келмайди, аммо сиз билдирилган гоёларни мавжуд шароитларга ҳамда дарс жадвалининг тигизлиги ва имкониятларига мослаштиришингиз мумкин.

Бутунжаҳон Мероси соҳасида таълим турли фанлар ўқитувчиларини бирга ишлашга илҳомлантиради, бу эса ўқувчиларга Бутунжаҳон Меросини билиш ва уни асраш йўлида ҳаракат қилиш истагини шакллантиради.

◆ Ўқувчиларга таклиф қилинаётган иш

Қўлланмада таклиф қилинаётган ўқувчилар иши умумий педагогик ёндашувни энгиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу иш ЮНЕСКО-нинг Бутунжаҳон Мероси соҳасида Ёшлар таълими лойиҳасида иштирок этган турли мамлакатлардан қатор муаллимлар томонидан бошиданоқ қисман ўрганилган, текширилган ва қўлланилган эди. Таклиф қилинган ёндашувлар ҳар бир мамлакатдаги миллий шароитларга ва таълим тизимларидаги тафовутларга энгил мослаштирилиши мумкин. Таклиф қилинаётган таълим усуллариининг пировард мақсади – ёшларда меросимизни асраш туйғусини уйғотиш ҳамда жамиятда мавжуд муаммога қизиқишни оширадиган рағбатлантирувчи ишлар орқали мактаб ва жамият ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беришдан иборатдир.

Таклиф қилинаётган ўқувчининг иши олти асосий йўналишда жамланади:

Баҳс

Тадқиқот

Машқ

Кўргазмали қўлланмалар воситасида ўтказиладиган машғулот

Бутунжаҳон Мероси ва саёҳатлар

Жонли ўйинлар

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига саёҳат

Саҳналаштирилган ўйинлар

Баҳс

Бутунжаҳон Меросини ўрганиш ёшларга мероснинг аҳамияти ва қиймати, Бутунжаҳон Меросига тўғри муносабатда бўлиш воситалари ҳақида фикр юритиш ва уларни муҳокама қилишга имкон беради. Чунки Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълим ҳам билим олишни, ҳам ҳаракат қилишни ўз ичига олади. Мунозара машғулоти ўқувчиларни Бутунжаҳон Меросини асраш билан таништириш ва уларни меросни асраш жараёнида янада фаол иштирок этишга руҳлантиришда катта фойда келтиради.

Тадқиқот

Фан ва технологиянинг равнақи туфайли ҳозирги вақтда кўпгина жамиятлар катта ахборот инқилобини бошдан кечирмоқдалар; кўп мактаблар, кутубхоналар ва Интернет орқали ахборотлар ва маълумотлар базаларига, тадқиқотлар натижаларига, статистик тўпламларига Эга бўлмоқдалар ёки яқин келажакда эга бўладилар. Бутунжаҳон Мероси таълимида ўқувчиларга тадқиқот ишининг асосий усуллари, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва Бутунжаҳон Меросини асраш бўйича ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган.

Машқлар

Бутунжаҳон Мероси таълими ўқувчиларга амалиёт орқали ўрганишнинг аҳамиятини таъкидлайди. Бундай ёндашув кўпинча тажриба тарзида ўқитишга тегишлидир. Бундай иш ўқувчининг ижодкорлигини, унинг тасаввурини, муаммоларни ҳал қилиш малакасини, артистик ва эстетик лаёқати ҳамда саҳналаштирилган ўйинлар ўйнаш қобилиятини ривожлантиради. Қўлланмада таклиф қилинган машқларнинг айримлари ўқувчи иш варақларини ўз ичига олади. Улар ўқувчилар томонидан синфда осон ишлатилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Кўргазмали қўлланмалар билан машғулот (ялтироқ фотосуратлар ва ёпиштириладиган тасвирлар)

Бутунжаҳон Мероси таълими ўқувчиларни **Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** киритилган ёдгорликлар (1997 йилнинг декабрида 552 ёдгорлик) ҳақида кўпроқ билишга руҳлантиради. Қўлланмада кўп миқдорда фотосуратлар жойлаштирилган бўлиб, ўрганиш жараёнини енгиллаштиради. Кўплаб ёшлар бу ёдгорликларни биринчи марта кўришади ва уларни унутишмаса керак. Кимда CD-ROM ва Интернет каби янги таълим технологияларига боғланиш имконияти бўлса, уларга бу воситалардан Бутунжаҳон Меросининг ажойиб ёдгорликларини кашф этиш учун фойдаланишни тавсия қиламиз.

Бутунжаҳон мероси ёдгорликларига саёҳат

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси бўйича таълим лойиҳаси шуни кўрсатадики, ёшлар Жаҳон мероси ёдгорликларини қанча кўп билишса, улар, ўз чегаралари ва қитъаси доирасидан ташқари жойларда ҳам тадқиқот олиб боришни ва изланишни истаб қоладилар. Қўлланмада таклиф қилинган қатор ишлар дунёнинг турли ерларидаги Жаҳон Мероси маданий ва табиий ёдгорликларининг тавсифи ва қийматини тушуниш ҳамда сақлашга хизмат қилади. Умид қиламизки, берилган ахборот, фотосуратлар ва тасвирлар ўқувчиларга саёҳатни тасаввур қилиш ва чекка жойларда тадқиқот олиб боришга ёрдам беради, шу тарзда уларда ёдгорликларга алоҳида қизиқиш ва уларга ғамхўрлик қилиш ҳиссини уйғотади.

Ўқувчининг 1-иши

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ВИКТОРИНА

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ҳақида ўқувчиларнинг билимини аниқлаш ва уларда Бутунжаҳон Меросини асраш масаласига қизиқиш уйғотиш.



Машқ



Синф иши



Синфдаги
бир соатлик
машғулот



География,
ижтимоий
фанлар



Фотосуратлар,
Бутунжаҳон
Мероси Рўйхати,
қисқача тавсифлар

➤ Ўқувчиларингизга Бутунжаҳон Мероси бўйича викторина ўтказишни тушунтиринг ва улардан 1 дан 36 гача рақамларни ёзиб қаршисига Сиз кўрсатган ҳар бир фотосурат номини ёзишларини сўранг. Агар улар ёдгорликнинг номига шубҳа билдирсалар, у ҳолда ўқувчилар ёдгорлик жойлашган мамлакатни ёзишлари керак. Ўқувчиларга 36 та фотосуратни бирин-кетин кўрсатинг. Уларда ёдгорлик номини ёзишга етарли вақт бўлсин (ёдгорлик номи маълумот учун фотосуратнинг ён томонида кўрсатилади).

➤ Ўқувчилар вазифани бажаришганидан сўнг улардан ўз ёнида ўтирган ўқувчилар билан варақларни алмашишни ва уларга тўғри жавоб учун 1 балл, ёдгорлик номи кўрсатилмаган бўлса, мамлакат номи тўғрилиги учун ярим балл ҳўйишни сўранг. Голибларга кичик совринлар, масалан, Патримонито сиймоси акс этган, қўлланмага илова қилинадиган наклеякаларни тақдим этинг.

Ёдгорликларни томоша қилиш ва музейларга ташриф буюриш

Бутунжаҳон Мероси бўйича таълимнинг муҳим хусусияти – ўқувчиларга ўз шаҳридаги, мамлакати ёки хориждаги ёдгорликлар ва музейлар билан танишиш имкониятини яратишдан иборатдир. Яхши натижага эришиш учун бундай ташрифлар батафсил режалаштиришни, самарали ташкил этишни ва қўшимча тайёргарликни талаб қилади.

◆ Ёдгорликларга саёҳат

Тажрибанинг кўрсатишича, Бутунжаҳон Мероси бўйича таълимнинг асосий ўринларидан бири – Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига ташрифдир. Бу, ўқувчилар ҳамда муаллимлар учун эсан чиқмайдиган тажриба олишга имкон беради.

Тайёргарлик

Етарлича тайёргарлик кўриш – саёҳатга бориш учун зарур шартдир. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муаллим(лар)нинг ёдгорликка ташрифи;
- ташрифгача ва ташрифдан кейин ўқувчилар билимидаги ўзгаришларни, унинг малакаларини, ёдгорликка ва уни асрашга нисбатан хатти-ҳаракатини баҳолаш учун саволнома тайёрлаш;
- ўқувчиларни алоҳида ишларга, жумладан, ўтмишни қайта тиклашга, ёдгорлик ҳақидаги ривоят ва афсоналарни ҳикоя қилиб беришга ёки унинг расмини чизишга тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг ўз ташрифларига қўшимча равишда улар бажаришлари керак бўлган ишларни режалаштириш.

Дастлабки ташриф

Ўқувчиларингизнинг ташрифини ташкил этишда сизга ёрдам бериш учун иложи борича кўпроқ фанлар муаллимларидан иборат гуруҳ тузишга ҳаракат қилинг. Масалан, тарих муаллими ёдгорликнинг тарихи ҳақида маълумот бериши мумкин, география муаллими ёдгорлик жойлашувининг ўзига хосликлари ва унинг географик чизиқларини кўрсатиши, тил муаллими маҳсус матнларни бериши (адабий, поэтик, драматик), санъат муаллими ўқувчиларга ёдгорлик ёки унинг масштаб моделини чизишни таклиф қилиши, математика муаллими ўқувчилардан маданий ёдгорлик қандай қурилганлигини ёки табиат ёдгорлигида наботот ва

ҳайвонот олами вакилларининг тахминий сонини ҳисоблашни сўраши, табиий фанлар муаллими ўқувчиларни туризм, ифлослантириш ва эҳтиётсизлик туфайли ёдгорликка таъсири бўлиши мумкин бўлган хавфлар билан таништириши мумкин.

Ўқувчиларга ушбу ташриф эса қоларли бўлиши учун миллий кийим кийишни таклиф қилинг, ўзингиз билан анъанавий мусиқа ёзувини олиб келинг ўқувчиларга миллий қўшиқларни айтишни таклиф қилинг, махсус меҳмонни таклиф қилинг (ўқувчилар учун кутилмаган воқеа) ва бу билан мазкур ташрифни ўқувчилар учун унутилмайдиган таассуротга айлантасиз. Агар ёдгорлик қошида таълим соҳасидаги ходим бўлса, ундан ташрифни режалаштиришда ёрдам беришни илтимос қилинг.

Агар ёдгорлик бўйича маърифий материал нашр этилган бўлса, ёдгорликни бориб кўришдан олдин ўқувчилар билан ишлашда ундан фойдаланинг. Барча зарур маълумотларни тўпланг (бориб кўриш нархи, ёдгорликни кўриш учун очилиш ва ёпилиш вақти, расмга туширишга рухсат берилиши ёки рухсат берилмаслиги, овқатланиш шохобчалари, совға дўконлари, дам олиш хоналари, биринчи тиббий ёрдам бор-йўқлиги ва ўқувчиларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида ёдгорликни бориб кўриш имконияти бор-йўқлигини ёки уларни гуруҳларга бўлиш зарурлигини аниқланг).

Ўқувчининг иш варағини тайёрланг, уларни ёдгорликни бориб кўраётган пайтда тўлдириш мумкин бўлсин. Ташриф учун зарур бўлган барча материалларни, масалан, оқ қоғоз, расм чизиладиган қоғоз, фотоаппаратлар, қаламларни тайёрланг.

Агар видеокамерангиз бўлса, ташрифни видеотасвирга тушириш, сўнгра уни ўқувчилар ва ота-оналарга кўрсатиш мумкин бўлади.

Ёдгорликни бориб кўриш

Ёдгорликни бориб кўриш пайтида ҳар хил ишларни, расм чизиш, суратга олиш, суҳбат (экскурсовод ёки ходимлар, ўқувчиларнинг ўзлари билан), ёдгорликни бориб кўрганлиги ҳақида ўқувчи ўзининг журнаlinesи тайёрлашни, видео суратга олишни, фаол дам олиш (масалан, қўшиқлар фестивали, ота-оналар, ёдгорликларга қарайдиган ходимлар томонидан махсус нонушта тайёрланиши)ни назарда тутишга ҳаракат қилинг. Кичик совға келтиринг ва ўқувчилардан уни миннатдорчилик рамзи сифатида ёдгорлик бошқарувчисига тақдим этишни таклиф қилинг.

Ёдгорликни бориб кўргандан кейинги тадбирлар

Ёдгорликни бориб кўргандан кейинги тадбирлар ҳам унга тайёргарлик кўриш ва бориб кўришдан кам бўлмаган даражада муҳимдир. Чунки бундай тадбирлар ўқувчиларга олган билимлари ва таассуротларини ўзлаштириш, уларни бошқалар билан баҳам кўриш имконини беради. Ушбу тадбирлар бўйича қуйидагича таклифлар билдириш мумкин:

- Ўқувчиларингиз билан улар қандай янги нарсаларни кўрганларини, уларга нималар кўпроқ ёққанлиги ёки ёқмаганлигини муҳокама қилинг;
- Ўқувчиларга янги тадқиқот лойиҳасини, масалан, туризмни ривожлантириш учун ёдгорликни яхшилашни, айтилиши вақтда уни қўриқлашни таклиф қилинг, ёдгорликка таҳдид солаётган хавфни ўргатинг, бунда эҳтимол тutilган ечимларни топишга ҳаракат қилинг, туризмни бошқариш масаласида ёш экскурсоводларга ўз кўмагингизни таклиф қилинг;
- Ўқувчиларга ташриф чоғида қоғозга туширилган чизмалар асосида йирикроқ картина ёки ёдгорлик яратишни таклиф қилинг ва уларнинг ишларини кўргазмага қўйинг;
- Ўқувчиларга ёдгорликни бориб кўрганда олинган суратлар устида ишлашни таклиф қилинг ва улардан кўргазма ташкил этинг, ўқувчилар ва ота-оналар энг яхши суратларни танлашлари мумкин. Ғолибларни кичик совғалар билан мукофотланг;
- Ўқувчиларга ташриф тўғрисида мактаб деворий газетаси ва (ёки) маҳаллий (миллий) газетага мақола ёзишни таклиф қилинг;
- Ўқувчилардан бошқа ёдгорликларни бориб кўриш ҳақида таклифлар билдиришни илтимос қилинг.

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига бориш

Ўқувчилар томонидан ёдгорликни бориб кўришдан олдин, кўриш пайтида ва кейин тўлдириш учун (кўпроқ Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини бориб кўриш керак).

Ёдгорликнинг номи _____

Ўқувчининг исми _____

Бориб кўриш санаси _____

Тайёргарлик

Ташрифдан нималарни кутаётганингизни ёзинг (ўзингиз учун қандай янгилик олмоқчисиз, нималарни кашф қилмоқчисиз ёки билмоқчисиз).

Бутунжаҳон ёдгорлигига ташриф чоғида

Ёдгорликнинг Сизга кўпроқ маъқул бўлган қисмини ёки парчасини чизинг (алоҳида варақдан фойдаланинг).

Ёдгорликни бориб кўргандан кейин Сизга маълум бўлган айрим далиллар, рақамларни ёзинг:

Ўзингиз кечирган туйғуларингизни маълум қилинг; кўзингизни юмиб нималарни эшитишингизни, қандай ҳид сезишингизни, ёдгорликни бориб кўришдан олган кучли таассуротингизни баён қилинг;

товуш _____

ҳид _____

кўриниши _____

Бутунжаҳон ёдгорлигини бориб кўргандан кейин

Сиз кутган орзу ушалдими? ҳа йўқ

Изоҳлаб беринг

Сиз нима учун ушбу ёдгорликни муҳим деб ўйлайсиз?

Якуний қайдлар

Имзо

Сана

◆ Музейларга ташриф

Музейларга ташриф – Бутунжаҳон Мероси бўйича билимларга эга бўлишнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Музей ходимлари ва Халқаро музейлар кенгаши (ИСОМ) аъзолари эса ўқитувчиларнинг муносиб ҳамкорлари бўлиши мумкин. Музейлар кўпинча айрим маданий ва табиий хусусиятлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш ва ўрганиш мумкин бўлган жой ҳисобланади.

Музейлар бошқа диққатга сазовор жойлар яқинида жойлашмаган мактаблар, маҳаллий аҳоли, ота-оналар учун ўтмишни хотирлашда ҳамда ўтмиш билан бугунги кунни боғлашда асосий рол ўйнашлари мумкин.

Музейга ташриф чоғидаги суҳбатлар

Айрим музейлар катта майдонни эгаллайди, уларда минглаб буюмлар сақланади. Бу эса ташриф давомида кўрганларини ўзлаштириш ва баҳоланишни қийинлаштиради. Шу сабабли айрим ўқитувчилар ўқувчилар диққатини муайян мавзу ёки буюмга жамлайдилар ва бунинг учун махсус маърузачи билан келишадилар (у мавзунини ёки буюмни яхши биладиган, мароқ билан ҳикоя қилувчи одам бўлиши керак).

Музей экспонатини ўрганиш

Музейга боришдан олдин ҳар бир ўқувчига кузатиш ва ўрганиш учун битта буюмни тавсия қилиш мумкин. Ушбу топшириқни бажаришни енгиллаштириш учун музей экспонатини ўрганиш бўйича ўқувчи иш ва-рағи ҳар бир ўқувчига берилиши мумкин. Музейга бориб келингач, ўқувчилар синфда ўз ишлари натижаларини тақдим этишлари мумкин.

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

Музейга борганда қуйидагиларни қайд этинг:

Кузатиладиган жиҳатлар	Саволлар	Қайдлар	Тадқиқотнинг давом эттириладиган агарур жиҳатлари
Жисмоний тавсиф	<ul style="list-style-type: none"> * Буюмнинг ранги қанақа? * Унинг қандай ҳиди бор? * У нимага ўхшайди? * У нимадан ясалган? * У табиий ҳолдами ёки инсон қўли билан ясалганми? * У тўлиқми? * У ўзгарганми, мослаштирилганми, таъмирланганми? * У эскими? 		
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> * Буюм қўлда ясалганми ёки машинада ясалганми? * У яхлитми ёки қисмлардан иборатми? * У қандай йигилган? 		
Вазифалари	<ul style="list-style-type: none"> * Бу буюмдан қандай фойдаланилган? * Унинг вазифаси ўзгарганми? 		
Концепция	<ul style="list-style-type: none"> * У белгиланган вазифани бажардими? * У қайта таъмирланганми? * Энг яхши материаллардан фойдаланилганми? * Унинг ташқи кўриниши ёқадими? * Сиз уни қандай безаган бўлар эдингиз? 		
Қимматлиги	<ul style="list-style-type: none"> * Буюм қандай қийматга эга? * Уни ясаган одамлар учун... * Ундан фойдаланган одамлар учун... * Уни сақловчи одамлар учун... * Сиз учун... * Музей учун... * Коллекционер (тўпловчи) учун? 		

Ҳунармандчилик устахонасига ташриф

Музейларда ҳозирги кунда ишланган (масалан, кулолчилик маҳсулотлари) авлоддан-авлодга ўтиб келган ҳунармандчилик санъати намуналарини кўриш мумкин.

Ўқувчилар ҳунармандчилик устахонасига кириб, анъанавий ҳунармандчиликнинг ўзлари музейда кўрган буюмларини ўз қўллари билан ушлаб кўришлари мумкин. Шундай қилиб, улар буюмларнинг ўзига хослиги билан маҳаллий ҳунармандчилик ўртасидаги алоқани тушуниб олишлари мумкин бўлади.

Саҳналаштирилган ўйинлар

Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш масалаларига ўқувчиларни қизиқтиришга интилувчи кўпчилик ўқитувчилар бунда рол тақсимладиган ўйинлар жуда фойдали бўлишини маъқуллашди. Саҳналаштирилган ўйинларнинг 5 та асосий мақсади бор:

- ўқувчиларни бохабар қилиш;
- мураккаб ва мавҳум буюмларни тушунишни енгиллаштириш;
- ўқувчиларни янги тадқиқот кўникмаларига эга қилиш;
- узоқ вақт машғул бўлишни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини шакллантириш.

Синф хонасида саҳналаштирилган ўйинлар

Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш кўп куч, вақтни талаб қиладиган кўплаб муаммоларни ўзида жамлаган. Улар жумласига янги ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш ҳақида қарор қабул қилиш, ёдгорликларни сақлаб қолиш, тартибга солиш материаллари ва усуллари танлаш (эски уйларни бузиш, туризмни ривожлантириш, янги йўллар қуриш), бошқарувни режалаштириш ва ёдгорликлар инспекциясини сақлаб қолиш, тарғибот ёки бир ёдгорликни бошқаси орқали қўллаб-қувватлаш учун бир жамғарма ўрнига бошқа жамғармага устунлик бериш кабиллар киради.

Ўқувчилар саҳналаштирилган ўйинлар воситасида ушбу масалаларни яхшироқ тушуниб етадилар ва тегишли қарорлар қабул қилишади. Муаллим синфни кичикроқ гуруҳларга бўлиши ва ҳар бир гуруҳдан ўз гуруҳи ёки улар ифодалаш керак бўлган персонаж нуқтаи назарини ўйлаб кўриш ва ўрганишни илтимос қилиши мумкин. Кейинги ёрдам зарур ахборот ёки маълумотларни қандай топиш мумкинлиги тўғрисида маслаҳат бериш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Муқобил сифатида ўқитувчи ҳар бир томонни тавсифловчи карточкаларни олдиндан тайёрлаши ва ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига карточкаларни тарқатиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўз нуқтаи назарини муҳокама қилади ва роль ўйнашда қатнашиш учун битта ўқувчини танлайди. Ҳар бир қатнашчи ўз гуруҳи манфаатини ҳимоя қилади. Қолган ўқувчилар ҳакамлар ҳайъати ёки қўмита ролини бажаришади.

Ўқувчиларга ҳаракатли ўйинлар жараёнини тўлиқ тушуниб олиш имкониятларини бериш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

- бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига нисбатан табиатни сақлаб қолиш вазифасини белгилаш;
- манфаатлари турлича бўлган гуруҳларини ифодаловчи ўқувчилар масалани ҳал этишнинг мумкин бўлган йўллари акс эттирадидилар;
- ўқувчилар тақдим этилган ечимларни баҳолайдилар;
- ўқувчилар демократик йўл билан энг яхши ечимни танлайдилар;
- ўқувчилар ечимни қандай амалга оширишни ҳал этадилар;
- ўқувчилар ўзи танлаган йўл натижаларини баҳолайдилар.

◆ Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги олдида спектакль қўйиш воситасида тарихни жонлантириш

Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги олдида тарихий спектакль қўйиш ёшларнинг онгида узоқ вақт сақланиши мумкин. Бир қанча машҳур пьесалар мерос ёдгорликлари олдида қўйилади. Масалан, Шекспирнинг «Гамлет»и Данияда Кронборг қасрида, Вердининг «Аида» операси Мисрдаги Луксор қасрида қўйилди. ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури ўқувчилари Бутунжаҳон Меросининг Сплит (Хорватия) шаҳридаги ёдгорликлар вайроналарида Римнинг Диоклетиан императори тўғрисида спектакль қўйишди.

Низонинг тинч ҳал этилиши

Баъзан Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолишга нисбатан можароли вазиятлар пайдо бўлади. Улар, масалан, эгалик қилиш, уруш ёки ривожлантириш лойиҳалари туфайли келиб чиқади. Улар ижодий ва тўғри қарорга келиш воситасида тинч йўл билан ҳал этилиши керак. Саҳналаштирилган ўйинлар низоларни куч ишлатмасдан ҳал этиш кўникмасини ёшларга сингдиришда, муаммога ҳар хил нуқтаи назар билан қарашда, муроСага келишнинг муҳимлигини тушуниб етишда, уларга ёрдам беришда фойдали бўлиши мумкин. Ўқитувчилар Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш режасига ўхшаш сценарий тайёрлашлари мумкин. Синф турли гуруҳларга бўлиниши ва ҳар бир гуруҳ махсус роль олиши, масалан, ёдгорликни ривожлантириш, сақлаш бўйича менежер, маҳаллий мэр, маҳаллий қурувчи ёки сайёҳ ролларини олиши мумкин. Навбатдаги назорат рўйхатини гуруҳ аъзоларига мунозара ўтказишга тайёргарлик кўришда ёрдам бериш учун барча гуруҳларга тарқатиш мумкин. Ушбу мунозара ҳеч кимни камситмайдиган ва келгуси ишда муаммо келтириб чиқармайдиган ечимга олиб келиши керак.

Саҳналаштирилган ўйинлар орқали низоларни тинч ҳал этиш йўли билан Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш бўйича текшириш учун рўйхат:

1. Фикрингизни сўзга чиқаётганларга эмас, балки муаммога жамланг.
2. Ўзингизни оппонентнинг/оппонентларнинг/ ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қилинг ва бир гуруҳнинг бир нечта манфаатлари бўлиши мумкинлигини ёдда тутинг.

3. Оппонентингизга ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин ифодалаш имконини беринг. Диққат билан эшитинг.
4. Оппонентингизни тушунишга ҳаракат қилинг ва унинг асосий далиллари нималардан иборат эканлигини билиб олинг.
5. Асосий саволларни беринг.
6. Оппонентингиз Сиз нима демоқчи эканлигингизни тушунишга ишонч ҳосил қилинг.
7. Майда-чуйдаларга ўралашиб қолманг.
8. Барча гуруҳларни қониқтириши мумкин бўлган ечим топинг. Вазифа - мақбул ечимни топиш.
9. Оппонентга таҳдид қилманг.
10. Оппонентнинг тазйиқи остида ён берманг.
11. Ўз ижобий ҳиссангизни қўшинг.
12. Унча мураккаб бўлмаган муаммолардан мураккаброқ муаммоларга ўтиб, низони босқичма-босқич ҳал этинг.
13. Янги низоларнинг олдини олиш учун ҳамкорлик қилинг.
14. Бўлғуси низоларни ҳал этиш усуллари тўғрисида келишиб олинг.

Ўқитувчи кўпроқ кузатувчи ролини бажариши, бироқ ёрдам беришга (илтимосга кўра) тайёр туриши керак.

Ялпи тармоқда ва Интернетда ишлаш

Биз ахборот технологиялари жуда тез ривожланаётган даврда яшамоқдамиз. Интернет орқали қисқа вақт ичида жаҳоннинг турли нуқталаридаги кутубхоналар, маълумотлар базалари, архивлар, об-ҳаво, халқ истеъмол товарлари тўғрисидаги маълумотлар базасига ва ҳоказоларга кириб боришимиз мумкин. Модомики, ахборот ва маълумотлар Бутунжаҳон Меросини ўрганиш ва тадқиқ этишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланар экан, янги технологиялар ўқитувчилар ва ўқувчиларга Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари қадриятларини кашф этиш ва уларни сақлаш тўғрисида кўпроқ билиш учун янги имконият очади.

Бироқ Интернетдан ҳамма ҳам фойдаланиш имконига эга эмас. Лекин шунга қарамай, компьютер сотиб олиш нархи тушиб кетаётган, телекоммуникацияларнинг унчалик қиммат бўлмаган хизматлари бутун жаҳонда кенг ёйилаётган экан, Интернетдан фойдаланувчилар сони тезликда ва ҳамма жойда ўсиши кутилмоқда.

◆ Ялпи тармоқда ишлаш

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси соҳасида Ёшлар таълими лойиҳаси мактабларга жаҳоннинг барча қисмларига ўрта мактабларнинг барча турларини ўз ичига олувчи глобал тармоқнинг бир қисмига айланиш имконини беради. Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълимни мактаб дастурига киритишнинг янги самарали йўллари ривожлантиришни биргаликда ўрганиш ва тажриба алмашиш лойиҳанинг муҳим қисми ҳисобланади.

Лойиҳа аъзолари бўлган кўпчилик мактаблар **ЮНЕСКО Бирлашган мактаблари дастури тармоғининг (ASPNet)** аъзолари ҳисобланади. Ушбу тармоқ ASP тармоқ орқали **ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси мар-**

кази томонидан ўтказиладиган Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги Ёшлар таълими лойиҳаси каби нишона лойиҳалар воситасида таълимнинг гуманитар, маданий ва халқаро мезонларини кучайтириш учун ишлаб чиқилган. ASP тармоқ мактаблари алоқалар ва айирбошлашни тез-тез амалга ошириб туради. Бу тажриба алмашишнинггина эмас, балки баъзан ресурслар алмашишни ҳам ўз ичига олади.

Дунёнинг турли жойларидаги ўқувчилар ва ўқитувчиларни бирлаштириш тармоқдаги ишнинг яна бир асосий қисмидир. ЮНЕСКО ушбу мақсадга **Бутунжаҳон Меросининг ёшлар форумлари** воситасида ва ўқитувчилар учун миллий ва минтақавий семинарлар ўтказиш орқали эришади. ЮНЕСКОга **аъзо давлатлар** ҳам махсус таълим тадбирлари ташкил этилишини қўллаб-қувватлашади ва унинг ташаббускорлари бўлишади. Ўқитувчилар учун Бутунжаҳон Мероси бўйича Миллий семинар сингари бундай тадбирлардан бири 1997/1998 йилларнинг август ойларида Норвегиянинг Ророс шаҳрида ёшлар учун ташкил қилинган Европа Тикланиш йўли курслари бўлди.

Албатта, ўқувчилар ва ўқитувчиларни турли мамлакатлардан тўплаш кўп чиқимли тадбир. Бироқ тармоқли мақсадлар учун Интернет сингари янги технологиялардан фойдаланиш одамлар бир-бирларини билишлари ва жонли, доимий мулоқотда бўлишлари ҳамда гоё алмашишлари учун юқори самарали восита эканлиги исботланмоқда.

Тармоқда самарали ишлаш, шунингдек, ахборот оқимининг тез-тез такрорланиб туришини ва мустақкам ҳамкорликни талаб қилади. ЮНЕСКО Интернет тармоғи ва ҳар хил маълумотларни эълон қилиш орқали ўзининг Бутунжаҳон Мероси соҳасида Ёшлар таълими лойиҳаси бўйича ахборотни мунтазам тарқатади.

◆ **Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлашда Интернет тармоғи бўйича «сирғаниш»**

Ҳозирги пайтда ахборотдан фойдаланиш воситалари коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши баробарида мисли кўрилмаган ўзгаришларга учрамоқда ва жадал ривожланмоқда. Ёшлар учун асосий вазифа улар фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ва маълумотлар оқимини ҳис қилиш ва уларга танқидий муносабатда бўлишдир. Ўқувчилар нимани қаердан излашни билишлари керак.

Интернет

Интернет - бу умумий протоколга ёки коммуникациялар стандартига асосланган ахборот айирбошлашнинг дунёвий тармоғидир. Интернет орқали маълумотларнинг ахборот базаларидан, электрон журналлардан, библиографиялардан дастурий таъминлашдан фойдаланиш мумкин ва у ахборотни айирбошлаш ва тарқатиш бўйича янги воситадир.

Ҳозирги вақтда Интернет ҳеч ким олдиндан башорат қилмаган тезликда кенгаймоқда. Янги web-саҳифалар ҳар куни қўшилиб турибди. 1995 йилда Интернетдан фойдаланувчилар 56 миллион эди. 2001 йилда ушбу рақам икки миллиардга етиши кутилмоқда.

Электрон почта (e-mail)

Электрон почта - бу компьютерлардан фойдаланиш орқали маълумотларни жўнатиш усулидир. Хабар бошқа компьютерлар билан модем ва телефон ёки ток узатиш линиялари билан электрон бирлаштирилган компьютерда терилади.

Исталган тезликда ишловчи модемга эга бўлган исталган мактаб электрон почтага осонгина уланиши ва Бутунжаҳон алоқа тармоғининг қисмига айланиши мумкин.

Масалан, Бутунжаҳон Мероси янгиликномасига ҳам осонликча обуна бўлиш мумкин.

Бутунжаҳон тармоғи (WWW)

Бутунжаҳон тармоғи ахборотларнинг кенг оммага маълум бўлишини таъминловчи кўпдан кўп воситалардан биридир. Компьютерларнинг эгалари ўз ахборотларини унга киритадилар. Алоҳида саҳифалар тармоқда Web-саҳифалар сифатида маълумдир. Улар одатда тегишли масалалар бўйича ахборотларнинг алоқасини таъминловчи ажратилган сўз ва иборалардан иборат бўлади.

Web-саҳифалар матн шаклида бўлади, айти вақтда уларда расмлар, ҳаракат ва товушлар мужассамлашади.

Web-сайт битта муассаса, ташкилот, инсон, мактабнинг Web-саҳифалар йиғиндиси ёки гуруҳидир.

Тармоқ ҳозирги вақтда 30 дан 50 миллионгача саҳифаларга эгадир, унинг сони ҳар ойда 20% ўсмоқда.

Интернетдан нима учун фойдаланилади

Интернет муаллимлар ва ўқувчиларга кўпдан-кўп ахборот манбаларини, шунингдек, бутун дунёдаги муаллимлар, ўқувчилар ва мактаблар билан бевосита алоқа ўрнатиш имкониятини беради. Ўқувчилар бу ялпи тармоқ имкониятларидан тўла фойдаланиш учун қуйидагича зарур кўникма ва асбоб-ускунага эга бўлишлари керак.

Интернет тармоғидан фойдаланиш:

- Интернет тармоғининг асосий вазифалари билан ўқувчиларни таништириш;
- Бутунжаҳон Мероси бўйича тадқиқот иши олиб бориш учун ахборот технологиясидан фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш;
- Бутунжаҳон Мероси масалалари бўйича ахборот айирбошлаш юзасидан ахборотларга, электрон журналистикага, дастурий таъминотга ва музокараларга киришни таъминлаш;
- Маданиятлараро ўрганишни қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларга бошқа мамлакатлардаги ўз тенгдошлари билан бевосита алоқа ўрнатиш;
- Махсус вазиятларда муаммоларни ҳал қилиш учун ахборот технологияларидан ўқувчиларнинг фойдаланишини рағбатлантириш имконини беради.

Ялпи тармоқ ва электрон почта орқали ўқувчилар ўзларини, маданиятлари, урф-одатлари, қадриятлари ва мероси билан узоқ жойлардаги тенгдошларини таништириши мумкин. Синфдан чиқмасдан ўз мамлакатлари ёки чет эл ўқувчилари билан уларнинг маданияти, цивилизацияси ва мерос ёдгорликлари тўғрисида мулоқот қилиб, билиб олишлари мумкин. Дунёнинг турли қисмларидаги мактаблар умумий меросимизни ифлослашиш, урбанизация (шаҳарлашув), уруш ёки эҳтиётсизлик оқибатида бузилиш хавфидан ҳимоя қилиш бўйича биргаликдаги лойиҳалар устида ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Фаолият:

1. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Web-саҳифасига кириб, бу ташкилот Бутунжаҳон Меросини асраш бўйича нима қилаётганини ўрганинг.
2. ASP тармоқ сайтига кириб, Бутунжаҳон Мероси таълими киритилган мактабни аниқланг.
3. Бутунжаҳон Мероси бўйича таълим лойиҳасини ишлаб чиқинг, унда масалан, туризмнинг бошқа мамлакатлардаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари билан тасвирланг ва таққосланг.
4. Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш таклиф қилинган турли мамлакатлардаги ёдгорликлар рўйхатини тармоқдан топинг ва рўйхатни турли мамлакатлар мактаблари билан айирбошланг.
5. Патримонитонинг маҳаллий ёдгорликка ташрифи ҳақида мультфильм сценарийсини ёзинг ва уни бошқа мактабларга тарқатинг.
6. Бошқа мамлакатнинг бош университет кутубхонаси билан биргаликда Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги бўйича библиография тайёрлаш масаласида маслаҳатлашинг.
7. Мактабни жиҳозлаш ва интернет тармоғига улаш учун маблағ топинг. У Бутунжаҳон Мероси таълимида алоҳида ўрин тутди.
8. Мактабингизда Бутунжаҳон Мероси бўйича ўз лойиҳаларингизни ифодаловчи Web саҳифасини тузинг.
9. Тармоқдан бошқа мамлакатлардаги муаллимлар билан мулоқотда бўлиш ҳамда улар билан биргаликда Бутунжаҳон Мероси таълими аспектларини муҳокама қилишда фойдаланинг.
10. Бутунжаҳон Мероси бюллетени, Бутунжаҳон Мероси янгиликларига обуна бўлинг ва тармоқдан фойдаланинг.

Хорватиянинг Дубровник шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон Мероси биринчи Европа минтақа Ёшлар форумида ўқувчилар Интернет тармоғини уладилар ва ўз тенгдошлари ҳамда бутун дунёдаги мерос мутахассислари билан алоқа ўрнатиш учун интернетда саёҳатга чиқдилар. Улар олган айрим маълумотлар қуйида келтирилади.

Умид қиламизки, форумингиз қизиқарли ўтади. У ерда ҳам Бергендаги муҳитми? Семинарлар қандай ўтмоқда? Шаҳарга бордингизми? Ўқувчилар плакатида ҳақида нима дейишди?

Бергендаги Ёшлар форумига борган француз ўқувчиси.

Германиядаги ASP тармоғига кирган 101 мактабнинг ҳаммаси сизга форумнинг муваффақиятли ўтишини ва Бутунжаҳон Мероси соҳасида таълимни янада кенгайтириш ва яхшилаш учун фойдаланиш мумкин бўлган ижобий натижаларга эришишни тилайди. Ҳозирги вақтда биз ASPнинг сентябрдаги учрашувига Бутунжаҳон Меросини ўқитиш бўйича семинар тайёрлаяпмиз ва умид қиламизки, Сиз ҳозир қилаётган ишингиз ҳақида озроқ ахборот юборасиз.

Германиядаги ASP тармоғи Миллий координатори.

Ўқувчилардан Интернет тармоғидаги конференция ҳақида қандай фикрда эканликлари сўралганда шундай жавоб беришди:

Мен компьютерларга қизиқаман ва Интернет яна ҳам қизиқарлироқдир, мен илгари Интернетдан фойдаланмаганман, ҳозир эса мен Европадаги мерос ёдгорликлари ҳақида ахборот олишим мумкин.

Ўқувчи, Буюк Британия.

Менга компьютердан фойдаланиш ёқади, чунки мен ундан жуда кўп ахборот оламан. Бу жуда ажойиб!

Ўқувчи, Латвия.

◆ Бутунжаҳон Мероси Интернет тармоғида

ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари тўғрисидаги ахборотни Интернет тармоғига киритди. Қуйидаги беш сарлавҳа ва тасвирлар гуруҳининг жорий лойиҳалари ва нашрлари юзасидан Бутунжаҳон Мероси бўйича икки минг Web-саҳифа ташкил қилинган:

- ◇ Бутунжаҳон Мероси тўғрисида
- ◇ Фаолияти
- ◇ Ҳаммаси Рўйхат тўғрисида
- ◇ Ахборот столи
- ◇ Мундарижа.

Бутунжаҳон Мероси бўйича Ахборот тармоғи (БМАТ/WHIN)

БМАТ - ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини сақлашга жалб этилган бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликдир. БМАТ ҳозирги вақтда Бутунжаҳон асраш мониторинги маркази билан ҳамкорликда қидирув тизимига эга бўлиб, у Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари тўғрисидаги муҳим ахборотни мужассамлаштирувчи дунёдаги барча саҳифалар бўйлаб қидирув ўтказишга лаёқатлидир. Кўпроқ ахборот олиш учун қуйидаги электрон почтага мурожаат қилинг: whin@unesco.org

◆ ASP тармоғи Интернетда

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи лойиҳасининг Web-сайти тармоқ, унинг мақсадлари, мактаблар ва қатнашчи мамлакатлар сони, бош лойиҳалар, тармоқнинг амалий раҳбарлиги бўйича тегишли ҳужжатлар, матнлар ва брошюралар сони ҳақидаги умумий ахборотни ўзида мужассамлаштиради.

Кейинги ахборот учун электрон почта билан мурожаат қилинг:
whin@unesco.org

Интернет тармоғидаги фойдали манзиллар:

ASP тармоғи ҳақида маълумот

<http://www.education.unesco.org/educprog/asp/>

ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги фаолияти ҳақида маълумот

<http://www.education.unesco.org>

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси маркази:

<http://www.unesco.org/whc/>

электрон почта: wh-info@unesco.org

Бутунжаҳон Мероси Рўйхати:

<http://www.unesco.org/whc/heritage.htm>

Бутунжаҳон асраш уюшмаси (IUCN)

<http://www.iucn.org>

Халқаро музейлар кенгаши (ICOM)

<http://www.icom.org>

Халқаро обидалар ва ёдгорликлар кенгаши (ICOMOS)

<http://www.icomos.org>

Маданий мулкни ҳимоя қилиш ва тиклашни ўрганиш халқаро маркази (ICCROM)

<http://www.iccrom.org>

Меросни асраш бўйича Интернет тармоғи ресурслари


<http://www.cr.nps.gov/ncptt/irg/>

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ташкилоти (OWHN)

<http://www.ovpm.org>

Бутунжаҳон Мероси ҳақида Конвенция

© UNESCO/ICGPE/Ушбу сайт маркази ҳазратлари.



"... маданий ёки табиий мероснинг Вайрон бўлиши ёки йўқолиб кетиши жаҳондаги миллатлар меросининг фожиали қашшоқлашувига олиб келади".


Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси преамбуласидан

Мессел Пум
казулма
бугорлиги.
Германия.
© UNESCO




Синтралик
шадалий
ландшафти.
Португалия.
© UNESCO


Вирунга Миллий Боёи,
Ножго Демократик
Республикаси.
© UNESCO / IBCAFO / Г. Гранде



Веллингтонга
Америка Идулма
Штаатлари.
© UNESCO

Горем Гиллий
Боёи Да Иппагрочиа
қозлари, Туркия.
© UNESCO / Д. Ронер





Нубий ёдгорминлари
Абу Сумбулдан Филаега
кўчирилганда, Миср.
© UNESCO/Венадович

Эр Ва Тенере табиий
қўриқхоналари, Нигер.
© ЮСН/И. Торсен




Санта-Круз де Момпокс
тарихий маркази,
Колумбия.
© Я. Ван Хоер



Жўпар-терас,
Африка ноёраби.
© UNESCO/И. Деллер

Ўқимас мейлис
Ғажнакян,
Қандишан,
© UNESCO/И. Деллер



Викториа шаршараси
(М'осси-ога-Тунья),
Замбия ва Зимбабве.
© UNESCO / Д. Руг



Белизнинг Марион
қоялари кўриқхона
таълим-билим.
© UNESCO

ЮНЕСКО Бош
қароргоҳи,
Париж, Франция.
© UNESCO / Ф. Дюньо



АҚШнинг Непаллик ўқувчилари
бажрайогини қасрига олиб
борадиган зиналарни
сўгуриб-сўғирмоқдалар.
© UNESCO


Номоддий эъроз:
Бурундубийлик
раққоелар.
© UNESCO / М. Улоғ





Наҳон Ғарси
Ҳаётимонша
шо Вақти
© Р. Муни

Бергендаи
Биларнига
Наҳон Ғарси
форуми
Норвегия
© UNESCO




Қабр тоқи.
Рунӣ тошари
Ва ибодатхонаси.
Дания
© UNESCO

Тасвири инанер.
Ҷадоур.
© UNESCO



бунд: Хитобӣ дегориконе
Масҷидиҳои гурӯҳи
© UNESCO

Бутунжаҳон Мероси ҳақида Конвенция



БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ҲАҚИДА КОНВЕНЦИЯ



	бетлар		
Мақсадлар	60		
Билиш	60		
Муносабатлар	60		
Машқлар	60		
Меросимизни билиш	61		
Мерос нима?	61		
Ўқувчининг 2-иши: Мероснинг аҳамияти	62		
Меросимиз мавжуд бўлишига қарши қаратилган жиддий хавфлар	63		
Бутунжаҳон Меросини қутқариш вазифаси	64		
Муваффақиятли Абу Сумбул кампанияси	64		
Ўқувчининг 3-иши: Дунёнинг етти мўъжизаси	65		
Бутунжаҳон Меросимизни қутқариш учун конвенция барпо этилиши	66		
Ўқувчининг 4-иши: Меросни аниқлаш ва сақлаш	66		
ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси	67		
Халқаро Мерос тушунчаси	67		
Ўқувчининг 5-иши: Меросни асраш – миллий қонунлар ва халқаро Конвенциялар	67		
Табиат ва маданият бир-бири билан мустаҳкам алоқадор	68		
Маданий ва табиий мерос	68		
Маданий ландшафтлар	69		
Еутунжаҳон Меросини сақлаш жараёни	69		
Бутунжаҳон Мероси Рўйхати – улкан аҳамиятли ёдгорликлар	70		
Бутунжаҳон Мероси ҳамма мамлакатларни қамраб олиши ва мутаносиб бўлишининг муҳим стратегияси	71		
Ўқувчининг 6-иши: Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигининг масштаби моделини яратиш	71		
		Ўқувчининг 7-иши: Ўз минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари идентификациясини эътироф этиш	72
		Ўқувчининг иш варағи: Минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини аниқлаш	73
		Минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини аниқлаш мезонлари	74
		Бутунжаҳон Мероси маданий ёдгорликларини танлаш мезонлари	74
		Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини танлаш мезони	75
		Бутунжаҳон Меросининг маданий-табиий ёдгорликларини танлаш мезони	75
		Мезонларни қўллаш	75
		Ўқувчининг 8-иши: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари жойлашишини аниқлаш	76
		Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг жойлашишини аниқлаш	77
		Ўқувчининг 9-иши: Бутунжаҳон Мероси мезонларини тушуниш	79
		Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон Мероси мезонларини тушуниш	79
		Ўқувчининг 10-иши: Маданий ва табиий ёдгорликларни танлаш	81
		Ўқувчилар учун кўрсатмалар	82
		Ўқувчининг иш варағи: Маданий ва табиий ёдгорликларни белгилаш	83
		Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси ва ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази	84
		Ўқувчининг 11-иши: Миллий мерос қўмитаси мажлиси	85
		Ўқувчининг 12-иши: Санта-Круз де Момпокс тарихий маркази	86
		Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асраш мониторинги	88
		Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхати	89
		Ўқувчининг 13-иши: Йеллоустоун Миллий қўриқхонаси, Америка Қўшма Штатлари	90
		Ўқувчининг 14-иши: Бутунжаҳон Мероси ҳақида радиоэшиттириш ташкил қилиш	93
		Бутунжаҳон Мероси жамғармаси	93
		Ўқувчининг 15-иши: Яхши билиш	95
		Ўқув дастурига илова: Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси	96

МАҚСАДЛАР

Билиш

Билимлар ва тушунчаларни эгаллаб олишда ўқувчиларга ёрдам бериш учун соҳалар:

- «Мерос» ва «Бутунжаҳон Мероси» тушунчалари;
- Бутунжаҳон Меросига таҳдид солаётган хавф;
- Бутунжаҳон Мероси Конвенциясининг муҳимлиги;
- Ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш тартибини бошқарувчи мезонлар;
- Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолишнинг ҳаётий муҳим жараёни.

Муносабатлар

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун соҳалар:

- Маҳаллий меросни муҳофаза қилишда қатнашиш;
- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини эъзозлаш ва қадрлаш;
- Бошқа маданиятларни ўрганиш ва улар билан қизиқиш;
- Маданий ва миллий хилма-хилликни ҳурмат қилишни тавсия қилиш.

Кўникмалар

Ўқувчиларга ўз қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам бериш учун соҳалар:

- Маҳаллий меросни ва Бутунжаҳон Меросини муҳофаза қилиш борасида масъулиятли қарорлар қабул қилиш;
- Мерос муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этиш;
- Бутунжаҳон Меросини теранроқ ва ҳар томонлама билиш учун тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий усуллардан фойдаланиш.

Меросимизни билиш

◆ Мерос нима?

Мерос кўпинча биз ўтмишдан мерос қилиб олган, келажак авлодларга етказадиган бойлик сифатида таърифланади. Токи, келгуси авлод бу меросни ўргансин, ундан завқлансин.

Луғатларда Сиз мероснинг мерос қилиб олинган нимадир эканлиги ҳақидаги сўзларга дуч келасиз:

Мерос

1. Мерос қилиб олинган ёки олинishi мумкин бўлган...
2. Мерос олинганлиги юзасидан...; меросийлик тартибида...
3. ... тегишлича эгаллик қилиш учун берилган ёки олинган нарсадир.
4. Мерос қилиб олинган лот ёки порция

Қисқача Оксфорд луғати

Сиз мерос деганда биз муҳофаза қилишни истайдиган жой ёки буюмлар ҳақида ўйлашингиз мумкин. Булар маданият ашёлари ва табиат предметлари бўлиши мумкин. Биз уларни қадрлаймиз, чунки улар бизга аجدодларимиздан ўтиб келмоқда. Улар гўзал, илмий қимматга эга ҳамда тенги йўқ намуналар, ҳаёт ва илҳом манбаи ҳисобланади. Улар бизнинг келажакимиздаги фахримиздир. Ушбу мерос кўпинча аجدодларимиз ҳаётини акс эттиради, кўпинча, бугунги кунда, уларни сақлаш юзасидан кўрилган махсус саъй-ҳаракатлар туфайлигина мавжуддир.

Сиз ўз шаҳрингизни меросиз тасаввур қилишингиз мумкинми? Масалан, ўзингиз ва ўқувчиларингиз яшаб турган жой ҳақида ўйлаб кўринг. Ўтмиш, бугунги кун, келажак нимани ифодалайди? Нимани муҳофаза қилиш керак? Нимани алмаштириш мумкин? Нимани алмаштириб бўлмайди?

Дунё ҳам маданий, ҳам табиий меросни ўз ичига олади. Сиз яшаган жойда қадимшунослик ёдгорликлари, қояларга битилган расмлар, масжиду мадрасалар, бошқа муқаддас жойлар, тарихий шаҳарлар бўлиши мумкин. Биз буни **маданий мерос** деб атаймиз. Сиз эҳтимол ўрмоннинг ёнида ёки гўзал соҳил бўйида яшарсиз. Биз буни **табиий мерос** деб атаймиз. Бу мерос **кўчмас мерос**, яъни ҳаракат қилмайди. Танга, ботаник намуналар, расмлар, ҳайкалчалар ёки археологик топилмалар **кўчадиган меросдир** (уларни осонлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин).

Ўқувчининг 2-иши

МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақсад: мероснинг аҳамияти, қиммати ва турларини тушуниш (belgilar)



Муҳокама



Синфда ишлаш



2та синф машғулоти



Тил, тарих, ижтимоий фанлар



Фотосуратлар ва қоплама тасвирлар



Шахсий буюмлар

Кўчар мерос

✓ Ўқувчиларга, Сизга оила аъзоларингизнинг авлодлари орқали ўтган ва Сиз қадрлайдиган ўз ашёларингизни (расм, заргарлик безаги, гилам ёки керамика буюми) кўрсатинг. Бу ашёлар кўчар мерос эканлигини тушунтиринг, чунки уларни осонлик билан бир жойдан бошқа жойга олиб бориш, транспортда ташиш мумкин. Бу маданий меросми?

✓ *Муҳокама қилинг:*

• Бу қандай буюм? Нима учун у Сизга қадрли ва нима учун Сиз уни сақлаб қолишга ҳаракат қиласиз? Агар Сиз уни авайламоқчи, ўз болаларингизга қолдирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда Сиз уни эҳтиёт қилиш учун нима қилишингиз керак?

• Ўқувчилардан келаси куни синфга улар учун қадрли бўлган буюм ёки ашёни келтиришларини илтимос қилинг. Муваққат синф музейи ташкил этинг. Ушбу буюмларни ўша музейга қўйиб, уларни муҳокама қилинг. Бу ўқувчилар олдида ушбу буюмларнинг қадрини оширади.

✓ ЮНЕСКО маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича бошқа халқаро конвенцияни ҳам қўллашнинг тушунтиринг (1970 йил 14 ноябрдаги маданий меросни импорт қилиш, экспорт қилиш ва эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказишни таъқиқлаш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги конвенция).

Кўчмас мерос

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорликлар кўчмас мерос ҳисобланишини ва демак, уларни осонлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириб бўлмаслигини тушунтиринг.

✓ *Муҳокама қилинг:*

• Ўқувчилардан ўзлари кўрган ёки ўрганган (ҳам ўз мамлакатида, ҳам чет элда) ёдгорликларни эслашни илтимос қилинг. Улар бизга қандай ахборот беришини айтинг (улуғвор меъморчилик намуналари, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг нодир турларини мисол қилиб келтиринг).

• Ўқувчилардан улар келажакда дахлсиз сақлашни хоҳлайдиган маҳаллий табиий ёдгорликлар тўғрисида ўйлаб кўришни илтимос қилинг. Ушбу ёдгорликларни сақлаш нима учун муҳимлигининг сабабларини биргаликда муҳокама қилинг.

*Биз уни ҳимоя қилишимиз керак.
Бутунжаҳон Меросини йўқ қилманг.
Гўзал боғлар ва тоғларни ер билан битта қилманг.
Миллий боғлар ва уларнинг ёввойи ҳайвонларини йўқ қилманг.
Конго ва Амазонка ўрмонлари ва чакалакзорлари...
Бутунжаҳон Меросимизни қутқариб қолинг.
Мауянейи Марабеса, ўқувчи, Замбия, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар
форуми, Викториа шаршараси, Замбия ва Зимбабве.*

Бутунжаҳон Меросини қутқариш вазифаси

1950 йилларда Мисрда Асвон тўғони қурилиши мерос ёдгорлигини сақлаш учун ЮНЕСКОнинг биринчи халқаро сафарбарлигини келтириб чиқарди. Қадимий Миср цивилизациясининг энг ажойиб дурдоналаридан айримлари, Абу Сумбул қасри жойлашган Нил дарёси водийсининг сув тошқини жиддий халқаро ташвишга сабаб бўлди ва Бутунжаҳон ҳамжамиятини тезликда мувофиқлаштирилган ҳимоя чоралари кўришга даъват этди. Миср ва Судан ҳукуматларининг муурожаатидан кейин ЮНЕСКО 1959 йилда Абу Сумбулни қутқариш бўйича халқаро кампанияни бошлади. ЮНЕСКОнинг саъй-ҳаракатлари ёдгорликни шошилинч қутқариш учун кампанияга ўн саккиз йилга 80 млн. АҚШ доллари ажратган 50 та мамлакат томонидан қўллаб-қувватланди.

Филэ оролида қасрни алоҳида тошларга ажратиш ва Нил сувларидан етарлича узоқликдаги Агилкиа оролида уларни монтаж қилиш техник мукамалликнинг чўққиси бўлди. Ёдгорликларни оролда жойлаштириш учун қоялар портлатилди, қасрнинг оғир блоклари эса уларнинг ўрнига деворларга қўйилди. Ҳар бир тош блокнинг оғирлиги ярим тоннадан 12 тоннагача етарди. Салкам 40 минг блок кўчирилиши керак эди. Ҳар бир блок янги жойда жойлаштирилиши кафолатланиши учун уларга рақами қўйилиб чиқилган эди.

Асвон тўғони қурилиши муносабати билан Абу Сумбул қасри Нил дарёси суви остида қолиб кетиши керак эди. Ёдгорликни бошқа жойга кўчириш уни қутқаришнинг ягона йўли эди (биз одатда, кўчмас маданий мерос деб қарайдиган мисол). Бугунги кунда бутун жаҳонда меросни сақлаш устида иш олиб борувчилар маданий мерос ёдгорлигининг физик кўчирилишини Абу Сумбул билан бўлганидек энг сўнгги восита сифатида номақбул истисно деб ҳисоблайдилар.

◆ Муваффақиятли Абу Сумбул кампанияси

Абу Сумбулни қутқариш кампанияси жаҳонда умуман ялпи қимматга эга бўлган ёдгорликлар борлигини, улар ёдгорликдан жуда узоқда жойлашган халқларнинг ҳам ғамхўрлик қилишлари зарурлигини

◆ Меросимиз мавжуд бўлишига қарши қаратилган жиддий хавфлар

Бизнинг маданий ва табиий меросимиз жуда муҳим бўлиб, унга ҳамма вақт кўплаб хавфлар таҳдид солиб туради. Бу хавф, айниқса, кейинги юз йилда кучайди. Масалан, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб эски шаҳарлар вайрон қилинди. Муҳим маданий ёдгорликлар шикастланди ёки йўқ қилинди. Бизнинг меросимизга, шунингдек, ўсиб бораётган урбанизация, қашшоқлик, табиий ҳалокатлар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам хавф солмоқда. Сайёҳликнинг ривожланиши ҳам ёдгорликларнинг кўп қисмига таҳдид солмоқда. Бутун дунёда кўпчилик одамларнинг меросга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиши энг жиддий хавфлардан биридир.

Ўсиб бораётган бу хавфларга жавобан жаҳон урушлари ўртасидаги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтмишдоши Миллатлар Лигаси меросимизни муҳофаза қилиш ишларини бошлади. Лига бутун дунёдаги миллатларни меросни сақлаб қолиш йўлида ҳамкорлик қилишга чақирди. 1945 йилда, иккинчи жаҳон уруши охирида Бирлашган Миллатларнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ташкил этилгач, ушбу ишлар жадаллашди, бир нечта компаниялар томонидан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларни қутқариш, янги халқаро конвенциялар тайёрлаш ишлари олиб борилди ва инсоният меросини муҳофаза қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу конвенциялардан бири – ҳарбий ихтилофлар пайтида маданий бойликни ҳимоялаш бўйича конвенция (1954 йилги Гаага Конвенцияси сифатида ҳам машҳур) уруш вақтида маданий меросни ҳимоя қилиш учун махсус мўлжалланган.

Бутунжаҳон Мероси

Дунё — бизнинг меросимиз.

У меники, сеники ва барчамизники.

Эртанги кунимиз ҳақи, ҳурмати, уни авайлаб-асрайлик.

Виктория кўлининг сокин сувлари.

Викториянинг улугвор шаршараси ва Донубининг гўзал сувлари, унинг қушлари ҳамда Миссисипи ва Миссури дарёлари.

Мен кўз очсам, кўзимга нималар кўринади?

Мен гўзал ландшафтларни ва Зимбабвенинг қадимий вайроналарини кўраман. Фиравнлар ерида Мисрнинг сирли эҳромларини кўраман.

Мен Қуддуснинг қадимий даврларини ва Буюк Хитой деворини кўраман.

Мен кўзимни очаман ва Дракенсбургнинг қудратли тоғларини, Мучингнинг тик тепаликларини, Ҳимолайни ва Россиянинг Урал тоғларини кўраман.

Мен Канада Рони ва Климанжаро қояларини санайман.

Дунё — бизнинг меросимиз.

кўрсатди. У, шунингдек, меросни сақлаб қолишда ҳар хил миллатларнинг масъулияти ва бирдамлиги муҳим эканлигини ҳам кўрсатди. Ушбу кампаниянинг муваффақияти ёдгорликларни қутқариш бўйича бошқа халқаро кампаниялар ўтказилишига олиб келди. Италияда Венецияда, Покистонда Моенжодарода, Индонезияда Боробудурда ана шундай кампаниялар ўтказилди. Уларнинг айримлари, масалан, Камбоджадаги Ангкорда Сақлаш халқаро дастури, бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

ўқувчининг 3-иши

ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Мақсад: энг қадимги даврлардан бошлаб бугунги кунгача ноёб ёдгорликлар тушунчаси устида мулоҳаза юритиш.



Муҳокама



Синф хонасида
ишлаш



1 соатлик
синф
машғулот



Тарих, география,
ижтимоий
фанлар



Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар

Жуда муҳим ёдгорликлар рўйхатини тузиш гоёси қадим замонларда пайдо бўлган. Қадимги юнонлар қуйидаги ёдгорликларни дунёнинг етти мўъжизаси деб аташган:

- Мисрдаги эҳромлар
- Бобилнинг осма боғлари
- Эфездаги Артемиз ибодатхонаси
- Олимпиядаги Зевс ҳайкали
- Галикарнасдаги мақбара
- Родос устун
- Александрия маёғи

Миср эҳромларидан ташқари олти мўъжиза даярли йўқ бўлиб кетди, улардан археологик қайдларда хира хотираларгина қолган.

Қадимги юнонлар дунёнинг етти мўъжизасини Ўрта денгиздаги маданий ёдгорликларнинг энг яхши намуналари деб билишган. Бутунжаҳон Мероси Рўйхати бутун жаҳондаги маданий ва табиий ёдгорликларни ўз ичига олади ва энг муҳими, Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситасини беради. Дунёнинг етти мўъжизасидан фарқли ўлароқ биз асрлар давомида Бутунжаҳон Меросининг барча ёдгорликларини сақлаб қолишга умид қиламиз.

✓ Ўқувчилардан ўзлари учун еттита энг муҳим ёдгорлик рўйхатини тузишни ва уларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорликлар билан таққослашни илтимос қилинг. Натижаларини муҳокама қилинг.

◆ Бутунжаҳон Меросимизни қутқариш учун конвенция барпо этилиши

Обидалар ва ёдгорликлар халқаро кенгаши нодавлат ташкилоти ёрдамида ЮНЕСКО томонидан маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича конвенция лойиҳасининг тайёрланиши Абу Сумбулни қутқариш кампаниясининг бевосита натижаси бўлди. Америка Қўшма Штатлари ва Табиатни сақлаш халқаро иттифоқи (яна бир нодавлат ташкилот - қарашли бўлмаган Дунёни сақлаш иттифоқи сифатида машҳур бўлган МССП) ҳам маданий, ҳам табиий ёдгорликларни сақлаб қолишни бир ҳуқуқий воситада бирга олиб боришни таклиф қилишди. Ушбу таклиф 1972 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Швецияда, Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган Инсонни ўраб турган атроф-муҳитга бағишланган конференциясида тақдим қилинди (20 йилдан кейин, 1992 йилда Рио-де-Женейрода Ер Саммити бўлиб ўтди). Шундай қилиб, ялпи улкан аҳамиятга эга бўлган маданий ва табиий меросни ҳимоя қилишнинг халқаро воситасини яратишга асос солинди. Стокгольм конференцияси ЮНЕСКОга табиий ва маданий меросни сақлайдиган конвенцияни ишлаб чиқишни топширди. Чунки ЮНЕСКО БМТ тизимида таълим, фан ва маданият соҳасида кенг мандатга эга бўлган ягона ихтисослаштирилган ташкилот ҳисобланади.

Инсонни ўраб олган дунё бўйича Стокгольм конференциясидан бир неча ойдан кейин, 1972 йил 16 ноябрда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг ўн еттинчи сессиясида ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Бутунжаҳон Маданий ва табиий меросини муҳофазалаш бўйича конвенция қабул қилинди.



Ўқувчининг 4-иши

МЕРОСНИ АНИҚЛАШ ВА САҚЛАШ

Мақсад: мерос ва уни сақлаш тушунчасини яхшироқ тушуниш.



Муҳокама



Мактабдаги
машғулот



2 соатлик
машғулот



Тил



Глоссарий



Лугатлар

✓ Ўқувчиларингиздан мерос ва сақлаш тушунчаларига аниқлик киритишни, ушбу икки сўз бўйича қисқа иншо ёзишни илтимос қилинг. Голибларга кичик совғалар беринг (Патримонито ёпиштиргичлари). Улар ўзлари яшаб турган жойда меросни сақлаш бўйича лойиҳаларнинг мисолларини белгиламаслигини сўранг.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси (инглиз, испан, француз, рус ва араб тилларига қилинган таржималари: Бирлашган Миллатларнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти; Бутунжаҳон Маданий ва табиий меросини муҳофазалаш тўғрисидаги конвенция).

Конвенция - бу бизнинг ялпи аҳамиятга эга бўлган, алмаштириб бўлмайдиган улкан маданий, табиий меросимизни аниқлаш ва ҳимоя қилишнинг жуда зарурлигини ифодаловчи халқаро ҳужжат.

Конвенция - умумий маданий ва табиий меросимизни халқаро ҳамкорлик воситасида ҳимоя қилиш бизнинг умумий маънавий ва маданий жавобгарлигимиз эканлигини қатъий шаклда қарор топтиради.

Халқаро Мерос тушунчаси

- * муҳим аҳамиятга эга бўлган буюк меросни асраш
- * маданий ва табиий меросни
- * кўчмас меросни
- * алмаштириб бўлмайдиган меросни
- * Бутунжаҳон Меросини асраш халқаро ҳамкорликка боғлиқ.



Ўқувчининг 5-иши

МЕРОСНИ АСРАШ – МИЛЛИЙ ҚОНУНЛАР ВА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР

Мақсад: меросни асрашнинг ҳам миллий, ҳам халқаро аҳамиятини тушунишни амалга ошириш



Тадқиқот



Синф машғулоти



1 синф иши



Тиллар, тарих,
ижтимоий
фанлар



Бутунжаҳон Мероси
харитаси, Бутунжаҳон
Мероси Конвенцияси,
маълумотномалар рўйхати

✓ Синфни икки гуруҳга бўлинг ва қуйидаги тадқиқот вазифаларини ва саволларни тарқатинг:

(а) 1 гуруҳдан уларнинг мамлакати конвенцияга аъзо давлат ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини билинг (Бутунжаҳон Мероси харитасидан мамлакатлар қайси йилларда конвенцияга аъзо бўлганлигини қаранг). Конвенцияни имзолашнинг сабаблари ва ютуқлари нимада?

(б) 2 гуруҳдан халқаро ҳамжамият (ЮНЕСКО) нима учун Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини қабул қилганлиги сабабларини сўранг.

(в) Ўқувчиларга Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини ўқишни, баён қилишни ва уни муҳокама қилишни таклиф қилинг.

Бутунжаҳон Меросини бутун жаҳонда таълим дастурларига кири-тишнинг муҳимлиги Конвенциянинг олтинчи бўлими 27-моддасида таъкидланади, у барча аъзо давлатларни «ҳамма тегишли чоралар, хусусан таълим ва ахборот дастурлари воситасида ўз халқлари томонидан маданий ва табиий меросни қадрлаш ва ҳурматлашни тарғиб қилишга чақирди».

Бизнинг вазифамиз: таълим - Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини миллий даражада тушунишни, маданий ва табиий мерос бўйича ўқув соатларини ўз ичига олиши керак.

Бутунжаҳон Мероси биринчи Ёшлар форумида қатнашган ўқувчилар, Берген, Норвегия.

Агар биз меросни ҳимоя қилишнинг сабабларини ёшларга синғдирмасак, меросни ихтисослаштирилган институтлар ва миллий қонунчилик воситасида ҳимоя қилиш ва сақлашнинг муҳимлиги тўғрисида сўз юритишнинг нима ҳожати бор.

Жаноб Божо Бишкупич, Хорватия маданият вазири, Бутунжаҳон Мероси биринчи Европа минтақавий Ёшлар форумининг тантанали очилишида сўзлаган нутқидан, Дубровник.

◆ Табиат ва маданият бир-бири билан мустаҳкам алоқадор

Конвенция жуда оригиналдир, чунки у табиат ва маданият сақланишини бир-бирига боғлайди. Маданий ва табиий мерос сақланишини ялпи бир-бири билан боғлайдиган миллий қонунлар ва бошқа халқаро конвенциялар жуда оз. Табиат ва маданият, албатта, бир-бирини ўзаро тўлдиради: турли халқларнинг маданий ўзига хослиги улар яшаган муҳитда барпо бўлган ҳамда гўзал ҳайкаллар, бинолар ва ёдгорликлар табиий атроф-муҳитнинг бир қисми бўлганлиги учун ҳам ажойибдир. Айрим гўзал табиий ёдгорликларда кўпинча инсон фаолиятининг муҳри бор ва одамлар маънавияти учун маънавий, маданий ва бадиий қимматга эга.

Бутунжаҳон Мероси эмблемаси маданият ва табиат ёдгорликлари ҳамда маданият ва табиат ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг рамзини ифодалайди.

◆ Маданий ва табиий мерос

Конвенциянинг 1-моддасида маданий мерос ва 2-моддасида табиий мерос ҳимоя қилинади.

Шаҳарлар маданий меросининг ҳақиқий қўриқловчилари - уларнинг аҳолисидир. Уларни қаердан топиш мумкин? Ҳамма жойдан, бироқ уларни, биринчи навбатда, мактабдан излаш лозим. Яна ЮНЕСКОни сафарбар қилиш мумкин. Бирлашган мактаблар дастури халқаро ҳамкорликка жалб қилинган минглаб мактабларни ўз ичига олади.

Асе Клевленд хоним, Маданият вазири, Норвегия (1995 й.).

◆ Маданий ландшафтлар

1992 йилдан бошлаб Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси маданият билан маданий ландшафтлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка ҳам чақирди.

Янги Зеландиядаги Тонгариро Миллий боғи, Австралиядаги Улуру-Кот Тьюта Миллий боғи, Филиппиндаги Кордильер шоли терассалари, Португалиядаги Синтра маданий ландшафти, Чехия Республикасидаги Леднис-Вальтис, Австриядаги Альштатт-Дахштайн/Зальцкаммергут маданий ландшафти; Франция/Испаниядаги Пирения – Мон Пэрдю, Италиядаги Костьер Амальфитан, Италиядаги Цирк Терр ва Ороллар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган. Бутунжаҳон Меросининг маданий ландшафтлари тўғрисида кўпроқ маълумотни **ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси марказидан** ва унинг Интернет тармоғидаги web-сайтидан олиш мумкин.

Бутунжаҳон Меросини сақлаш жараёни

Бутунжаҳон Меросини сақлаш - узоқ давом этадиган жараён ва бир қанча муҳим босқичларни ўз ичига олади. Ушбу жараён бошланишида мамлакатлар конвенцияга аъзо бўлиб, Бутунжаҳон Меросини сақлашда қатнашиш истагини билдиришади, сўнгра Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ёдгорликларни муҳокамага қўйишади. Қуйида келтирилган тасвирлар тайинланиш жараёнини кўрсатади.

1. Мамлакат Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини имзолаш ҳамда ўз маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш юзасидан зиммасига мажбуриятлар олиш йўли билан Конвенцияга аъзо давлатга айланади.

2. Аъзо давлат ўз ҳудудидаги табиий ва маданий ёдгорликлари экспериментал рўйхатини тайёрлайди.

3. Аъзо давлат ўзининг экспериментал рўйхатидан Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ёдгорликни танлайди.

4. Тайинланишнинг узил-кесил сўровномаси (сўровнома) ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси марказига юборилади.

5. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси маркази тайинланиш сўровномаси тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади ҳамда уни баҳолаш учун МССП ва (ёки) ICOMOS га юборади.

6. Экспертлар ёдгорликларни ҳимоя қилишни баҳолаш учун уни бориб кўради.

7. ICOMOS ва (ёки) МССП маданий ва табиий ёдгорлик мезонларидан фойдаланиб, тайинланган ёдгорликларни баҳолайди.

8. ICOMOS ва (ёки) МССП баҳолаш ҳисоботини тайёрлайди.

9. Бутунжаҳон Мероси Бюросининг етти аъзоси тайинлашни ва баҳолашни кўздан кечиради ҳамда ўз тавсияларини қўмитага юборади.

10. Узил-кесил қарор Бутунжаҳон Мероси Қўмитасининг 20 аъзоси томонидан қабул қилиниши, рад этилиши (овозлар сони етарли эмаслиги) мумкин.

◆ Бутунжаҳон Мероси Рўйхати – улкан аҳамиятли ёдгорликлар

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияга имзо чеккандан кейин барча мамлакатлар қатнашчи давлатга айланадилар ва ўз давлат чегаралари доирасида маданий ва табиий меросни ҳозирги ва келажак авлод учун сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Мамлакат конвенцияга имзо чеккандан бошлаб Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ўз чегараси доирасидаги ёдгорликларни белгилаш жараёнини бошлаб юбориши мумкин. Дастлаб ёдгорликни рўйхатга киритиш бир гуруҳ маҳаллий аҳоли ташаббуси томонидан бўлиши мумкин, бироқ ёдгорликларни БМРга киритиш тўғрисидаги илтимоснома ЮНЕСКОга ҳукуматнинг расмий мансабдор шахслари томонидан тақдим этилиши керак. Биринчидан, қатнашчи давлат қайси ёдгорликларни рўйхатга киритишни ҳал этиши лозим. Танлашнинг жараёни кўпинча эътироф этиш деб аталади. Конвенция қатнашчи давлатларга уларнинг умумий қимматга эга, қаралиши керак бўлган маданий ва табиий ёдгорликлар катологи тузиш талабини қўяди. Қатнашчи давлат томонидан Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги сифатида белгиланиб танлаб олинган ёдгорликлар сўнгра **намунавий** рўйхат сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси марказига берилиши керак.

Қатнашчи давлат ёдгорликни рўйхатга киритиши учун аниқлаб олишни ҳал этар экан, у бунинг учун махсус тайинлаш сўровномасини тўлдириши керак. Жумладан, қатнашчи давлат Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси томонидан белгиланган танлаш мезонларидан фойдаланиб, нима учун ёдгорликнинг Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритилиши мумкинлигини умумий тарзда таърифлаши, шунингдек, ёдгорлик зарур даражада ҳимоя қилинаётганлигини ва мавжуд эканлигини қайд этиши керак. Шунингдек, рўйхатга киритилиши керак бўлган ёдгорликнинг шунга ўхшаш бошқа ёдгорликлар билан қиёсий таҳлилини ҳам тақдим этиш муҳимдир. ИКОМОС ва (ёки) МССП тавсия этилган ёдгорликларни баҳолайди ва Бутунжаҳон Мероси Қўмитасига тавсиянома ёзади. Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси қайси ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилади.

1997 йилдаги маълумотларга кўра Бутунжаҳон Мероси Рўйхатида 552 ёдгорлик бор эди. Улардан 418 таси маданий ёдгорлик, 114 таси табиий ва 20 таси маданий ва табиий ёдгорлик бўлиб, улар жаҳоннинг 112 мамлакатада жойлашган.

◆ Бутунжаҳон Мероси ҳамма мамлакатларни қамраб олиши ва муносиб бўлишининг муҳим стратегияси

Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари Африкада, Осиё мамлакатларида, Араб мамлакатларида ҳамда Океания, Европа, Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасини тенг равишда қамраб олиши учун катта иш олиб бормоқда. 1994 йилда Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси Бутунжаҳон Мероси Рўйхатининг минтақавий, маданий ва табиий хилма-хиллиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиши тўғрисида қарор қабул қилди ва Бутунжаҳон Мероси рўйхати дунёнинг ҳамма жойини қамраб олиши ва муносиблиги ҳақида муҳим стратегияни қабул қилди.

Мен ҳозир нимани ҳис қилаётганлигимни барчага айтаман. Мен Африка мероси ҳақида етарлича ахборот мавжуд эмаслигини ҳис қилаялман.

Мозамбиклик ўқувчи Бутунжаҳон Ёшлар форуми, Викториа шаршараси, Замбия ва Зимбабве

ўқувчининг 6-иши

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИГИНИНГ МАСШТАБЛИ МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини батафсил ўрганиш ижодий кўникмасини рағбатлантириш



Машқ



Синф иши
ёки синфдан
ташқари иш



Бир неча
синф машгу-
лотлари



Математика,
санъат, тарих,
география




Фотосурат ва
қоплама
тасвир



Картон,
елим, бўр

✓ Ўз ўқувчиларингизга ялтироқ фотосуратларни ва қоплама тасвирларни кўрсатинг. Уларга Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларидан бир ёки бир нечасини танлашни ва масштабни модел ясашни таклиф қилинг. Санъат ўқитувчиси ёхуд маҳаллий рассом ёки ҳайкалтарош моделни қандай ясашда маслаҳат бериши мумкин. Тарих ўқитувчиси тарихий аниқлик юзасидан маслаҳат бериши мумкин. Масштабни модел (ёки моделлар) ясаш тамомлангандан кейин кўргазма тайёрланг ва ота-оналар ҳамда шу ерда яшовчиларни таклиф қилинг.

 **Ўқувчининг 7-иши**

ЎЗ МИНТАҚАНГИЗДАГИ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ

Мақсад: Минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини билиш



Тадқиқот



Синф иши



**1 ёки 2 синф
машғулот**



**География,
тарих**



**Ўқувчининг иш varaғи:
минтақангиздаги Бутунжаҳон
Мероси ёдгорликларини аниқлаш,
Бутунжаҳон Мероси харитаси,
қисқача тавсиф**

✓ Ўқувчининг иш varaғидан фойдаланинг, агар имкони бўлса, ҳар бир ўқувчи учун Иш varaғи нусхасини тайёрланг.

Синфда ўқувчиларингиздан ўз мамлакатингизда ёки қўшни мамлакатда жойлашган ўнта ёдгорликни санаб беришни илтимос қилинг.

Сизнинг мамлакатингиз Бутунжаҳон Мероси тўғрисидаги Конвенцияга имзо чекканми?

Сизнинг мамлакатингизда Бутунжаҳон Мероси тўғрисидаги Конвенция (маданий ва табиий меросга нисбатан) амалга оширилиши учун қандай муассасалар ёки мансабдор шахслар масъул?

Сизнинг мамлакатингиз билан ЮНЕСКО ўртасида қандай алоқалар мавжуд? Сизнинг мамлакатингизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий Комиссияси мавжудми?

ЎҚУВЧИИНГ ИШ ВАРАҒИ

МИНТАҚАНГИЗДАГИ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Бутунжаҳон Мероси харитасида ҳозирги кунга қадар Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси қатнашчилари бўлган мамлакатлар рўйхати ва Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган 552 ёдгорликнинг жойлашиши кўрсатилган.

Сизнинг мамлакатингизда ёки қўшни мамлакатда жойлашган ўн та ёдгорликни харитадан топинг ва қуйида келтирилган квадратларга уларнинг номи ва географик номи ёзинг.

Улар маданий ёдгорлик, табиий ёдгорлик ёки маданий-табиий ёдгорлик эканлигини кўрсатинг. Жавобларни биргаликда муҳокама қилинг.

№	Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигининг номи	Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган йил	Қатнашчи давлат	Ёдгорликнинг тури (маданий, табиий)
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				

Минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини аниқлаш мезонлари

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини танлаш мезони

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини танлаш мезонлари бўйича ўқитувчиларга махсус кўрсатма.

Мезонлар Бутунжаҳон Меросини сақлашнинг белгиловчи жиҳатлари ҳисобланади ва улар Бутунжаҳон Мероси соҳасидаги таълим чоғида Сизнинг ҳар бир ишингизда ҳисобга олиниши керак.

Бутунжаҳон Мероси Рўйхатини тузиш Бутунжаҳон ҳамжамятининг бош вазифаси ҳисобланади; бир ёдгорлик, меъморчилик мажмуи ёки монумент бошқаларига таққосланганда Бутунжаҳон Меросининг таркибий қисми сифатида қаралиши мумкин. Бошқача сўзлар билан айтганда Бутунжаҳон Мероси маданий ёки табиий ёдгорлигининг улкан умумий аҳамияти нимадан иборат?

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини қўллашга доир амал қилувчи тамойиллар Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси томонидан бир неча йиллар давомида ишлаб чиқилди. Ушбу тамойиллар ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига қандай киритилишини тушунтириб беради ва бунинг учун зарур мезонларни келтиради.

◆ Бутунжаҳон Мероси маданий ёдгорликларини танлаш мезонлари

Амал қилувчи тамойиллар қуйидаги олти мезонни ўз ичига олади. Уларни Бутунжаҳон Меросининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин бўлган маданий мерос ёдгорликларини, бинолар ва ҳайкаллар гуруҳларини танлашда қўллаш зарур.

Мерос:

Маданий ёдгорликларни белгилаш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- (i) инсоннинг ижодий генийси мўъжизасини ифодалаши; ёки
- (ii) вақтнинг муайян даврида ёки жаҳоннинг маданий минтақаси доирасида, архитектура ва технология, монументал санъатлар, шаҳарларни режалаштириш ёки ландшафт дизайнида инсон қадриятлари алмашинининг муҳим босқичини ифодалаши; ёки
- (iii) маданий анъананинг, яшаётган ёки йўқолиб кетган цивилизациянинг нодир ёки, ҳеч бўлмаганда, мутлақ гувоҳи ҳисобланиши; ёки
- (iv) инсоният тарихининг муҳим босқичини ёки босқичларини ифода-лайдиган бино ёки меъморчилик мажмуининг, технология ёки ландшафтнинг улкан намунаси бўлиши керак; ёки
- (v) инсоният анъанавий маконининг, маданият ёки маданиятлар учун, айниқса, тузатиб бўлмайдиган ўзгаришга учраган маданият учун хос бўлган ердан фойдаланишнинг намунаси бўлиши; ёки

(vi) улкан ялпи аҳамиятга эга ва бадиий ёки адабий асарлар билан бевосита ҳамда мустаҳкам боғлиқ бўлган воқеалар ёки мавжуд анъаналар, гоёлар, диний таълимотлар бўлиши керак (қўмита ушбу мезони рўйхатга фақат истисно ҳолларда ва бошқа маданий ёки табиий мезонлар билан алоқадорликда киритилиши лозим деб ҳисоблайди).

Бутунжаҳон Меросининг ҳақиқийлиги, унинг ҳимоя қилиниши ва ташкил этилиши ҳам муҳимдир.

◆ Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини танлаш мезони

Амал қилувчи тамойиллар Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини танлашнинг тўрт мезонини ўз ичига олади:

(i) ер тарихининг даврларини, шу жумладан, ҳаёт изларини, ер шакли ривожланишининг муҳим геологик жараёнларини ёки муҳим геоморф ёки физиогеографик белгиларини ифодаловчи улкан мисол бўлиши; ёки

(ii) қуруқликдаги, сувдаги, соҳилбўйи ва денгиз экология тизимининг, ўсимликлар ёки ҳайвонот оламининг экологик ёки биологик жараёнлари юз беришининг улкан мисоли бўлиши; ёки

(iii) табиат ҳодисаларининг ёки ниҳоятда гўзал ёки эстетик жиҳатдан муҳим жойларнинг ажойиб намунаси бўлиши; ёки

(iv) фан нуқтаи назаридан ёки муҳофаза жиҳатидан қадриятларнинг йўқолиб бораётган турини ўз ичига олувчи ҳудудларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун муҳим табиий яшовчиларни ўз ичига олиши керак.

Табиий мероснинг дахлсизлиги, ҳимоя қилиниши унинг ташкил этилиши каби муҳимдир.

◆ Бутунжаҳон Меросининг маданий-табиий ёдгорликларини танлаш мезони

Бутунжаҳон Меросининг маданий-табиий ёдгорликлари улкан маданий ва табиий қимматга эга ҳисобланади ҳамда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига маданий-табиий мерос мезонлари бирга қўшилган мувофиқликда киритилади. Ҳозирги Бутунжаҳон Мероси Рўйхатида ўн иккита маданий-табиий ёдгорлик мавжуддир (масалан: Перудаги Мачу Пинчу қасри ёки Швециядаги Лапоний ҳудуди).

◆ Мезонларни қўллаш

Мезонлар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатини ҳаддан ташқари узайтириб юбормаслик ёки мамлакатлар унга киритилишини хоҳлаган жойларнинг оддий рўйхатига айланиб қолишнинг олдини олиш учун қатъий қўлланилади.

Барча мамлакатлар қонуний равишда миллий гурур ҳисобланган маҳаллий ёки миллий манфаатларни ифодаловчи жойларга эга ва конвенция уларнинг Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, ўз мерослари эътироф этилиши ва ҳимоя қилинишида уларни қўллаб-қувватлайди.

ўқувчининг 8-иши

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЖОЙЛАШИШINI АНИҚЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари географик жойлашишини ва уларнинг турларини билиш



Тадқиқот



Синф иши



Бир неча
синф
машгулоти



География,
ижтимоий
фанлар



Ўқувчининг иш varaғи: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари жойлашишини аниқлаш, қисқача тавсифи, Бутунжаҳон Мероси харитаси, фотосуратлар

✓ имкони борича ҳар бир ўқувчига фотонусха тайёрлаб, ўқувчининг иш varaғидан фойдаланинг.

✓ ўқувчилардан ёйилган харитадан кўрсатилган (А дан J гача) Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини қайд этишни, улар маданий, табиий ёки аралаш маданий-табиий ёдгорликлардан қай бири эканлигини кўрсатишни илтимос қилинг.

✓ натижаларни текшириш учун ўқувчилардан жавобларни айирбошлашни илтимос қилинг. Синф топшириқни қанчалик муваффақиятли бажарди? Голибларга Патримонито ёпиштиргичи сингари кичик совғалар беринг.

Икки ёки уч ҳафтадан кейин машқни қайтаринг, ҳафтада ўнта ёки ундан ортиқ ёдгорликни кўшимча қилинг. Машқни бир неча марта қайтариш мумкин.

Жавоблар:

Чили	Рана Нуи Миллий боғи (Пасха ороли)
Куба	Эски Гавава ва унинг истеҳкомлари
Мексика	Эл Вискайнодаги Кит қасри
Гана	Қасрлар ва қалъалар, Вольта Буюк Аккра марказий ва шарқий минтақалар
Япония	Қадимий Киотонинг тарихий ёдгорликлари (Киото, Ужи ва Отсу шаҳарлари)
Иордания	Петра
Франция	Мон-Сен-Мишель ва унинг гавани
Хитой	Тайшань тепалиги
Танзания Бирлашган Республикаси	Серенгети Миллий боғи
Нигерия	Эр ва Тенере табиий қўриқхоналари


ТАЛАБАНУНГ ЦШ ВАРАҒУ

Жаҳон харитасида Жаҳон Мероси Рўйхатида киритилган ўнта ёдгорлик кўрсатилган. Маъжур рўйхатдан фойдаланиб, ёйилган харитадан (А дан J гача) Жаҳон Мероси ёдгорликларини қайд этинг. Ёдгорликларнинг номи ва географик жойлашшини ёзинг ва уларнинг маданий, табиий ёки аралаш маданий-табиий ёдгорликлардан қай бирига киришини кўрсатинг. Муваффақият ёр бўлсин!


Ҳарфлар	Тўғри тартиб рақами кўйинг (1 дан 10 гача)	Жаҳон Мероси ёдгорлиги номи	Қатнашчи давлат	Ёдгорлик тури (маданий, табиий ёки аралаш маданий ва табиий)
А				
В				
С				
Д				
Е				
Ғ				
Г				
Н				
И				
Ж				

ЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

ТАЛАБАНИНГ УШ ВАРАҒУ



ЖАҒОН МЕРОСУ ЁДГОРЛИКЛАРИ

 **Ўқувчининг 9-иши**

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ МЕЗОНЛАРИНИ ТУШУНИШ

Мақсад: Қандай ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш ҳақида қарор чиқаришда фойдаланиладиган мезонларни яхшироқ тушуниш



Машқ



Синфдаги машғулот иши



Икки ёки ундан ортиқ соатлик синф машғулот



География



Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон Мероси мезонларини тушуниш, Бутунжаҳон Мероси харитаси, қисқача тавсифлар

Ёдгорликлар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилгунга қадар Бутунжаҳон Мероси Қўмитаси томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

✓ Синфни майда гуруҳларга бўлинг, улардан Бутунжаҳон Мероси харитасини ўрганишни ва қисқача тавсифлашни, ўқувчининг иш варағидаги махсус жойларга ҳар бир мезонга мувофиқ минтақага битта ёдгорликни ёзишни илтимос қилинг (ёдгорликларнинг кўпчилик қисми биттадан ортиқ мезон асосида киритилган). Ўқувчилар жавобини муҳокама қилинг.

✓ Аралаш ёдгорликлар учун минтақага битта ёки иккита ёдгорлик ёзилсин ва ёнида ҳар бир ёдгорликнинг номи кўрсатилсин.

✓ Ўқувчилар жавобларини муҳокама қилинг.

Ўқувчининг иш варағи

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ БАҲОЛАНИШИНИ ТУШУНИШ

Маданий ёдгорликлар	Мезонлар (i): Инсон ижодий даҳосининг дурдонаси	Мезонлар (ii): Қадриятларнинг муҳим алмашиши	Мезонлар (iii): Маданий анъананинг, яшаётган ёки йўқ бўлиб кетган цивилизациянинг ноёб гувоҳи	Мезонлар (iv): Бинонинг ёки меъморий ёхуд технологик мажмуа ёки ландшафтнинг улкан намунаси	Мезонлар (v): Инсоннинг анъанавий яшаш жойининг ёки ердан фойдаланишининг улкан намунаси	Мезонлар (vi): Мавжуд анъаналар, гоёлар, диний таълимотлар, бадий ёки адабий асарлар билан алоқа
Африка						
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси						
Араб мамлакатлари					Гадамдаги эски шаҳар (Ливия Араб Жамоҳирияси)	
Осиё ва Океания						
Европа ва Шимолий Америка						

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ БАҲОЛАНИШИНИ ТУШУНИШ

Табиий ёдгорликлар	Мезонлар (i): Ер тарихининг муҳим босқичлари	Мезонлар (ii): Юз бераётган экологик ёки биологик жараёнлар	Мезонлар (iii): Табиатнинг ажойиб ҳодисалари ёки беистисно гўзал ва эстетик муҳим туманлар	Мезонлар (iv): Биологик ранг-барангликни сақлаб қолиш учун муҳим табиий жойлар
Африка		Маново-Гунда Сейнт Флорис Миллий Боғи (Марказий Африка Республикаси)		
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси				
Араб мамлакатлари				
Осиё ва Океания				
Европа ва Шимолий Америка				

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ БАҲОЛАНИШИНИ ТУШУНИШ

Минтақа	Аралаш ёдгорлик номи	Табиий мерос мезонлари (i), (ii), (iii) ва / ёки (iv)	Маданий мерос мезонлари (i), (ii), (iii), (iv), (v) ва / ёки (vi)
Африка			
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси			
Араб мамлакатлари			
Осиё ва Океания			
Европа ва Шимолий Америка	Горем Миллий Боғи ва Каппадочиа қоялари, Туркия	iii	i, iii, v

МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТАНЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ёдгорликларни танлаш жараёнини тушуниш



Машқ



**Синфдаги
машғулот иши**



**1 ёки бир неча
соатлик синф
машғулотлари**



Тил, санъат



**Ўқувчининг иш
варағи: Маданий ва
табiiй ёдгорликларни
танлаш, ўқувчилар
учун кўрсатма**

✓ Миллий рўйхатга ёки минтақавий меросни танлашга тайёргарлик кўришга синфнинг эътиборини жалб қилиш мақсадида ўқувчининг иш варағи ва ўқувчилар учун кўрсатмадан фойдаланинг.

✓ Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ битта маҳаллий ёдгорлик танлаши керак.

✓ Рўйхатга киритилиши таклиф этилган ёдгорликлар тасвирлари плакат ёки брошюра сифатида тайёрланади. Улардан бир нусхасини маҳаллий ёки минтақавий мутасадди шахсларга ўқувчилар томонидан жўнатиш. Миллий мерос кўмити мажлиси шарҳларини (муҳокамасини) илова қилинг.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Миллий рўйхатга, каталогга ёки реестрга киритиш учун Сизнинг мамлакатингизда жойлашган ёдгорликни танлаш

Сизнинг мамлакатингиз миллий маданий ва табиий ёдгорликлар рўйхатини тузишга қарор қилди. Сизнинг синфингиздан ушбу рўйхат учун маҳаллий маданий ва ёки табиий ёдгорликлардан бир ёки бир нечтасини танлашни илтимос қилишди. Ушбу фаолият ҳам синфда, ҳам синфдан ташқари вақтда (масалан, ёдгорликларни бориб кўришда) амалга оширилади.

Танлашга тайёргарлик кўришга доир кўрсатмалар

Танлашга тайёргарлик кўриш учун илова қилинган сўровномадан фойдаланинг ва қуйидагиларга эътибор беринг.

«Тавсифлаш» қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ◇ ёдгорликни тавсифлаш ва унинг асосий хусусиятларини санаш (масалан, табиий ёдгорликлар учун қушлар, дарахтлар, ҳайвонларнинг турлари, иморатларнинг турлари, маданий ёдгорликларнинг меъморий тавсифи)
- ◇ ёдгорликнинг тарихи
- ◇ хариталар
- ◇ фотография материаллари (илова қилиниши мумкин)
- ◇ ёдгорлик бўйича ахборот асосий манбаларининг қисқа маълумотномаси.

«Ёдгорликни миллий маданий ва табиий мерос рўйхатига киритиш учун баҳолаш» бўлимида қуйидагилар бўлиши керак:

- ◇ мазкур ёдгорликка миллий аҳамиятга эга бўлган ёдгорлик деб қаралишининг сабаблари. Агар Сизнинг мамлакатингизда ёдгорлик миллий аҳамиятга эга эканлигини аниқлайдиган мезонлар мавжуд бўлса, ёдгорликка баҳо бериш учун ушбу тамойиллардан фойдаланинг.

«Ёдгорликни асраш» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ◇ ёдгорликни сақлаш учун масъул шахсни кўрсатиш. Маҳаллий аҳоли ёдгорликни ўзлари сақлашадими ёки бунга маҳаллий, минтақавий ёки миллий ташкилотлар жалб этилганми? Ёдгорликка қараётган одамлар уни сақлаб қолишлари мумкинми? Уларда пул ва тажриба етарлими? Мазкур ёдгорликни ҳимоя қилиш бўйича қонун мавжудми?

«Шунга ўхшаш бошқа ёдгорликлар билан таққослаш» бўлимида қуйидагилар бўлиши керак:

- ◇ Сизнинг мамлакатингизда ва жаҳоннинг Сиз яшаб турган қисмидаги шунга ўхшаш бошқа ёдгорликларнинг тавсифи
- ◇ Мамлакатингиздаги шунга ўхшаш ёдгорликлар билан таққослаган ҳолда ёдгорликнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш.

Ёдгорликни сақлаб қолиб бўлмайдиган даражада тўлиқ емирилиш хавфи мавжудми? Табиий ёдгорликларга нисбатан, масалан, ўқувчилардан йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига мисоллар келтиришни сўранг.

Ўқувчининг иш варағи

Маданий ва табиий ёдгорликларни белгилаш

Ёдгорлик жойлашган мамлакатнинг номи _____

Тайинлашни тайёрлаган шахсларнинг номи _____

Сана _____

Ёдгорликнинг номи _____

Ёдгорликнинг географик жойлашуви _____

Ёдгорликнинг тавсифи

Ёдгорликни миллий табиий ва маданий мерос рўйхатига киритиш бўйича баҳолаш

Ёдгорлик жавоб берадиган мезонлар _____

Ёдгорликни сақлаб қолиш

Ўхшаш ёдгорликлар билан таққослаш

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ҚЎМИТАСИ ВА ЮНЕСКО БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ МАРКАЗИ

Ёдгорликларнинг **Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** киритилиши **Бутунжаҳон Мероси қўмитаси** томонидан ҳал этилади.

Йилда бир марта йиғиладиган **Бутунжаҳон Мероси қўмитаси** тўрт муҳим вазифани бажаради:

- **Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** киритиш учун маданий ва табиий ёдгорликларни танлаш асосида **Бутунжаҳон Меросини** аниқлайди. Бу вазифани бажаришда қўмимага турли иштирокчи давлатлар тавсияларини батафсил ўрганувчи ва ҳар бир тавсия юзасидан ҳисобот тузувчи **ИКОМОС** ва **МССП** кўмаклашади. **Маданий бойликларни сақлаш ва қайта тиклашни ўрганиш бўйича халқаро марказ (МБС ва ҚТЎБХМ)** ҳам қўмимага тавсияларни беради (масалан, маданий мерос соҳасини ўрганиш ва меросни сақлаш техникаси бўйича);

- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини сақлаш жараёни ҳисоботларни ўрганиш ва иштирокчи давлатлар бошқаруви шаклидан қатъи назар ёдгорликларни сақлаш бўйича махсус чоралар кўришни талаб этиш;

- Мазкур иштирокчи давлатлар билан белгиланган маслаҳатлар амалга оширилгандан сўнг хавф остида қолаётган ёдгорликларни **Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** киритиш бўйича қарор қабул қилиш;

- **Бутунжаҳон Мероси жамғармаси** бошқарувини амалга ошириш ва меросини сақлашда ёрдам сўраб мурожаат қилган давлатларга кўрсатиладиган техник ва молиявий кўмак миқдорини белгилаш;

Конвенцияни тарғиб этиш учун ЮНЕСКО Котибият тузди. Бу **ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси марказидир**. Марказ аъзо давлатларга Конвенциянинг кундалик тарғиботида қатнашади ва Бутунжаҳон Мероси қўмитаси қарорларини таклиф этади ҳамда ижросини таъминлашда ёрдам беради.

МИЛЛИЙ МЕРОС ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Мақсад: Ёдгорликларни мерос сифатида қабул қилиши
жараёнини тушуниши.



**Сахналаштирилган
ўйин**



**Синфдаги
машғулот**



**Синфдан
ташқари
машғулот**



**Бир печа
машғулотлар**



**Тил, география,
ижтимоий фанлар**

✓ Бу иш давомида ўқувчилар Миллий мерос қўмитаси аъзолари ролини ижро этишади. Қўмита синф хонасида бўлган маҳаллий ва ҳудудий ёдгорликлар рўйхати киритишга муҳтожми ёки йўқ деган нуқтаи назардан ўрганилади.

✓ Раис, раиснинг икки ўринбосари ва маърузачини сайланг. Қизлар ва ўғил болалар ўртасида яхши мувозанат бўлишига алоҳида аҳамият беринг. Бу уч ўқувчи баҳс тайёрлашади ва дебатлар ўтказишади.

✓ Ўқувчиларнинг қолган қисмини икки гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ бир ёдгорликни ўрганишади ва қўмитага улар юзасидан тавсиянома ёзишади (ёдгорлик ҳимояланиши зарурми ва у миллий мерос қайдномаси ёки рўйхатига киритилганми?)

✓ Тавсия сўровномасини ўрганинг ва қуйидаги ўринларни таҳлил қилинг:

(а) ёдгорликнинг маҳаллий, ҳудудий, миллий ёки халқаро қиммати борми?

(б) ёдгорлик етарли даражада ҳимояланганми?

(в) ёдгорликнинг муқобил ҳуқуқий ҳимояси мавжудми?

(г) ёдгорликни бошқариш ва сақлаш бўйича муқобил режалар борми?

(д) маҳаллий аҳоли билан маслаҳат ўтказилаяптими? Масалан, ёдгорлик тавсиясига уларнинг розилиги хусусида.

✓ Гуруҳлар баҳоларини очиқ мунозара шаклида таништиринг. Ёдгорликлардан қайси бирлари миллий қимматга эгаллигини ҳал этинг. Ўқувчилардан қандай ёдгорликлар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига қўшилиши лозимлиги тўғрисида овоз беришларини сўранг.

Ўқувчининг 12-иши

САНТА-КРУЗ ДЕ МОМПОКС ТАРИХИЙ МАРКАЗИ

Мақсад: Ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш бўйича тавсия жараёнидаги турлича одимларни яхши тушуниш.



Саёҳат



Синф иши



Бир неча
машгулотлар



Тарих,
география



Қопламали
фотосуратлар,
қисқа тавсиф,
Бутунжаҳон Мероси
харитаси

Ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига тавсия этиш ва киритиш жараёни бошқичларини ўқувчилар яхши тушунишлари учун 1994 йилда Колумбия тавсия этган ва 1995 йилда рўйхатга олинган ёдгорликни диққат билан ўрганиб чиқинг.

✓ Ўқувчиларни қуйидаги маълумотлар билан таништиринг.

Ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритишда баҳолаш

Лотин Америкасида испан мустамлакачилиги даврида санъат обидаларининг бир қанча ажойиб намуналари яратилган. Момпокс ажойиб шаҳар намунаси бўлиши билан бирга, бу ҳудуднинг бошқа жойларида учрамайди.

Маданий Мерос категорияси (Конвенциялар, 1-моддага қаралсин): бинолар гуруҳи.

Тарих

Момпоксга 1540 йили мазкур ёдгорликка номини берган Картаген ҳукмдори Хуан Санта-Круз томонидан асос солинган. Шаҳарча Магдален дарёси қирғоқлари бўйида қад ростлади ҳамда катта моддий-техникавий ва тижорат марказига айланди: Картаген портлари ўртасида ва ички ҳудуд бўйлаб дарёда транспорт қатнови йўлга қўйилган. Айти вақтда бу ерда қуруқлик бўйлаб ҳам йўллар ўтган. Момпокснинг бунёд этилиши ва бу ерда ҳукмрон табақадан бўлган мустамлакачиларнинг пайдо бўлиши ерга эгалик мустамлакачилик тартиботининг қарор топишига, ҳиндуларнинг ўз ерларида қуллардек меҳнатга жалб этилишига замин яратди. Ҳиндуларнинг ерлари тортиб олинган ва резервация қилинган эди. Буларнинг барчаси иқлим ва жуғрофий шарт-шароит билан биргаликда деҳқончилик ривожига катта тўсиқларни вужудга келтирди. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарда мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий базанинг бўлмаслигига олиб келди ва шаҳарда ривожланиш жуда паст суръатларда кечди.

Мустамлакачилик давридаги бундай ривожланиш шакли қишлоқ хўжалиги ва савдо билан банд бўлган бой фуқаролар сабабли юзага келди. Кўпчиликлари ўз манфаатларини қондириш учун ўзи билан ҳунарманд ва усталарни олиб келган картагенликлар бу ерда кўпчиликни ташкил этди. Ҳуқуқий синфнинг иккинчи томони руҳонийлар ва диндорлар дан иборат.

Бошқарув ва ҳимоя

Ҳуқуқий мақом: мулк хусусий шахслар, ташкилотлар, Рим католик черкови ва маҳаллий ҳукумат идоралари ўртасида бўлинган. Бу тарихий марказ миллий ёдгорлик деб эълон қилинган ва у 1970 йилдан бошлаб шаҳар қурилиш кодекси билан тартибга солинади.

Бошқарув: Тарихий марказ учун ҳеч қандай бошқарув режаси йўқ. Шунга қарамай қатъий қурилиш кодекси ва шаҳар йўриқномаси ҳудудни бошқариш имконини беради.

Асраш ва ўзига хослик

Сўнгги ўн йилликда ёдгорликни асраш ва қайта тиклаш бўйича анчагина ишлар амалга оширилган. Тарихий марказ, умуман, яхши сақланган. Хусусий мулкдорлар давлат аралашувисиз ҳам яхши ҳолатда сақланувчи ўз мулклари билан фахрландилар.

Ўзига хослик: Момпокс ўн тўққизинчи асрда ўзининг иқтисодий аҳамиятини анчагина йўқотганлиги оқибатида Лотин Америкасининг бошқа шу турдаги шаҳарларида бўлгани сингари унинг қайта қурилмаганлиги кузатилади. Кўчаларнинг тузилиши ва иморат материаллари ўзига хослигини сақлаб қолган.

Тарихий марказнинг ўзига хослиги шаклий ва моддий жиҳатдан юқори ҳисобланади.

ИКОМОС томонидан баҳолаш

ИКОМОС Момпоксга 1995 йил февралда ташриф буюрди ва уни Бутунжаҳон Мероси қўмитасига (iv) ва (v) маданий мезонлар асосида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун тавсия қилди. Шунингдек, ИКОМОС Колумбия ҳукуматида ҳам Момпоксга асраш бўйича бир неча тавсиялар берди. Бу таклифлар Бутунжаҳон Мероси қўмитасига юборилди ва биноларнинг ички жиҳозлари колоритини қайта тиклаш, янги бозор майдони ва анча кейинги қурилишларни бузиб ташлаш, бозорга кираверишдаги бинони туристларга қайиқлар станцияси ва ахборот марказига айлантириш, дарё қирғоғи бўйлаб тозалани сақлаш ишларини давом эттириш, тарихий марказ кўча ва йўлларида бир хил асфальт танлаш, майда туристик режалар ишлаб чиқиш ва Бутунжаҳон Меросига киритиш таклиф этилган ёдгорликнинг шимолий чегарасини қайта белгилаш кабилар муҳокама қилинди. ИКОМОС 1995 йил июлдаги Бутунжаҳон Мероси қўмитаси йиғилишидан олдин Колумбия ҳукуматидан Момпоксга барча моддаларни ҳисобга олган ҳолда асраш тўғрисида кафолат олди.

Бутунжаҳон Мероси қўмитаси бюросининг 1995 йилдаги мажлиси

ИКОМОС бюрога Колумбия ҳукуматидан кўзда тутилган ҳудуднинг ИКОМОС тавсиясига мувофиқ чегараларни кўриб чиқувчи режа олганлиги ҳақида билдирди. Бюро маданий мероснинг таклиф этилган мезонлари асосида Санта-Круз де Момпокс тарихий марказини Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш тўғрисида қўмитага тавсия беришга қарор қилди.

Бутунжаҳон Мероси Қўмитасининг 1995 йил декабрдаги мажлиси

Қўмита Санта Круз де Момпокс тарихий маркази испан мустамлакачиларининг асосий дарё қирғоғида асос солинган ва муҳим стратегик ҳамда тижорат аҳамиятига эга бўлган, шу билан бирга, бугунги кунгача деярли шикастланмай асралган манзилгоҳдир, деган хулосага келди.

Қўмита Санта Круз де Момпокс тарихий марказини маданий мероснинг (iv) ва (v) мезонлари асосида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритишга қарор қилди. Шунингдек, Колумбия ҳукумати Бутунжаҳон Мероси жамғармасидан мазкур ёдгорликка туризм таҳдидларини ўрганиш учун 30 минг АҚШ доллари миқдорида кўмак сўради. Бутунжаҳон Мероси қўмитаси бу илтимосни қондирди.

<i>Қисқача хронология</i>	
1994 йил	Момпокс тавсияси Колумбия томонидан ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси марказига берилди.
1995 йил февраль 1995 йил июнь	ИКОМОС томонидан баҳоланиши. Тавсия Бутунжаҳон Мероси бюроси томонидан ўрганиб чиқилди.
1995 йил декабрь	Бутунжаҳон Мероси қўмитаси Момпоксни маданий мероснинг (iv) ва (v) мезонлари асосида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритди. Қўмита ёдгорлик туризм таҳдидини ўрганиб чиқиш учун 30 минг АҚШ доллари ажратди.

Ўқувчиларингиз билан ёдгорликнинг Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига олиниши ва турли тавсия жараёни босқичларини таҳлил қилиб чиқинг. Ўқувчилар билан биргаликда улуш учун қадр-қиммати бўлган маҳаллий ёки миллий ёдгорликни танланг, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ҳаракат режаси тузишларини сўранг.

Хулоса

Лойиҳа шаклидаги рўйхатни тайёрлаб, иштирокчи давлатлар ёдгорликларини Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритишни тавсия қилади ва улар тўлдирган сўровномаларни ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси марказига юборади. ИКОМОС ёки МССП таклифни ўрганиб чиқади ва тавсиялар тузади. Бутунжаҳон Мероси қўмитаси Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш лозим бўлган ёдгорлик юзасидан сўнги якуний қарорни чиқаради. Бунга қўшимча равишда ёдгорликлар яхши асралиши ва маданий ёдгорликларнинг ўзига хослиги ҳамда табиий ёдгорликларнинг ягоналиги шароитлари талабларига жавоб бериши лозим.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асраш мониторинги

Бутунжаҳон мероси ёдгорликларини асраш – давомли жараён. Конвенция ва МССП ҳамда ИКОМОСга иштирокчи давлатлар узлуксиз равишда Бутунжаҳон Мероси қўмитасига Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асраш учун қабул қилинган чора-тадбирлар, маданий ва табиий ёдгорликлар қимматини жамоатчилик ўртасида оширишни кучайтириш ва уларни асраш жараёни ҳолати бўйича ҳисобот бериб боради.

Амалиётда давлат ўз мажбуриятларини барча имкониятлар билан қабул қилади. Агар давлат конвенция бўйича ўз мажбуриятини бажармаса, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатидаги рўйхатдан ўчирилиши мумкин деган хатар пайдо бўлади.

Конвенция аниқ санкцияга эга бўлади. Ҳозирга қадар рўйхатдан ҳеч бир ёдгорлик чиқарилмаган. ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигининг хавф остида қолгани тўғрисида хабар олар экан, бу хавф ҳақиқатдан ҳам аниқ ва анча муҳим саналади ҳамда хавф остидаги ёдгорлик Бутунжаҳон Мероси Рўйхатида қайд қилинади. Бу рўйхат жаҳон жамоатчилиги эъти-

борини табиий ёки антропоген шароитда таҳдидда қолган ёдгорликни, аввало, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилиши нуқтаи назаридан жалб қилади. Хавф остида қолган ва Рўйхатга олинган ёдгорлик устида махсус асраш ва фавқулодда чоралар кўришни кучайтириш бўйича ишлар амалга оширилиши зарур.

Фақат мустасно ва тезкор вазиятларда (масалан, 1991 йил Дубровникдаги сингари), яъни ҳарбий ҳаракатларда, Бутунжаҳон Мероси қўмитаси хавф остида қолган ёдгорликларни иштирокчи давлатнинг расмий мурожаатини олмасдан ҳам Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш юзасидан чоралар кўради.

◆ **Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхати**

Хавф остида қолган ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортиш ва қимматига кўра илгари рўйхатга киритилиб, сўнг хавф остида қолган ёдгорликни асраш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

1997 йил декабрида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ва хавф остида қолган 25 (9 та маданий ва 16 та табиий) ёдгорлик ҳисобга олинган.

<i>Албания</i>	<i>Бутринти</i>
<i>Бенин</i>	<i>Абомей қироллик саройи</i>
<i>Болгария</i>	<i>Сребарн табиий кўриқхонаси</i>
<i>Камбоджа</i>	<i>Ангкор</i>
<i>Марказий Африка Республикаси</i>	<i>Маново-Гунда Сан-Флорис Миллий боғи</i>
<i>Фил Суяги Қирғоғи ва Гвинея</i>	<i>Қаттиқ ҳимояланаётган Моунт Нимба табиий кўриқхонаси</i>
<i>Хорватия</i>	<i>Дубровник эски шаҳри</i>
<i>Конго Демократик Республикаси</i>	<i>Вирунга Миллий боғи</i>
	<i>Гарамба Миллий боғи</i>
	<i>Окапи фауналари кўриқхонаси</i>
	<i>Миллий боғи Кахузи Бьега</i>
<i>Эквадор</i>	<i>Сангай Миллий боғи</i>
<i>Эфиопия</i>	<i>Симен Миллий боғи</i>
<i>Гондурас</i>	<i>Рио Платано биосфера кўриқхонаси</i>
<i>Ҳиндистон</i>	<i>Манас Ёввойи ҳаёти эҳроми</i>
<i>Қуддус (Иордания томонидан таклиф қилинган ёдгорлик)</i>	<i>Қуддус эски шаҳри ва унинг деворлари</i>
<i>Мали</i>	<i>Тимбукту</i>
<i>Нигерия</i>	<i>Эр и Тенере табиий кўриқхонаси</i>
<i>Яман</i>	<i>Бала Форти</i>
<i>Перу</i>	<i>Чан-Чан археология ҳудуди</i>
<i>Польша</i>	<i>Вьелишка туз кони</i>
<i>Тунис</i>	<i>Ичкеул Миллий боғи</i>
<i>Америка Қўшма Штатлари</i>	<i>Эверглейдз Миллий боғи</i>
	<i>Йеллоустоун Миллий боғи</i>
<i>Югославия</i>	<i>Котор табиий ва маданий тарихий минтақаси</i>

Америка Қўшма Штатларидаги Йеллоустоун Миллий боғи хавф остида қолиб, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорликка яққол мисолдир. Бу эса, ўша даврда, боғнинг тез суратларда ҳимояга олинишига, миллий ҳамда халқаро эътиборни жалб этишга сабаб бўлди (хусусан, паркка таҳдид солувчи кон санаотининг ривожланиши натижасида).

Уқувчининг 13-иши

ЙЕЛЛОУСТОУН МИЛЛИЙ ҚЎРИҚХОНАСИ, АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

Мақсад: Хавф остида бўлган Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги нима учун ва қандай қилиб Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилишини тушуниш



Саёҳат



Синфдаги машғулот



Бир неча машғулотлар



Тил, география, табиий фанлар



Сирти қопламали суратлар, қисқача таълиф, Бутунжаҳон Мероси харитаси

Уқувчиларни қуйидаги маълумотлардан огоҳ этинг:

Хронология

- 1973** АҚШ Бутунжаҳон Мероси тўғрисида Конвенция ратификация қилган биринчи мамлакат бўлди.
- 1978** Йеллоустоун Миллий боғи – дунёдаги Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ўн икки ёдгорликдан бири бўлган биринчи Миллий боғдир.
- 1995** Бутунжаҳон Мероси қўмитаси хавф остида бўлган ёдгорликларни Жаҳон Мероси Рўйхатига киритишга қарор қилди.

Йеллоустоун Бутунжаҳон Мероси қиймати

Йеллоустоун Миллий қўриқхонаси Монтана ва Айдахо ҳудудларига туташ ва шимоли-шарқий Войминг ҳудудининг катта қисмини эгаллайди. Боғ, асосан, вулқон платоси ва кўпгина майда чўкиндиладан таркиб топган. Унда бир қанча мафтункор каньонлар (улкан жарликлар), шаршаралар ва ер ости ғорлари мавжуд. Сурункали вулқон фаоллиги натижасида 10000 та сўнган ва қайноқ сувли булоқлар ҳосил бўлган. Айни вақтда сувнинг муҳофазаси сифатида турфа бой фауна ва флора қуримай туради. Боғнинг марказий қисмини Индонезиядаги Кракатау кратеридан юз марта катта. Ер қуррасининг энг йирик вулқон кратери эгаллайди. Қадимий қояларга 2,7 миллиард йил бўлганлигига қарамай, энг «ёш», яъни улар ҳали шаклланиш босқичидадир. Бу кратер ичида 27 та қазилма ўрмон қолдиқлари бор.

Хавф остида қолиш кўринишлари

Қўриқхона йўқолиб кетиш хавфида бўлган гриз айиқлари, тоғ шерлари, ялтирбош бургутлар ва ҳатто бўриларнинг бошқа гуруҳлари яшаши учун яхши шароитни таъминловчи экотизимдир.

Йеллоустоунга хавф таҳдиди

1995 йилнинг февралда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Марказига қўриқхонага турли хавф-хатарлар таҳдид солаётгани, масалан, ер ости фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишлари, ўрмонларни кесиш, туризмнинг салбий таъсири ва ёввойи табиатта муносабат сиёсати нотўғри олиб борилаётганлиги ҳақидаги хабарлар келиб тушди.

Бутунжаҳон Мероси бюросининг ўн тўққизинчи сессияси, 1995 йил, июль

Қатнашувчи давлат (АҚШ) 1995 йилнинг июлида ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида ўтказилган Бутунжаҳон Мероси бюроси йиғилишига хат тайёрлади. Унда Йеллоустоунга муайян хавфлар таҳдид солаётгани ҳақидаги ташвиш ифодаланган бўлиб, Бутунжаҳон Мероси қўмитаси вакиллари таклиф қилиш ва МССП да боғ мониторингини ўтказиш таклиф қилинган эди. Шунингдек, АҚШ Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига кирган, хавф остида қолган обидаларга ёдгорлик ўрнатишни ҳам таклиф қилди.

Йеллоустоун яқинидаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш таклифига қарши чиқишлари

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш таклифи «Америка боғлар тизими қироллик жавоҳироти»га хавф солувчи ҳалокатдир.

«Нью Йорк Таймс»

Бундан олинadиган фойда Йеллоустоунга келтирилган зарарнинг заррачасини ҳам қоплай олмайди.

Билл Клинтон, Америка Қўшма Штатлари президенти

Бу ўзига хос ёдгорликнинг жонкуяр ҳимоячилари ҳисобланган америкаликлар уни нафақат ўзларининг фуқаролари учун, шунингдек, бутун дунё фуқаролари учун, нафақат ҳозиргилар, балки келажак авлод учун ҳам ҳимоя қилишга бурчлидирлар.

Миллий боғлар ва асраш ассоциацияси, 1995 йил сентябрь

Қўшма мониторинг миссияси, 1995 йил сентябрь

Қўшма мониторинг 1995 йилнинг сентябрида бўлиб ўтди. Миссия вақтида жамоатчилик баҳслари ташкил қилинди, саноат мажмуи, ҳукумат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гуруҳлари бир неча техник ҳисоботлар тавсия этдилар.

Бутунжаҳон Мероси Қўмитасининг 19-сессияси, 1995 йил

Қатнашувчи давлат ва МССП Бутунжаҳон мероси Қўмитасининг 1995 йилнинг декабридаги мажлисида ўзларининг ишларидаги муваффақиятлари ҳақида ҳисобот бердилар. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича йирик лойиҳаларнинг ишлаб чиқиши сув қувурларидан сувларнинг чиқиб кетиши натижасида уларнинг ифлосланиши, чиқитларнинг ахлатхоналарга беаёв ташланиши, йўллар қурилиши ва сайёҳларга таъсир ўтказиш, баъзи камёб жониворлар турининг камайиб кетиши, гулмоҳи балиқнинг камёб турлар рўйхатига киритилиши ва буйволларнинг бруцеллез касаллигини юқтириши – буларнинг барчаси ёдгорликларнинг мавжудлигига жиддий хавф солинаётганини кўрсатиб турибди.

Узоқ муҳокамадан кейин мавжуд вазиятга асосланиб, шунингдек, келажакда рўй беражак хавфларни ҳисобга олган ҳолда Бутунжаҳон мероси Қўмитаси Йеллоустоун Миллий боғини Жаҳон Меросининг хавф остидаги ёдгорликлар рўйхатига киритишга қарор қилди.

Америка Қўшма Штатлари Президентининг чиқиши, 1996 йил сентябрь

Президент фойдали қазилмаларни қазиб олиш масаласини қониқарли ҳал қилишга эришиш бўйича саъй-ҳаракатларини ҳамманинг олдида эълон қилди.

Бутунжаҳон Мероси қўмитасининг 20-сессияси, 1996 йил декабрь

АҚШ делегацияси Йеллоустоуннинг сақланиши борасида анчамунча ютуқларга эришилганлиги ҳақида маълумот берди.

Кейин-чи?

Бу ёдгорликнинг Бутунжаҳон Мероси воситаси сифатида сақланиб қолишини таъминлаш учун қўмита табиатга келтираётган зарар бўйича тадқиқотлар натижалари ва унинг сақланиши борасидаги тадбирлар бўйича муфассалроқ ҳисоботлар тавсия қилинишини талаб этди.

Шундай қилиб, ёдгорликнинг ҳолати Бутунжаҳон Мероси қўмитаси томонидан доимий равишда кузатиб борилади. Агар келажакда қўмита Йеллоустоуннинг сақланиши бўйича тадбирлардан қониқиш ҳосил қилса, у бу ёдгорликни Бутунжаҳон Меросининг хавф остидаги ёдгорликлари рўйхатидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Йеллоустоуннинг Бутунжаҳон Меросининг хавф остидаги ёдгорликлар рўйхатига киритилиши, америкаликларнинг, президентнинг ўзи ва халқаро саъй-ҳаракати натижасида бу машҳур миллий боғнинг сақланиб қолишига эришилди.

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ҲАҚИДА РАДИОЭШИТТИРИШ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мақсад: Бутунжаҳон Меросини сақлаш борасида ўқувчиларнинг мулоқот маҳоратини ошириш



Машқлар



**Синфдаги
ёки синфдан
ташқари
машгулотлар**



**Бир неча
синф
машгулотлари**



**Тил,
музиқа**



**Қисқача тавсиф,
Бутунжаҳон
Мероси
харитаси**



**Китоблар,
компакт-дисклар,
аудио кассеталар
ва бошқалар.**

- ✓ Синфни бир неча гуруҳларга бўлинг ва Бутунжаҳон Мероси ҳақида радиоэшиттириш ўтказишни режалаштиринг. Бу эшиттиришни қўйиб беришингиз мумкин.
- Ёдгорликни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш ёки киритмаслик ҳақида ўқувчилар ўртасида мунозара ўтказиш.
- Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорликнинг муҳимлиги, унинг жойлашиши ва гўзаллигини чизиб (тасвирлаб) бериш.
- Бутунжаҳон мероси ёдгорлигига бағишланган шеърдан парча ўқиб бериш.
- Ёдгорликни тасаввур этадиган манбалардан фойдаланиш; музиқа ва овозлар (табиат, жониворлар, қўнғироқ, маросимлар мулоқоти, мадҳиялар).
- ✓ Синфнинг тақдими асосида эшиттириш учун энг муҳим фикрлар юзасидан келишиб олинг ва уларни кенгайтиринг. Ўқувчилар гуруҳига вазифаларни бўлиб бering. Радиоэшиттиришни тасмага ёзиб олинг ва уни маҳаллий, ҳудудий ёки миллий радиостанцияга жўнатиш.

◆ Бутунжаҳон Мероси Жамғармаси

Конвенциянинг муҳим ютуқларидан бири Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш бўйича лойиҳани молиялаштириш учун Бутунжаҳон Мероси Жамғармасидан халқаро ёрдам кўрсатиш шароитини яратиб берганидир.

Бутунжаҳон Мероси Жамғармаси миллий боғларни ҳимоя қилиш ва ёдгорликларни қайта тиклаш учун вайронагарчилик (емирилиш)нинг сабабини аниқлаш ёки унга қарши иш олиб бориш бўйича экспертлар баҳосини киритган ҳолда турли кўринишдаги ёрдам кўрсатиш ҳамда техник ҳамкорликни сақлаш бўйича тадбирларни режалаштириш, сақлаш ва тиклаш техникаси бўйича маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш, миллий боғлар ва ёдгорликларни қайта тиклаш учун жиҳозлар етказиб бериш каби турли кўринишдаги ёрдамга мўлжалланган. Шунингдек, жамғарма маданий ва табиий мероснинг экспериментал рўйхатини тузиш бўйича мил-

лий ҳаракатни ва ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига кириштиришни қўллаб-қувватлайди. Зарур ёрдамнинг кўриниши ва ҳажмига қараб қўмита ёки раис тегишли сўровга биноан истаган қатнашувчи давлатга ёрдам бериши мумкин.

Устуворлик сақланиши лозим бўлган шароитларда молиявий ёрдам Бутунжаҳон Меросининг хавф остидаги рўйхатига киритилган ёдгорликларга берилади.

Бутунжаҳон Мероси жамғармаси қуйидаги манбалардан даромад олади:

- * Конвенция бўйича қатнашувчи давлатларнинг ЮНЕСКО бюджетига уларнинг мажбурий белгиланган бир фоиз ҳажмдаги бадалидан;
- * Қатнашувчи давлатларнинг ихтиёрий бадалидан, ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг пул эҳсонлари ёки тараққиёт бўйича миллий ва халқаро тадбирлар тушумларидан;

Ҳар йили олинadиган умумий маблағ 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бутунжаҳон Мероси жамғармаси манбалари Бутунжаҳон Мероси қўмитасига келиб тушадиган барча талабларни қоплаш учун зарур бўладиган ҳажм даражасида эмас. Шунга қарамасдан жамғарма Африка, Осиё-Тинч океан ҳудуди, Араб мамлакатлари, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси ҳамда Европадаги маданий ва табиий ёдгорликларни сақлаш бўйича бир нечи миллион доллар турадиган муҳим ёдгорликларни сақлаш лойиҳаларни молиялаштиради. Агар сиз ёки сизнинг ўқувчиларингиз Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш учун Бутунжаҳон Мероси жамғармасига пул хайрия қилиш йўли билан қатнашишни истасангиз, марҳамат, қуйидаги банк рақамига халқаро пул ордерини жўнатинг ёки банк жўнатмасини юборинг:

UNESCO Account No. 949-1-191558
Chane Manhattan Bank
International Money Transfer Division
4 Metrotech Center
Brooklyn
New York NY 11245
United States of America

Марҳамат қилиб Бутунжаҳон Мероси жамғармасига пул хайрияси ўтказганингиз учун исмингиз ва мактабингиз манзилени кўрсатинг.

ЯХШИ БИЛИШ

Мақсад: Бутунжаҳон Меросини сақлаб қолиш учун ўқувчиларнинг бирдамлик ва фаоллиги



Муҳокама



Синф ва синфдан ташқари машғулоти



Бир неча синф машғулоти



Тил



Бутунжаҳон Мероси Харитаси, қисқача тавсиф

- ✓ Ўқувчилар, маҳаллий жамоатчилик ўзининг маҳаллий, миллий ва жаҳон меросларини янада яхши билишлари учун ўзларининг қандай ҳиссаларини қўшишлари мумкинлигини муҳокама қилинг. Уларнинг таклифларини рўйхат кўринишида ёзиб боринг. Ана шу таклифлардан бир ёки бир нечаси тадбиқ қилинган бўлиши мумкинми?
- ✓ Бутунжаҳон Мероси жамғармаси мақсадини муҳокама қилинг.
- ✓ Бутунжаҳон Меросини асраб қолишни қўллаб-қувватлаш учун пул маблағи йиғишни ташкил қилиш имкониятларини муҳокама қилинг.

ЎҚУВ ДАСТУРИГА ИЛОВА: БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИ

Санъат

Санъат тарихини ўрганиш учун Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг сурати ва хабарларидан фойдаланинг.

Ёдгорликларнинг кенг миқёсдаги моделини ясанг.

Жамоатчиликнинг Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ҳақидаги билимларини ошириш ва сақлаш учун реклама кампаниясини тайёрланг.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини бориб кўринг, уларнинг расмларини чизинг, бўянг ва суратта олинг.

Архитектура услубларини ўрганиш учун Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларидан фойдаланинг.

Хорижий тил

Бошқа мамлакатларнинг маданий ва табиий мероси бўйича таҳлилий брошюраларни ўқинг.

Бошқа мамлакатлардаги илгари бўлган ва ҳозирда ҳам мавжуд Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини манба сифатида ўрганинг.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида мақола ёзинг.

Тарих

Тарихий даврларни ўрганишга тааллуқли Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ёки шунга яқин бошқа ёдгорликларни бориб кўринг.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини алоҳида тарихий даврларини ўрганиш тарзида ўзлаштиринг.

Тил/Адабиёт

Конвенция ёки Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги ҳақида синфда ёки газетада эълон қилиш учун мақолалар ёзинг.

Ёдгорликлар атрофида яшайдиган аҳолидан суриштириш йўли билан бу ёдгорликнинг улар учун қанчалик аҳамиятли эканини билиб олинг.

Ёдгорлик ҳақида ахборотнома варағи тайёрланг ёки брошюра ёзинг.

Тарихий спектакль қўйинг.

Ёдгорликлар ҳақида баён этилган роман ёки қисқа ҳикояларни ўқинг.

Математика

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг жисмоний тавсифи тадқиқотини (кўринишларининг сони, биноларнинг ҳажми) ўтказинг ва жадвал кўринишидаги натижаларини тасвирлашда, чизмалар, айланма диаграмма ва статистик маълумотлардан фойдаланинг.

Диншунослик


Турли дин ва диншуносликка тааллуқли Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини кўрсатинг (ресурс комплектига кўплаб ёдгорликлар қўшилган).

Интернет

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси маркази Web-саҳифаси (<http://www.unesco.org/whc>) ва интернет тизимининг Бирлашган мактаблар дастури саҳифаси (<http://www.education.unesco.org/educprog/asp>) га кириг.

Бутунжаҳон Мероси Ва шахс

© ИКСО / Фероҳов, Гулшод Саидов



"Мен ўз уйимнинг атрофи билан деворлар билан ўраб олиниши ва унинг деразалари зич берк бўлишини хоҳлайман. Мен барча мамлакатларнинг маданияти бамисоли шамолдек менинг уйимга эркин кириб келишини истайман. Бироқ мен бошқа маданиятларнинг қайсидир бир шамоли менинг оёғимдан чалиб йиқитишини хоҳлайман."

Маҳатма Ганди

Бутунжаҳон Мероси Ва шахс



© UNESCO / Шилар Дубровник ва Шилар Форуми / Шилардаги Ҷаҳоний мерослари ва шиларнинг таърифи ва таърифи

БУТУНЖАҶОН МЕРОСИ ВА ШАХС



	бетлар
Мақсадлар	102
Билиш	102
Муносабатлар	102
Машқлар	102
Бутунжаҳон Мероси: идентификация учун асос	103
Мен кимман? – Биз киммиз?	103
Ўқувчининг 16-иши: Номлар шахснинг кимлигини билдирувчи восита сифатида	104
Тез ўзгараётган оламда шахс	104
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ва идентификация	105
Ўқувчининг 17-иши: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ва идентификация	106
Турли иморатсозлик услублари ўзликни ифодалашнинг шакли сифатида	107
Ўқувчининг 18-иши: Турли иморатсозлик услублари ўзликни англашнинг шакли сифатида	108
Ўқувчининг 19-иши: Шаҳарнинг турли тарихий қисми ва унинг келажаги тўғрисида кенгаш қарори	109
Ўқувчининг 20-иши: Маданиятлараро ўрганиш	110
Идентификация ва маҳаллий алоқалар	110
Ўқувчининг 21-иши: Буюк Зимбабве миллий ёдгорлиги, Зимбабве	111
Ўқувчининг 22-иши: Улуру-Ката Тjuta Миллий боғи, Австралия	112
Ўқув режасига илова: Бутунжаҳон Мероси ва идентификация	114

МАҚСАДЛАР

Билиш

Ўқувчиларга ўрганишга ва тушунишга ёрдам бериш учун соҳалар:

- Бутунжаҳон Меросининг маданий ва табиий ёдгорликлари турли маданиятларни акс эттиради ва тез ўзгараётган оламдаги барқарорликни ўзида мужассам этади
- Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги тушунчаси, ҳамма маданиятларни башарият цивилизациясининг бир қисми деб билиш
- Табиат ва маданият ҳамда маданиятлар ўртасида ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Муносабат

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун соҳалар:

- Ўзларининг маданиятини, ўз мамлакатларининг тарихи ва табиатини баҳолаш
- Ўз жамиятларидаги устувор қадриятлар ва бу қадриятларнинг илдизларини англаш
- Ҳамма халқлар ва уларнинг маданиятига нисбатан ҳурмат туйғуларини сингдириш ҳамда бунда халқаро тушуниш ва ҳурматлашга ёрдам бериш
- Жаҳон маданий ва табиий мероси учун масъуллик туйғусини ривожлантириш.

Машқлар

Ўқувчиларга ўз қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериш учун соҳалар:

- Келажакдаги ўз тадқиқотларининг манбаларини топиш (оила, мамлакат)
- Очиқ ва демократик усулда баҳс-мунозара олиб бориш
- Бутунжаҳон Меросини асрашни қўллаб-қувватлашда етакчиликни эгаллаш.

Бутунжаҳон Мероси: идентификация учун асос

Бутунжаҳон Меросини тушуниш бизга ўз илдизларимизни ҳамда ўз маданий ва ижтимоий келиб чиқишимизни тўла англашга ёрдам беради. **Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** кирган ёдгорликларга шунчаки назар ташлаш бизга халқлар ва цивилизацияларнинг эътиқодларини, қадриятларини ўрганишга, уларнинг ижодкорлиги (Маданий мерос) ёки ўзаро таъсирларини (табиий ва аралаш ёдгорликлар ва маданий ландшафтлар) билишга ёрдам беради. Бу моддий ва номоддий мерос ҳақида билиш имконини ўзида мужассамлаштиради.

Инсон ҳаёти физиологик, диний, таълимий ва иқтисодий жиҳатдан борлиқдаги маданий ва табиий ёдгорликларга боғлиқдир. Уларнинг бузилиши ёки ҳар бир ёдгорлик аҳволининг ёмонлашуви ўзимизга, халқларимизга ва сайёрамизга салбий таъсир қилади. Биз ушбу ёдгорликларни келгуси авлодлар учун асрашга мажбурмиз.

***Бутунжаҳон Мероси гарови, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форуми,
Берген, Норвегия.***


◆ Мен кимман? – Биз киммиз?

Ҳар биримиз туғилишимиз биланоқ шахсий қиёфамиз билан бошқалардан фарқ қиламиз, чунки биз ўз ирсий ва табиий фазилатларимизни ота-онамиз ва аجدодларимиздан мерос қилиб оламиз. Масалан, бармоқ изларимиз бизнинг шахсий қиёфамизнинг ўчмас қисмини ифодалайди. Биз мерос қилиб олган оиламиз номи ва бизга берилган ном ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкин, аммо улар ҳам шахсиятимизнинг ажралмас қисмидир.

Шахсият деган фақат шахсий деганни билдирмайди.

«Мен кимман?» саволи ўша заҳоти «Биз киммиз?» саволига боғланади – биз, масалан, этник гуруҳ, миллат ёки дин вакиллари сифатида яшаймиз. Гуруҳ аъзолари сифатида биз бошқа аъзолар билан тил, қадриятлар, маросимлар, ахлоқ-одоб, божлар, емиш, кийим-бош ва ҳоказолар воситасида боғланганмиз.

Миллий қиёфа одатда рамзлар – тил(лар), миллий кийим-кечак, байроқлар, ҳарбий кийимлар ёки миллий гимнлар орқали намоён бўлади.

 **Ўқувчининг 16-иши**

**НОМЛАР ШАХСНИНГ КИМЛИГИНИ
БИЛДИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА**

Мақсад: оилавий ва шахсий ўзликимизни намойиш этиши.



Тадқиқот



**Синф
машғулот**



**Мақтадан
ташқари
машғулот**



**2 синф даври
ва дарсдан
ташқари вақт**



Тел

✓ Ўқувчиларингиздан ўз ота-оналарига ёки қариндош-уруғлари ёрдамида ўз фамилиялари номининг маъносини ёзишни сўранг. Шунингдек, улардан ўз шахсий (биринчи, иккинчи) исмлари қандай танланганлигини тушунтириб беришни сўранг. Ҳар бир ўқувчи ўз исмини қандай ҳис қилади.

Бу ном минтақада кўп учрайдими? Бу ном кўп йўллар билан минтақадаги муҳим маданий ёки табиий ёдгорликлар билан боғлиқми? Ёки аксинчामी? Бобоси ёки бошқа қариндоши каби машҳур киши хотирасига ёки тарихдаги, кинодаги ва ҳоказо таниқли шахс ҳурматига қўйилганми? Ном киши шахсига мос келадими? Агар мос колса, у қандай намоён бўлади?

◆ Тез ўзгараётган оламда шахс

Дунё шунчалар тез илгарилаяптики, кўпгина халқлар ўз ўтмишларини унутган ҳолда йигирма биринчи асрга астойдил интилмоқдалар. Атрофда бошқа йўл йўқ. Биз ўз илдизларимизни, ўз маданиятларимизни ва уларни ушлаб турган асосларни қадрлаймиз. Биз ўз келажагимизни қураимиз.

Ўқувчилар тавсияномалари, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форуми, Пекин, Хитой.

Шахслар каби жамоалар (этник гуруҳлар, миллатлар) ҳам ўзларининг табиий муҳит ва бошқа жамоалар ҳамда маданиятлар билан ўзаро алоқаси натижасида вақт ўтиши билан ўзгараёпти. Йигирманчи асрда фан ва техника инқилоби, транспорт, телекоммуникация ва оммавий алоқа (информатика, телефон, телефакс, телевидение, алоқа йўлдошлари) янги моделларининг кириб келиши ва глобализация жараёни натижасида бу доимий ўзгаришларнинг суръати ва жадаллиги жиддий ўсмоқда.

Глобализация оддий иқтисодий ҳодиса бўлса-да, муҳим ижтимоий ва маданий аҳамиятга эгадир. Уларнинг биринчиси дунёнинг барча бурчакларида кишилар, айниқса, ёшлар кенг реклама қилаётган оммавий истеъмол маҳсулотларига, хусусан мусиқа, фильмлар ва теледастурлар, кийим-кечак ёки мазали таомларга устуворлик бериш тамойилидир.

Маданиятнинг глобаллашуви ЮНЕСКОнинг икки ҳужжатидан келиб чиқади:

... маданият босқичма-босқич глобаллашади, бу жараён ҳозир фақат қисман бошланди. Биз таваккалчиликларга, индивидуал инсоннинг бетакрор феъл-атворини четга суриш таваккалларига қарамасдан, глобаллашув истиқболлини инкор қилишимиз мумкин эмас; бу улар олдида ўз келажаги ва ўз салоҳиятига тўла эришиши ҳамда ўз бой анъаналари, маданиятини асрашга ғамхўрлик қилиш каби масалаларни қўяди. Ҳозирча биз биргаликдаги тараққиёт уларга зарар етказмаслиги учун эҳтиёт бўлишимиз керак.

Ўрганиш учун:

Йигирма биринчи аср Халқаро таълим комиссиясининг ЮНЕСКОга ахбороти, 17- бет. Париж, ЮНЕСКО, 1996.

Бугунги тез ўзгарувчи дунёда яшовчи кишилар ва жамоаларни ўз анъаналари элементларининг қийматини инкор этмасдан туриб, уларни ўзгаришларга адолатли мослаштириш муҳимдир.

Африка диний қадриятлари, мисол учун, анъанавий дин муҳофазаси сифатида, инсон ва табиат, жисмоний ва ақлий меҳнат, моддийлик ва ҳиссийлик, ўтмиш ва ҳозирги насллар ўртасидаги алоқаларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Билиш ва қадриятларнинг ушбу барча асослари атроф-муҳит ёки тафовутлар ва ихтилофли вазиятларда пайдо бўладиган янги муаммоларни амалий ҳал қилишда фойдали бўлиши мумкин.

Бизнинг ижодий ранг-баранглигимиз, Бутунжаҳон Маданият ва тараққиёт комиссиясининг ахбороти, 166-бет, Париж, ЮНЕСКО, 1996.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ва идентификация

Кўп халқлар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорликлари билан идентификацияланади. Буюк Зимбабве харобалари бизга Зимбабведаги Африканинг мустамлакачиликдан олдинги илдизларини эслатади; Австралиядagi Улури-Ката Тjuta Миллий боғи кенг Австралия қитъасининг қадимийлиги ва абориген халқлари яшаётганлигининг тасдиғидир; Россия Федерацияси дейилганда кўпинча Москва Кремли ва Қизил майдон ёдга келади; Италия Венеция ва унинг лагунаси, Флоренция ва Пиза минораси; Ливан Баалбек ва Библос; Ҳиндистон Аградаги Тож Маҳал мақбараси; Гватемала Антигуа Гватемала, Ўзбекистон Бухоронинг қадимий маркази билан айнан тушунилади – булар олинган бир неча мисолдир.

Шубҳасиз, Америка Қўшма Штатларидаги Ботқоқлик Миллий Боғи ва Катта Каньон Миллий боғи, Танзания Бирлашган Республикасидаги Серенгети Миллий Боғи, Непалдаги Сагармата Миллий боғи (Жомолунгма чўққиси), Аргентинадаги Лос Гласиарес каби табиат ёдгорликлари ҳам гуруҳларни акс эттиради ёки миллий идентификациялайди.

 **ЎҚУВЧИНИНГ 17-ИШИ**

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари қадр қийматини тушуниш



Муҳокама



Синф машғулот



1 синф машғулот ва дарсдан ташқари вақт



Тарих, ижтимоий фанлар



Бутунжаҳон Мероси харитаси ва қисқача тавсифлар

✓ Транспорантлар осилган ва қўлланмага киритилган ялтироқ фотосуратлардан ҳамда мавжуд бошқа материаллардан фойдаланиб, ўқувчиларни инсоният тарихида ва табиатни асрашда муҳим рол ўйнаган, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатида киритилган айрим ёдгорликлар билан таништиринг, яъни:

- Халқларнинг идентификацияловчи (маданий ва табиий) ёдгорликлари;
- Жаҳон сиёсий тарихида муҳим воқеа бўлган ёдгорликлар;
- Жаҳон динлари ва заковат тизимлари билан боғлиқ ёдгорликлар;
- Турли яшаш тарзларига типик мисол бўлувчи ёдгорликлар.

	Инсон илдиэлари	Йигма жамият	Анъанавий жамият	Деҳқончилик жамияти	Савдо жамияти	Саноат жамияти	Постмодерн жамияти
Осиё ва Тинч океани	Пекин Инсон ёдгорлиги (Хитой)			Кордильерлардаги шили террасалари (Филиппин)			
Араб давлатлари		Тадрарт Акасусдаги тоштарошлик санъати ёдгорликлари (Ливан, Араб жамоҳирияси)					
Африка					Мозамбик ороли (Мозамбик)		
Европа ва Шимолий Америка			И Сасси ди Матера (Италия)		Ганзейдаги Лебен шаҳри (Германия)	Айронбридж Гордж (Бирлашган Қироллик)	Баухауз ва унинг ёдгорликлари (Германия)
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси						Оуро Прето тарихий шаҳри (Бразилия)	Бразилия (Бразилия)

Турли иморатсозлик услублари ўзликни ифодалашнинг шакли сифатида

Иморатсозлик услублари Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ичида халқлар ва табиий борлиқ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг энг яхши тасдиғидир. Масалан, Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги бўлган Норвегиянинг Берген шаҳридаги Бруген тумани Норвегия ёғочи Норвегиянинг маданий идентификациясида қандай ҳал қилувчи омил бўлганлигига яққол мисолдир.

Норвегия ёғочи Норвегия маданиятига қандай таъсир кўрсатади?

Норвегия биноқорлик материали ва Норвегия маданияти ўртасида алоқадорлик борми?

Норвегиядаги Маданий мерос дирекциясининг собиқ Бош директори Стефан Тшуди-Мадсен қуйидагича ёзади:

... Аввало, дарахт масаласини кўриб чиқайлик. Бу ерда буюк чеклаш омили баланд туради.


Авваламбор, дарахтнинг хусусиятларини кўриб чиқайлик. Унинг асосий чеклаш омили унинг баландлиғидир. Бундай катта баргли баланд ва тўғри ўсувчи, ёғоч уйларни қуришга мослашган дарахт ҳеч қаерда ўсмайди. Ҳаддан зиёд узун ёғочлар ҳеч қачон қурилишда ишлатилмаган (Норвегияда асосан, игна баргли дарахтлар қурилишда кенг қўлланилади). 1861 йилда Хоф черковини бузиш вақтида узунлиги 15 метрга етадиган ёғоч ҳам чиққан. Кўпинча, уй қурилишларида узунлиги унинг тенг ярмича келадиган ёғочлардан фойдаланилади.

Ҳеч қандай подшо ҳам, катта мансабдор кишилар ҳам дархатнинг ўзига хос ўлчовларини ўзгартира олмайди. Уйларнинг қурилиши ҳам ушбу қоидаларга бўйсунди.

Ушбу қоидалар, яъни бир хиллик, жамиятни демократлаштиришга ҳалақит бермайдими, деган савол тугилади. Ушбу ўлчовлар қуршовида қандайдир умуминсонийлик меъзонлари мавжуд. Инсонийлик ўз навбатида ижтимоий уйғунликка олиб боради. Уйларнинг ёғочлари горизонтал равишда жойлашганлиги кишига осойишталик, тинчлик бағишлайди ва бунинг устига у ер устида жуда қулай жойлашгандир. Ёғочга ишлов бериш ҳам катта аҳамиятга эга: унинг қопламаси, ҳамда одам қўли текканда силлиқлиги кишига ором бағишлайди.

Ушбу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Норвегиядаги янги уйларнинг 80 фоизи ёғочдан қурилган. Агар Норвегия маданий ёдгорликлари қирраларига бошқа томондан қарасак, яна ушбу дарахт ўзининг сифат ва хусусиятлари билан унинг умумий ривожланишига таъсир кўрсатганини кўрамыз.

Манба: Норвегия маданий мероси. Ёдгорликлар ва жойлар. Университет нашриёти.

 **Ўқувчининг 18-иши**

ТУРЛИ ИМОРАТСОЗЛИК УСЛУБЛАРИ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА

Мақсад: моддий мерос (турли бинолар, ҳайкаллар, миллий боғлар) ни ўрганиш мобайнида идентификациялашни яхшироқ акс эттириш



Тадқиқот



**Синф
машғулоти**



**2 соатлик
машғулотлар**



**Тил,
география**



**Ялтироқ
фотосуратлар**

✓ Ўқувчиларингиздан ўз мамлакатингиздаги ёки минтақангиздаги бинолар, маҳобатли мерос ва миллий боғлар ҳақида эссе ёзишни сўранг. Улар орасида Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари борми? Сизнинг маданиятингиз ва бинокорлик материали, бино намунаси (шаҳарларда, қишлоқларда қандай бинолар қурилади), табиий ресурслар (масалан, маҳаллий конлардан олинган тошлар) ва табиий ландшафтлар (масалан, шаҳар кўл атрофига қурилган) ўртасида ўзаро алоқадорлик борми?

Сизнинг маданий идентификациянгиз сиз қурадиган уйлар ва ишлатадиган материалларингизда акс этадими?

ШАҲАРНИНГ ТУРЛИ ТАРИХИЙ ҚИСМИ ВА УНИНГ КЕЛАЖАГИ ТЎҒРИСИДА КЕНГАШ ҚАРОРИ

Мақсад: меросни асраш тараққиётига жалб этилишини яхшироқ тушуниш



**Саҳналаш-
тирилган
ўйинлар**



**Синф
машғулот**



**Мақтабдан
ташқари
машғулот**



**Бир веча
синф
машғулот-
лари**



**Ижтимоий
фанлар,
математика**



Фотосуратлар

✓ Куйидаги тахминий вазиятлар асосида синфда саҳналаштирилган ўйинлар ташкил этинг.

Маҳаллий ҳокимият сиз яшаётган шаҳарнинг марказий қисмини ривожлантириш режасини белгилади. Шаҳар маркази жуда қадимий бўлиб, унда сизнинг минтақангизга хос бўлган анъанавий уйлар жойлашган. Баҳона учун уйлар сизнинг маҳаллий идентификациянгизни тўла акс эттиради. Бунинг учун шаҳарнинг алоҳида қисмидаги андозавий уйлар замонавийлаштириш жараёнига мос тушиши керак. Оқава сувлар ва чиқиндилар учун қувурлар қурилиши мумкин эмас. Агар ривожлантириш режаси амалга ошириладиган бўлса, у шаҳар қадимий ва ялпи замонавий уйлар конструкциясининг бузилишига олиб келиши мумкин. Маҳаллий ҳокимиятнинг бир қисм аъзолари ривожлантириш режасини амалга ошириш истагида ёнмоқда; бошқа маҳаллий сиёсатчилар бунга бутунлай қаршидир. Бугун хусусан, томонлар учрашишлари ва режани у ёки бу тарзда амалга оширишни ҳал қилишлари керак.

✓ Синфни куйидаги бешта гуруҳга бўлинг:

1. Режа тарафдори бўлган маҳаллий ҳокимият гуруҳи.
2. Режага қарши бўлган маҳаллий ҳокимият гуруҳи.
3. Қадимий шаҳарда яшовчи фуқаролар.
4. Экспертлар (меъморлар, шаҳарсозлар ва ҳоказо).
5. Матбуот вакиллари.

✓ Баҳс олиб бориш учун битта раис, иккита раис ўринбосарини ҳамда учрашувдан репортаж тайёрлаш учун иккита репортёрни ҳам сайланг.

✓ Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ёки хавф остидаги Бутунжаҳон Мероси Рўйхатидаги ёдгорликларга ўхшаш иншоотни танланг ва баҳслашинг.

МАДАНИЯТЛАРАРО ЎРГАНИШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ва шахс ўртасидаги алоқаларни тушуниши



Тадқиқот



Синф
машғулоти
ва ўқув режа-
сидан ташқари
машғулоти



Турли синф
машғулоти



Тил,
ижтимоий
фанлар



Бутунжаҳон
Мероси хари-
таси, қисқача
тавсифлар



Интернет

✓ Синфни гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳдан қуйидаги мавзулар бўйича қисқача ҳикоя ёзишни сўранг:

- ўз мактаби
- ўз синфи
- ўз мамлакатидagi Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари

✓ Тавсифномаларни бир ёки кўп ташқи мактаблар (масалан, Бирлашган мактаблар дастури мактаблари) билан айирбошланг. Қачон сиз уларни қайтариб оласиз? Бу қанча узоққа чўзилади? Улар қандай таққосланади?

✓ Ёшлар Интернет орқали бутун дунёдан нималар олаётгани ҳақида баҳслашинг, ҳолбуки уларнинг ота-оналари ўз ёшликларидида бундай имконга эга эмас эдилар.

Идентификация ва маҳаллий алоқалар

Турли маҳаллий халқларга тегишли табиий ва маданий мерос йўналишларини ўрганиш шахсий, гуруҳий ва миллий идентификациянинг муҳимлигини ва уни қандай қилиб, масалан, Бутунжаҳон Меросини асраш орқали қўллаб-қувватлашни тасдиқлаш мумкинлигини тушунишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ишлари изоҳ талаб қилмайдиган мисол бўла олади. Улар сизни дунёнинг ўзга бирор қисмидан бошқа мисолларни излашга ва янада юксалишга ундаши мумкин.

БУЮК ЗИМБАБВЕ МИЛЛИЙ ЁДГОРЛИГИ, ЗИМБАБВЕ

Мақсад: ёдгорликнинг тарихий илдизларини яхшироқ тушуниш



Бутун
Жаҳон Мероси
ёдгорликларига
саёҳат (ташриф)



Синф
машғулоти



Турли синф
машғулот-
лари



Тарих,
география,
ижтимоий
фанлар,
халқ таълими



Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсиф-
лар, осма транспа-
рантлар



Интернет

✓ Буюк Зимбабвенинг муҳим ва ҳаяжонли тарихий илдизлари мисолида ёдгорлик ҳақида ҳикоя қилиб беринг. Буюк Зимбабведаги археологик қазилмалар бу ёдгорликнинг Африкага дахлдорлигини яна бир марта кўрсатди.

Буюк Зимбабвенинг муҳимлиги шундаки, ундан миллий рамз сифатида кенг фойдаланилади. Мамлакатнинг ҳақиқий номи машҳур ва таассурот уйғотувчи тош харобалари номидан олинган (Зимбабве «тошдан ясалган уйлар» демакдир).

Буюк Зимбабве очиқ ўрмонда жойлашган ва Африка саҳросидаги энг катта қадимий иншоотдир. У икки ёдгорликдан иборат бўлиб, баланд харобалар, акропол, деворларга туташ ҳақиқий қаср ва харсангтош бўлаклари кўриниб туради. Бирин-кетин алмашган харсангтош бўлақларини тош деворлар билан боғлаб, кичик уйчалар ва расталар ясаганлар. Харобалар водийсидаги Буюк кўрғон жуда ажойиб ёдгорликдир. Буюк кўрғонни ўраган девор узунлиги 250 метрдир.

Харобалар узра барқарор Африка илдизларини ва бир пайтлар гуллаб-яшнаган маданиятни излаш чақирилмаган оқ танли мустамлакачилар томонидан бошланди, улар шундан кейин бу ерни Родезия деб атай бошладилар. Тарихни қайта ёзишга берилган кўрсатмага мувофиқ сиёсатчилар ва тарғиботчилар бу ёдгорлик Финикия, Араб, Ҳиндистон ёки яҳудийлар таъсирида пайдо бўлиши эҳтимолини тасдиқлашга зўр бериб уриндилар. Парламентарийлар Буюк Зимбабве Африкага мансуб эмаслиги масаласида музокараларни қизитдилар.

Шунга қарамасдан Буюк Зимбабведа қазилмалар ўтказган археологлар Рендолл Маклвер ва Гертруда Катон-Томпсон харобалар ҳақиқатан Африкага тегишли эканлиги ҳақида хулоса чиқардилар. Унинг яқинидаги Шона деган жойдан қадимги инсонлар моддий маданиятининг тўла излари топилди ва қазилмалар Африкада ҳаёт бўлганлигини тасдиқлади.

Бу иш бошқа археологлар, тилшунослар ва антропологлар томонидан кейинчалик ўтказилган жиддий тадқиқотлар билан биргаликда Буюк Зимбабве тарихини уч босқичга бўлиш учун таянч бўлди.

Ўн биринчи асрларда бу жойлар жадал ўзлаштирила бошланган пайтда тепаликларда кичик ертўла ва ёғоч қозиқ устида кичик уйлар барпо этилади. Икки аср кейин бу уйчалар жуда салобатли уйларга айланади ва биринчи тош деворлар қурилади. Кейинги икки аср мобайнида жамият Африка қитъасининг шарқий қирғоғи бўйлаб чўзилган халқлар, хусусан, мусулмон савдогарлари билан савдосотиқ алоқалари туфайли гуллаб яшнади. Аммо ўн бешинчи асрда Буюк Зимбабве ўз мавқеини узоқ сақлай олмади ва шаҳар аста-секин ўла бошлади.

Африка макони харобалари остида ётган Буюк Зимбабве иморатларининг намуналари ва тош қурилмалар бу ерда савдо-сотиқнинг жадал ривожланганини эслатиб туради.

Тарихни қайта ёзиш йиллари ҳақиқий тарихни ва навқирон Зимбабвенинг идентификациясини йўққа чиқара олмади. Бугун Буюк Зимбабве харобалари миллий қалб ифодачиси, Африка меросининг жавоҳиридир.

✓ Ўқувчиларингиздан ушбу вазиятга муносабат билдирувчи қисқа эссе ёзишни сўранг. Эсселарни синфда алмаштиринг ва муҳокама қилинг.

Ўқувчининг 22-иши

УЛУРУ-КАТА ТЮТА МИЛЛИЙ БОҒИ, АВСТРАЛИЯ

Мақсад: маданий ландшафт тушунчасини ва маҳаллий халқларнинг Бутунжаҳон Меросини асрашдаги ролини яхшироқ тушуниш



Бутунжаҳон
Мероси
ёдгорликларига
ташриф



Синф
машгулот



2 соатлик
синф
машгулот



Тарих,
география,
ижтимоий
фанлар



Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар

Австралиядаги Улуру-Ката Тjuta Миллий боғи тимсолида тақдим қилинаётган иккинчи мисол Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш маҳаллий халқларда уларнинг ўзлиги ва турмуш тарзини таъкидлаш ва асраш туйғусини кучайтириб юборишига яққол исботдир.

Ҳозирги вақтда боғ маҳаллий халқлар ва ҳукумат муҳофаза агентлари ўртасидаги ёдгорликлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорликнинг оқилона тимсолидир.

Ёдгорлик биринчи марта 1987 йилда табиий ёдгорлик сифатида ҳисобга олинди. 1994 йилда маданий ландшафт сифатида қайта номланди – ушбу жой инсон ва табиат ҳамжиҳатлигини ифодалайди. Улуру-Ката Тjuta Миллий боғи Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритилган биринчи маданий ландшафтдир.

Улуру-Ката Тjuta Миллий боғи аборигенларнинг турмуш тарзи ҳукмрон бўлган ва ҳозиргача абориген тили асосий тил сифатида тарқалган аънавий абориген ўлкасида жойлашган. 1985 йилда Австралия ҳукумати Австралиянинг ғарбий чўлларидаги маҳаллий халқларга Анангуга туташ ерларни мулк сифатида қайтариб берди. Қайтариб берилгандан кейин Анангуга Австралия Табиатни асраш агентлиги (АТАА) ижарага олди. Ҳозир Анангу ва АТАА Миллий боғни биргаликда бошқармоқда ва асрамоқда. Қайтариб бериш ва боғнинг биргаликда бошқарилиши абориген ер ҳуқуқлари ривож тарихида ва Австралияда меросни асраш тарихида бурилиш нуқтаси бўлиб кўринади.

Анангуча билиш ва яшаш, идентификация ва ижтимоий тузилма, ахлоқий заковат тизими ва улар яшаётган ландшафт, Тюкурпа туфайли ажралиб туради ва англашилади. Тюкурпа баъзан «Туш кўриш вақти» деб таржима қилинади. Барча ғоялар унга хизмат қилади. Анангу юрт кезиб юриб, Улуру ва Ката Тютада тўхтади. Шунда у бу жойлар очса ва обод қилса мерос бўлиб қолишини англайди ва тушуниб етади... Бугун вақт ўтиши билан ушбу манзара маросимлар, қўшиқлар, рақслар, санъат ва ҳунармандчилик орқали етиб келди. Бу ландшафтда Анангуга мансуб бўлмаган кишилар табиий пайдо бўлмоқда. Бу ҳолатда улар маданий ижод билан маданий жараёнларни тўлдирмоқдалар.

Бутунжаҳон Мероси янгиликномаси, 10-сон, 1996 йил март

Биз ўлкамизни ҳамиша Тюкурпа туфайли қадрли деб гапириб келамиз. Ҳозир денгиз ортидаги баъзи халқлар ва маҳаллий бўлмаган халқлар бу маданиятнинг муҳимлигини тасдиқламоқдалар – у бизни яхшиликка чорлайди. Ўтмишда кўп халқлар уни туш деб аташарди ва кулишарди, аммо Тюкурпа ҳақиқатдир, у бизнинг қонунларимиз, тилимиз, еримиз ва биргаликдаги оиламиздир.

Ями Лестер, Раис, Улуру-Ката Тюта Бошқарув қўмитаси

Конвенциянинг имзоланиши бизнинг идентификациямиз ва маданий илдишларимиз дунё билан қанчалар боғлиқлигини тезда тушунишга имкон бермаслиги мумкин. Биз ўзимизнинг миллий ёки этник меросимизни асраш муҳимлигини тушуниб етишимиз, аммо у жуда қийин бўлиб кўриниши мумкин, чунки бошқалар билан ўзаро узвий боғланганмиз. Бу боғланишнинг битта кўриниши дунёга маданият ороллари денгизи, маржон қоялари денгизи сифатида қарашдан иборатдир.

Маржон қоялари маржон ҳайвонларнинг кўплаб қатламларидан пайдо бўлган, аммо улар фақат тирик қатламларнинг сиртидир. Бир неча йилдан кейин бу ҳайвонлар ўлади ва тирик ҳайвонларнинг янги қатлами уларнинг ўрнига келади. Тирик ҳайвонларнинг ҳар бир янги қатлами қояга айланади; улар узунроқ ва катта бўлишади. Ҳамма ҳайвон эркинликка интилади, аммо аждоқлари боғланиб қолган ва ундан халос бўлолмайди. Ҳар бир ва ҳамма тирик ҳайвон бошқа тирик ҳайвонлар билан боғлана олмайдигандай бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бир неча маржон авлодлари денгиз тубида бир текис туради, сиз уларнинг бир қисмини кўришингиз мумкин. Бизнинг дунё маржон қояларини ёқтиради. Улар биздан аввалги минглаб аждоқлар даврида барпо бўлган — улар ўтдилар, улар ўлдилар, улар қўшилиб кетдилар. Бу бизнинг улушимиз, бу улуш бизники. У бизнинг ўзлгимиз ва меросимиздир.

*Томас Хиллард Эриксон,
антропология профессори,
Осло Университети, Норвегия*

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ

Санъат

Инсон ижодий заковатининг юксак намуналари бўлган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини **чиқиш**, ўз бинокорларининг турли идентификациясини акс эттириш ёки маданият ландшафтларни ҳимоялашни кўриб чиқиш.

Хорижий тиллар

Бошқа тилдаги матнни **ўқинг**, сизнинг ўз тилингиздаги сўзлар билан айнан айтиладиган сўзларни белгиланг, нега бу сўзлар ўхшашлиги ва мамлакатлар ўртасида қандай маданий алоқа бўлганлиги хусусида мунозара ўтказинг.

Мамлакатингизда жойлашган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ҳақидаги маълумотни бошқа тилга **таржима қилинг**. Асл матндан кўчирма учун олинган сўзлар ёки концепцияларни топинг, уларнинг халқлар идентификацияси билан алоқадорлиги ҳақида мунозара ўтказинг.

География/фан

Бутунжаҳон Мероси Рўйхатини ҳамда халқлар ва жўғрофий жойлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳолатини ўрганинг. Халқлар идентификациясини амалий даражада шакллантириш жараёнида табиат тазйиқининг роли, мисол учун, Норвегияда дарахтларнинг роли.

Тарих

Саҳналаштирилган ўйинлардан фойдаланиб, Бутунжаҳон Мероси ёки маданий ёхуд табиий ёдгорлик пойида ўқувчиларни бу ёдгорликни қурган ёки бу ерда яшаётган кишиларни тушунишга чақиринг.

Тил/адабиёт

Асраладиган муҳим маданий идентификация ёдгорлиги ҳақида эсселар **ёзинг** ва ўз гоёларингизни қисқа ўйинлар орқали ривожлантиринг.

Ўқувчилар ўзига хос табиий ёки маданий ёдгорликни асраш тўғрисида беш минутлик нутқ ирод этишаётганда **ипштирок этинг**.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги билан идентификациялашув ёки у билан боғлиқ роман ёки новеллалар ўқинг ва мунозара ўтказинг; кейин ўқувчилардан ўз ҳикояларини ёзишни **сўранг**.

Ўз минтақангиздаги табиий ёки маданий ёдгорликларга дахлдор идентификациялаш концепцияси бўйича музокара ўтказиш юзасидан чиройли ўйинлар **топинг**.

Фалсафа/диний билимлар

Ахлоқ-одоб тизимларини билишда қўшимча манба сифатида диний ёдгорликлар ва бинокорларнинг шарҳлари ва фотосуратларидан фойдаланинг.

Диний ёдгорликка (черков, масжид, ибодатхона ёки ландшафт) таъриф буюрганда рамзларни кузатинг ва тушунинг.

Бутунжаҳон Мероси Ва туризм

© И.И. Тейлор. Италиядан Дунёга. Турга Ўтказилди




"1998 йилда 552 Бутунжаҳон
Мероси ёдгорлигини 500 000 000
сайёҳ бориб кўрди"



Боробудур Мусона
Ибодатхонаси,
Индонезия,
© UNESCO/А. Воронцов

Виктория шарҳарасидаги Варден боғида
зиёратчилар ва биринчи Африка қимтақадий
Наҳон Ғароси ёшлар форуми иштирокчилари
билан кўрсатмалар таълимот ўтказилмоқда.
Замбия ва Зимбабве
© UNESCO




Наҳон Ғароси, хусусан, унга сайҳат ҳақида кўпдан кўп
СМ-ВМлар чиқарилмоқда. ЮНЕСКО тўғриси Намунчидаги
Анҷор ёдгорлиги сингари Наҳоннинг турли қисмларидаги
кўлаб Наҳон Ғароси ёдгорликлари Наҳон Ғароси ёдгор-
ликларининг СМ-ВМдан жой олган. Яхши таъёрланган
кўрсатмалар ва ШШШ тартмоқлари орқали талабалар
Наҳон Ғароси ёдгорликларига "сайҳат қилишлари" мумкин.
Агар Интернетга эга бўлсангиз, Сиз ЮНЕСКОнинг Наҳон Ғароси
маркази ШСВ • сахираларига сайҳат қилиб, Наҳон Ғароси
Рўйхатида кирган 552 га яқин ёдгорлиқ ҳақида кўп нарсани
билиб оlishингиз мумкин.

Виктория Шарҳарасидаги Наҳон Ғароси
ёшлар форумида қатнашган талабалар
ўзларининг Замбеву дарёсидаги сайҳатлари
паётида фотора ва фангани кўрсатишмоқда.
© UNESCO







Сүрөттөү тарихий
шахри ва тарихий
шахарлар галаи
мудаси, Тайланд
© Patrimoine ZDUI/
П. Авантюриер




Те Вахитондуну,
Янги Зеландия,
© UNESCO

Туристлар
Монт-Сент-Мишельга
таирир
буоршмокуда,
Франция,
© UNESCO



Стонехенг, Анедурива
Емрши өдгөрликлар,
Бирлашкан Короллик
© UNESCO/А. Вакудге

Бутунжаҳон Мероси Ва туризм





БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТУРИЗМ

	бетлар
Мақсадлар	120
Билиш	120
Муносабат	120
Машқлар	120
Туризм: чексиз мўъжиза ва катта бизнес	121
Ўқувчининг 23-иши: Туристтик йўналишларини ҳисоблаш	122
Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон туризми тўғрисидаги статистика	
I-қисм	123
II-қисм	123
III-қисм	124
Туризмнинг устуворлиги ва Бутунжаҳон Меросини асрашга потенциал хавфи	124
Ўқувчининг 24-иши: Туризмнинг устуворлиги ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига потенциал хавфи	125
Туризм учун янги қиёфа зарур	125
Бутунжаҳон Мероси, туризм ва экологик барқарор ривожланиш	126
Ўқувчининг 25-иши: Бутунжаҳон Мероси ва туризм ўйини	127
Ўқувчининг Иш Варағи: Бутунжаҳон Мероси ва туризм ўйини	128
Ўқувчининг 26-иши: Нокас турист нуфузли туристга қарши	129
Туристлар одоби бўйича бошланғич қўлланма	129
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига ташриф буюришларнинг афзалликлари	130
Ўқувчининг 27-иши: Мерос ёдгорликларида туристик қулайликларни баҳолаш	131
Ўқувчининг иш варағи: Мерос ёдгорликларида туристнинг имкониятларини баҳолаш	132
Амалдаги туризм ва Бутунжаҳон Мероси	133
Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларида туризмни бошқариш	133
Ўқувчининг 28-иши: Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлиги орқали катта йўл қуриш	134
Ўқувчининг иш варағи: Бутунжаҳон Меросининг табиий ёдгорлиги орқали иншоотга кенг йўл	135
Ўқув режасига илова: Бутунжаҳон Мероси ва туризм	136

МАҚСАДЛАР

Билиш

Ўқувчиларга билишлари ва тушунишларини ривожлантиришда ёрдам бериш учун соҳалар:

- Бутунжаҳон туризмидаги йўналишлар ва уларнинг Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига потенциал таъсири
- Мерос, бошқа маданиятлар, қадриятлар ва анъаналарни кўпроқ ўрганишда туризмнинг бериши мумкин бўлган ёрдами
- Ёдгорликни бошқариш учун ташриф буюрувчилар менежментини ҳам қўшиш зарурлиги.

Муносабат

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун соҳалар:

- Мероснинг қадр-қийматини ошириш ва уни асрашга ёрдам берувчи туризмнинг янги шаклларини қўллаш зарурлигини тушуниш
- Оммавий туризмдан тушган тушумларни Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асрашга олиш.

Машқлар

Ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам бериш учун соҳалар:

- Статистик маълумотларни қандай талқин ва таҳлил қилишни ўрганиш
- Туризм йўналишлари ва Бутунжаҳон Меросини асраш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни яхшироқ тушуниш
- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари бўйича гид бўлиш учун асосий кўникмаларни эгаллаш
- Иззат-икром ва масъулият билан маданият ва табиат ёдгорликларига ташриф
- Туристлар учун асралиши таъминланадиган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига ижодий ёндашиш.

Туризм: чексиз мўъжиза ва катта бизнес

Табиий ва маданий меросдан ҳайратга тушиб, халқлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминлашда туризмдан кўра кучлироқ восита борми? Мерос ёдгорликлари ҳамиша оҳанрабодай саёҳатга чорлаб туради. Инсон яратган мўъжизалар ва табиат ўзларининг гўзаллигини ҳис қилиш зарурлигини эслатиб туради. Аммо ўз ҳолига ташланган туризм ва режалаштирилмаган тараққиёт турли табиий ва ижтимоий хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Бу фақат ёдгорликларга эмас, балки уларни ўраб турган жамиятларга ҳам ҳавфли.

Федерико Майор, Бош директор, Бутунжаҳон Мероси: Бизнинг мангулигимизми? Париж, ЮНЕСКО, 1995.

Кейинги тўрт йилда оммавий туризмнинг ўсиши энг катта мўъжизалардан бири бўлди. Кўплаб одамлар Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига ташриф буюрмоқдалар.

Транспорт технологияларининг тез ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, ҳақ тўланадиган таътил ва ҳордиқ вақтининг кўпайиши натижасида кишилар бугун ҳар қачонгидан кўп саёҳатга чиқмоқдалар. Масалан, Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) маълумотиغا кўра туристлар сони 1950 йилдаги 25 миллион киши ўрнига 1995 йилда 528 миллион кишини ташкил этди, яъни қирқ беш йилда йигирма баравар ўсди. ЖТТ туристлар сони 2000 йилда 600 миллион, 2010 йилда 940 миллион кишига етишини мўлжалламоқда. Кўп кишилар янги жойларни очишга астойдил қизиқадилар ва ёдгорликлар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилиб қадриятга айлангач, уни келиб кўрувчилар сони кўпая боради. Катта шаҳарларда яшовчи аҳоли сони ўса бошлаши билан, улар кўпинча табиий гўзаллиги билан шуҳрат топган жойларга ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига саёҳат қилишга интиладилар. Бундай туризм баъзан экотуризм деб аталади, маданий туризм маданият ёдгорликларига саёҳатни билдиради.

Сайёҳ

Сайр-саёҳатга чиққан киши; киши махсус дам олиш учун йўлга чиқади; киши кўнгилхушлик ёки маданий ҳордиқ учун саёҳатга чиқади; ўзи қизиққан ёки ёқтирган кўп жойларга, муҳитга ташриф буюради.

Оксфорд қисқача луғати

Туризм

Туризм назарияси ва амалиёти; кўнгилхушлик учун саёҳатга чиқиш.

Оксфорд қисқача луғати

Туризм кўпинча тараққиёт билан боғлиқдир, чунки одатда кўп касблар хорижий сармоя олиб, таъминланишга муҳтож бўлади. Масалан, 1950 йилда туристлар 2,1 миллион АҚШ доллари сарфлаган бўлса, 1993 йилда бу рақам 321 миллионга етди (160 марта кўп).

Туризм маданиятдан ташқари бўлмайди, чунки маданият одамларни олдинга қараб ҳаракатланишга ундовчи асосий омиллардан биридир.

Маданият, туризм ва тараққиёт тўғрисида давра суҳбати баённомаси: XXI аср учун ҳал қилинадиган ишлар, 7-бет, Париж, ЮНЕСКО, 1996 июнь.

Ўқувчининг 23-иши

ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон туризми йўналишларини ўрганиш ва Бутунжаҳон Меросини асраш учун кўп зиёратчиларни жалб қилиш зарурлигини билиш



Тадқиқот



Синф машғулот



1 ёки кўп синф машғулот



Математика, ижтимоий фанлар



Ўқувчининг иш варағи, Бутунжаҳон туризми статистикаси, калькулятор, Бутунжаҳон Мероси харитаси, фотосуратлар

✓ Ўқувчиларингизга ўқувчининг иш варағининг биринчи қисмини кўрсатинг (агар зарурат бўлса, ҳар бир ўқувчи учун фотонусха тайёрланг). Уларга рақамларни тушунтириб беринг ва статистикадан фойдаланинг. Йигирма бешта ташриф буюриладиган мамлакатни танлаб, ўқувчилардан Бутунжаҳон Мероси харитасидан фойдаланиб, ҳар бир мамлакатдан кўпроқ Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини топишни сўранг. Ўқувчиларга ёдгорликларнинг ўзаро алоқасини аниқлашни таклиф қилинг (агар ҳар бир мамлакатдаги ёдгорликлар сонининг кўп бўлишига ёрдам берса) ва уларга қуйидаги жўғрофий ташриф буюриладиган ўнта мамлакатни беринг: Африка, Америка, Кариб денгизи, Осиё ва Тинч океани, Араб давлатлари, Европа.

✓ Ўқувчиларга варақнинг иккинчи қисмини саҳифага жойлаштиришни таклиф қилинг: саноатлашган мамлакатлар ва саноатлашмаган мамлакатлар. Саноатлашган мамлакат ва туризмдан даромад оладиган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ўртасида ҳисоб-китоб борми? Аниқлаганларингизни муҳокама қилинг. Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари туризмдан қанча фойда олади?

✓ Ўқувчиларга варақнинг учинчи қисмини кўрсатинг ҳамда «ўсувчи курс» нималиги ва нима учун турли декадаларда турлича «ўсиш курси» мавжуд бўлиши ҳақида мунозара юритинг.

✓ Туризм тўғрисидаги статистик маълумотларни ва мамлакатингиздаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига келган туристлар сонини билишга ҳаракат қилинг ва уларни ўқувчиларга етказинг.

**БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМИ Тўғрисидаги
СТАТИСТИКА**

I ҚИСМ

**Туризм энг юқори ривожланган ўнта жой
Халқаро туристларнинг келиши**

Ўрни	Мамлакатлар	Келган туристлар (минг)		Ўрни	Йиллик ўртача ўсиш даражаси (%)	Келувчилар ялли сонигади улуш (%)	
		1993	1980			1980	1980-1993
1993		1993	1980	1980	1980-1993	1993	1980
1	Франция	60,100	30,100	1	5,46	11,73	10,59
2	АҚШ	45,779	22,500	3	5,62	8,93	7,91
3	Испания	40,085	23,403	2	4,23	7,82	8,23
4	Италия	26,379	22,087	4	1,38	1,15	7,77
5	Венгрия	22,804	9,413	10	7,04	4,45	3,31
6	Бирлашган Қироллик	19,488	12,420	7	3,53	3,80	4,37
7	Хитой	18,982	3,500	15	13,89	3,70	1,23
8	Австрия	18,257	13,879	5	2,13	3,56	4,88
9	Польша	17,000	5,664	12	8,82	3,32	1,99
10	Мексика	16,534	11,945	8	2,53	3,23	4,20

Манба: Жаҳон Туризм Ташкилоти

**БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМИ Тўғрисидаги
СТАТИСТИКА**

II ҚИСМ

**Туризмдан энг кўп даромад олувчи ўнта жой
Халқаро туристлардан тушум**

Ўрни	Мамлакат	Келган туристлар (минг)		Ўрни	Йиллик ўртача ўсиш даражаси (%)	Келувчилар ялли сонигади улуш (%)	
		1993	1980			1980	1980-1993
1993		1993	1980	1980	1980-1993	1993	1980
1	АҚШ	57,621	10,058	1	14,37	18,75	9,76
2	Франция	23,410	8,235	2	8,37	7,62	7,99
3	Италия	20,521	8,213	3	7,30	6,68	7,97
4	Испания	19,425	6,968	4	8,21	6,32	6,76
5	Австрия	13,566	6,442	7	5,90	4,41	6,25
6	Бирлашган Қироллик	13,451	6,893	5	5,28	4,38	6,69
7	Германия	10,509	6,566	6	3,68	3,42	6,37
8	Гонгконг	7,562	1,317	18	14,39	2,46	128
9	Швейцария	7,001	3,149	9	6,34	2,28	3,06
10	Мексика	6,167	5,393	8	--	2,01	5,23

Манба: Жаҳон Туризм Ташкилоти

<i>Жаҳонда туристларнинг келиши 1950-1994 йиллардаги тарихий ўсиш даражаси</i>		
	<i>Ўсиш фоизи</i>	<i>Йиллик ўртача ўсиш фоизи</i>
<i>1950-1960</i>	<i>174,2</i>	<i>10,6</i>
<i>1960-1970</i>	<i>139,2</i>	<i>9,1</i>
<i>1965-1970</i>	<i>46,9</i>	<i>8,0</i>
<i>1970-1980</i>	<i>71,5</i>	<i>5,5</i>
<i>1975-1980</i>	<i>27,9</i>	<i>5,0</i>
<i>1980-1990</i>	<i>60,3</i>	<i>4,8</i>
<i>1985-1990</i>	<i>39,1</i>	<i>6,8</i>
<i>1990-1994</i>	<i>16,6</i>	<i>3,9</i>

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти

◆ **Туризмнинг устуворлиги ва бутунжаҳон меросини ас-
рашга потенциал хавфи**

Туризм бир қанча афзалликларга эгадир. У мамлакатлар, шаҳарлар ва мерос ёдгорликларда сайёҳларни қабул қилиб олувчиларни иш билан таъминлайди, у ерларга хорижий валюта олиб келади, баъзан миллий инфратузилмани ривожлантиришга туртки беради (масалан, йўллар, алоқа воситалари, тиббий хизмат). Саёҳатчилар дунё мўъжизаларидан баҳраманд бўлишлари ва бошқа мамлакатлар, уларнинг табиати, маданияти, қадриятлари ва ҳаёт йўллари ҳақида кўп нарсаларни билишлари ҳамда бу халқаро тушуниш ва ҳамкорликни таъминлашга кўмаклашиши мумкин.

Туризм салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, миллионлаб туристлар Индонезиянинг жазирама ва намгарчилик минтақасида жойлашган Боробудур бағрикенглик ибодатхонаси Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига ташриф буюришади. Туристларга қулайлик яратишни таъминлаш мақсадида баъзан туристик автобус ҳайдовчилари туристларнинг ёдгорликка ташрифидан қайтишини кутиб, ҳаво кондинционерларини ва моторни ўчирмасдан туришади. Корбон моноксид тутунлари эса ибодатхона тошларига зарар етказди.

Автомобиль ҳаракати кўпгина бошқа Жаҳон Мероси ёдгорликлари учун ҳам катта хавфга айланди. Бирлашган Қиролликлардаги Стонехенч ёпиқ йўли бу ердаги ёдгорликнинг дахлсизлигига тажовуз қиларди. Мисрда Физодан Даҳшургача Эҳромлар водийси орқали замонавий йўл қуриш режаси ЮНЕСКОнинг аралашуви билан Миср ҳукумати томонидан тўхтатилди.

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатидан келиб чиқиб «тез шаҳарлашув жараёни ва туристик лойиҳаларнинг ривожини ёдгорликлар учун жиддий хавф деб ҳисоблайди (11-модда, 4-параграф).

Туризм мерос ёдгорликларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилади, биринчисини таъминлаш ва иккинчисини бартараф этиш зарур.

Ўқувчилар қасамёди, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форуми, Берген, Норвегия

ўқувчининг 24-иши

ТУРИЗМНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ЁДГОРЛИКЛАРИГА ПОТЕНЦИАЛ ХАВФИ

Мақсад: Туризмнинг устуворлиги ва унинг мерос жойларига хавфини яхшироқ тушуниш



Муҳокама



Синф
машғулоти



1 соатлик
машғулот



Тил ижтимоий
фанлар



Икки варақ
қоғоз (катта)

✓ Синфни икки гуруҳга бўлинг ва биринчи гуруҳдан маҳаллий ёдгорлик ёки Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги учун туризмнинг афзаллигини қоғозга туширишни сўранг. Иккинчи гуруҳдан Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига туризмнинг хавф-хатарини ёзишни сўранг. Ҳар гуруҳдан бир ўқувчига гуруҳ варағини кўрсатишни таклиф қилинг, туризмнинг хавф-хатарини қандай камайтириш ҳақида мунозара ўтказинг.

◆ Туризм учун янги қиёфа зарур

Туризм кишиларга ранг-баранг маданиятлар, турмуш тарзлари ва табиий борлиқни бевосида баҳолашга имкон беради. Маданиятлар орасидаги ўзаро таъсир ёшлар учун фойдалидир.

Туризм бағрикенглик мактаби бўлиши, бу ерда ҳамма ноёб ва ранг-баранг оламни кашф қилиши мумкин.

«Маданият, туризм ва тараққиёт: XXI аср учун ҳал қилувчи ишлар» мавзuidaги давра столи баённомаси, 7-бет, Париж, ЮНЕСКО, 1996 йил, 26-27 июнь.

Агар туристлар инфратузилмасини (меҳмонхоналар, чўмилиш ҳавзалари, ресторанлар ва ҳоказо) яратишга маҳаллий аҳоли учун мактаблар ёки касалхоналар қурмаслик эвазига устуворлик берилса, туризм ҳамisha иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик манбаи бўлади.

Туризм шундай бир янги қиёфага муҳтождирки, у экологик равнақни қўллаб-қувватласин ва қабул қилувчи мамлакатларни ўзларининг идентификациясини тасдиқлатишга илҳомлантирсин, уларнинг маданияти ва табиатини машҳур қилсин, зиёратчилар учун ғамхўрлик қилсин ва уларни баҳоласин. Айни вақтда маданиятлараро мулоқотга, ўзаро ҳурмат ва бирдамликка асос солиш зарур. Тоза сув кам мамлакатларда, масалан, туристлар ўзларининг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликларини ҳар куни уларнинг сочиқ ва чойшабларини ювиб беришларини кутмасдан кўрсатишлари мумкин.

Бутунжаҳон Мероси, туризм ва экологик барқарор ривожланиш

Туризм, агар ўз концепцияси ва амалий ишларига хайрихоҳ бўлган маҳаллий аҳолининг ҳамкорлиги ва иштирокига таянадиган бўлса ва агар туризмга асос бўлган табиий ва маданий ресурслар узоқ муддат сақланса, у сифатли ва барқарор тараққиётга улуш қўшиши мумкин.

«Маданият, туризм ва тараққиёт: XXI аср учун ҳал қилувчи ишлар» мавзусидаги давра столи баённомаси, 7-бет, Париж, ЮНЕСКО, 1996 йил 26-27 июнь

Оммавий туризм маданий ёдгорликларни (зиёратчилар сони кўпайиб кетиши оқибатида ҳолатининг ёмонлашуви) ва табиий ёдгорликларни (туристлар орқали хорижий турларнинг кириб келиши, қирғоқлардаги туристлар севиб борадиган гўзал жойларнинг туристлар кетгандан кейинги ифлосланиши, қўриқлашда ва асрашда жиддий ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳар бир мерос ёдгорлиги, хусусан Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари бошқарувга эга. Бу ёшлар учун келажакда ёдгорликни бошқаришга ҳисса қўшиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда аҳамиятга эгадир.

Биз ушбу ёдгорликларнинг барчасини қадрлашимиз ва кўриб завқланишимиз мумкин, чунки бизнинг аجدодларимиз уларни биз учун ва кейинги авлодга узатишимиз учун асрашган, уларни болаларимиз учун асраш бизнинг бурчимиздир, токи авлодлар ҳам уларни қадрлашсин ва улардан руҳланишсин.

Ўқувчилар тавсияномалари, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форуми, Пекин, Хитой

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари самарали бошқарув ва асраш моделлари бўлиши мумкин. Афсуски, бу ноёб минтақалардан кутилаётган олий стандартлар ҳамиша доимий мукамаллик даражасидан паст бўлади. Аммо қатъий бошқариладиган сайрлар ва туризм ёдгорликларни зарур моддий асос билан таъминлаши ва уларни узоқ вақт асрашга улуш қўшиши мумкин.

Туризм, экотуризм ва ҳимоядаги минтақалар, X. Кебаллос-Ласкураир (муҳаррир), IUCN, 1996

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТУРИЗМ ҲАЙАТИ

Мақсад: ёдгорликни бошқаришда ва туризмда ҳаётий юмушларнинг қўшилиб кетиши тушунчасига эга бўлиш



Машқлар



**Синф
машғулоти**



**Уч соатлик
синф
машғулоти**



**Ижтимоий
фанлар,
география**



**Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача
тавсифлар**



**Ҳаёт
саҳифалари
ва тангалар**

Бошқариш:

- ✓ Синфни икки-тўрт ўқувчидан иборат жамоаларга бўлинг.
- ✓ Дарснинг биринчи қисмида ҳар бир жамоага битта Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги тўғрисида маълумот беринг (вақти, фотосуратлар, жойлашиши, тавсифлари ва ҳоказо). Ҳар бир жамоа ҳаётини давомидида бу ёдгорликни тақдим этади. Муаллимнинг ёрдами билан ҳар бир жамоа берилган ёдгорлик учун «туристик бошқарув режаси»ни тайёрлайди.
- ✓ Дарснинг иккинчи қисмида ўқувчилар ҳаётини бошлашлари мумкин. Ҳар бир жамоа ҳаётини соққалари ва ҳаракатлари орқали жойини тасвирлаб берадилар. Квадратлар ичида тайёрланиш учун вақт олган (10-30 минут) ҳамма жамоалар бир вақтда ҳаракат қилади. Агар жамоа вазифани муваффақиятли бажаролмаса, у олдинда ҳаракат қилолмайди. Жамоа плакат билан квадрат ичида вазифани уйдиралса, тайёрланишга қўшимча вақт олиши мумкин. Вазифалар ва плакатларни уйдиралаб финалга биринчи бўлиб етиб келган жамоа тақдирланади.

Дарснинг учинчи қисми мобайнида натижалар ҳақида баҳслашишлари ва ўз плакатларини тақдим қилишлари мумкин.

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТУРИЗМ ҲАҚИДА

<p>СТАРТ</p> <p>Сизнинг ёдгорлик Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган, Туризмни бошқариш режасини бошқа жамоаларга тақдим этинг.</p> <p>1</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>2</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>3</p>	<p>Ёдгорлик табиатга қулфат келтиради, нималар юз бериши ифодаланг (ёдгорлигингиз тавсифини ва хавфларини ҳисобланг).</p> <p>Старта қайтинг.</p> <p>4</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>5</p>	<p>Ёдгорликни кўп ифлос қилади. Муаммони ечишнинг 5 та йулмини ёзинг.</p> <p>Орқага 4 квадрат қайтинг.</p> <p>6</p>
<p>ПЛАКАТ</p> <p>7</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>8</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>9</p>	<p>Ёдгорлигингиздаги Ахборот маркази қамчилиги танқид қилинди. Зияратчиларга хат ёзинг, марказни янгилашга хайрия сўранг.</p> <p>Орқага 5 квадрат қайтинг.</p> <p>10</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>11</p>	<p>Ёдгорлигингизга рекорд микдорда туристлар келди. Пул сизга қанча таъмирлаш дастурини бошлашга имкон беради. Сиз нимага устуворлик берардингиз ва нечун? Чизиш орқали сўзсиз тушунтиринг.</p> <p>5 квадрат олдинга ҳаракат қилинг.</p> <p>12</p>
<p>Ёдгорликнинг ҳар бир қисми ёмон асралганлиги учун бузилмоқда. Қоғозга муаммоларни (қамиди 5 та) ва уларни ҳал қилиш йулларини ёзинг.</p> <p>Старта қайтинг</p> <p>13</p>	<p>Муваффақиятли асраш учун жамғармаларга мувофиқ ражад. Уни ёзинг, нима учун жамғармалардан олмоқчи бўлганлигингизнинг 7 сабабини келтиринг.</p> <p>5 квадрат олдинга ҳаракат қилинг.</p> <p>14</p>	<p>Янги туристик меҳмонхона қурилди. Меҳмонхона Жаҳон Меросини асраш муҳимлигини тушунади. Меҳмонхона ҳақида журналда эълон қилиш учун реклама тайёрланг.</p> <p>4 квадрат олдинга ҳаракат қилинг</p> <p>15</p>	<p>ICOMOS беш йил кўриб чиққандан кейин асраш ишингизга танқидий баҳо берди.</p> <p>Орқага 9 квадрат қайтинг.</p> <p>16</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>17</p>	<p>Ёдгорлигингиз миллий телевидениеда курсатилди.</p> <p>3 квадрат олдинга ҳаракат қилинг.</p> <p>18</p>
<p>ПЛАКАТ</p> <p>19</p>	<p>Ёдгорлигингизга, жуда кўп туристлар ташриф буюрди, ҳаммаёқ ифлосланди. Сизнинг ёдгорлигингизда туризмнинг 5 та устуворлигини ва 5 та ақсини ёзинг.</p> <p>Орқага 11 квадрат қайтинг.</p> <p>20</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>21</p>	<p>Меҳмонхонангиз ёпик, чунки тоmidан чакка ўтади.</p> <p>Орқага 5 квадрат қайтинг.</p> <p>22</p>	<p>ПЛАКАТ</p> <p>23</p>	<p>ФИНАЛ</p> <p>Сиз яхши сақланган ёдгорликка ва яхши бошқариш режасига эгасиз. Бошқариш режангиз, муаммоларни бартараф этиш ва амалий ҳал қилиш йулларини ёзинг.</p> <p>24</p>

НОКАС ТУРИСТ НУФУЗЛИ ТУРИСТГА ҚАРШИ

Мақсад: нуфузли турист бўлиш



**Саҳналаш-
тирилган
ўйин**



**Синф
машгулот
ёки ўқув
режасидан
ташқари машгулот**



**Турли
синф
машгулот-
лари**



**Тил,
ижтимоий
фанлар**



**Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар,
ялтироқ фотолар**



**Спектакль
учув
буюмлар**

✓ Ўқувчиларга ёдгорликларга нисбатан ҳурматсизлақ кўрсатадиган, ҳамма-ёқни ифлослантирадиган, ёдгорликлар устига чизиш ёки бошқача йўл билан уларни зарарлантирадиган, маҳаллий аъёнлар ва урф-одатлар устидан куладиган ва фақат ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати билан қизиқадиган нокас турист ҳақида ўйин ёзишни ва уни саҳналаштиришни таклиф қилинг. Нуфузли турист маҳаллий аъёнлар ва маданият ҳақида кўпроқ билишга интилади (ёдгорликнинг тарихи, маҳаллий ҳунармандчилик ва санъат асарлари, мусиқа, озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказо). Ўқувчилар ёзган ва саҳналаштирган ўйиннинг маҳаллий ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига ташриф буюришига қизиқадиган ва уларни кўришга ҳурмат кўрсатадиган кишиларга қандай таъсир қилиши ҳақида мунозара ўтказинг.

✓ Ўқувчиларга маҳаллий, миллий ёки Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини танлашни ва туристлар ёдгорликка боришдан қандай янги йўналишлар олиши мумкинлиги бўйича кампания ўтказиш юзасидан маслаҳатларни қоғозга туширишни таклиф қилинг. Маслаҳатларни муҳокама қилинг ва уларни маҳаллий туризм идорасига ва меросни асраш жамиятига етказинг.

Туристлар одоби бўйича бошланғич қўлланма

Ўз саёҳатини режалаштираётган турист:

- 1. Борадиган жойи тўғрисида имкони борича кўпроқ билиши*
- 2. Мутасадди ташкилотлар (яъни, авиакомпаниялар, туристик операторлар, туристик агентликлар ва меҳмонхоналар) хизматидан фойдаланиши*
- 3. Агар зарур бўлса, дам олиш мавсуми давомидаги таътиллар ва ташрифлар режасига эга бўлиши*
- 4. Унчалик машҳур бўлмаган жойларга бориши керак.*

Борган жойида турист:

1. Маҳаллий маданиятларни ва анъаналарни ҳурмат қилиши
2. Шахсий ҳаёти, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини эътиборга олиши
3. Маҳаллий иқтисодиётни маҳаллий товарларни сотиб олиб ва хизматларга пул тўлаш йўли билан қўллаб-қувватлаши
4. Маҳаллий ёдгорликларни асраш тадбирларига хайрия бериши
5. Табиий борлиқни, экзотизмларни ва жонли табиатни асраш ва муҳофаза қилиши
6. Маданият ёдгорликлари ва ҳайкалларни бузмаслиги
7. Мавжуд энергия ва сувни тежаб ишлатиши
8. Олов билан эҳтиёт бўлиши
9. Ўринсиз шовқин-сурон қилмаслиги
10. Фақат белгиланган йўллар ва сўқмоқлардан юриши керак.

Туристлар одоби бўйича бошланғич қўлланма, туризм учун текширилган табиий кодлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит дастури.

Бутунжаҳон мероси ёдгорликларига ташриф буюришларнинг афзалликлари

1978 йилда дастлабки ўн икки ёдгорлик Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилди. 1987 йил мобайнида яна 289 ёдгорлик рўйхатга киритилди ва ўн йилдан кейин 1997 йилда рўйхатдаги ёдгорликлар сони икки баравар кўпайиб, 552 тага етди. Ҳар йили Бутунжаҳон Мероси қўмитаси кўплаб ёдгорликларни рўйхатга олади. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форумида иштирок этувчи ёшлар, хусусан, кўплаб Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига ташриф буюришга қизиқиш билдирдилар. Бинобарин, кўплаб мактаблар Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларидан узоқда жойлашган ва уларга саёҳат қилиш қиммат. Шу сабабли ўқувчилар текин ёки камчиқим билан Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини бориб кўриш учун мактаб гуруҳларига маҳаллий бизнесменлардан транспорт бўйича ҳомийлик ёрдами кўрсатишни сўрашлари мумкин. Бу ҳолда Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига бориш бўйича мактабнинг харажатларини қоплаш учун мактаблар қатор қўшимча (кекс ва ширинликлар сотиш, машина ювиш, концертлар ташкил қилиш, пулли тадбирлар ва ҳаказо...) ишларни қилишлари мумкин.

Батафсил ва пухта тайёргарлик кўрилса, албатта, маданий ва табиий ёдгорликлар ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Ташрифлар вақтидаги хайриялар ёдгорликлар аҳволининг ёмонлашувини бартараф этиши мумкин бўлмаса-да, улар ўқувчиларни ёдгорликларни узоқ вақт асраш ва муҳофаза қилишга илҳомлантиради.

МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАРИДА ТУРИСТИК ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ БАҲОЛАШ

Мақсад: Мерос ёдгорликларида туристик қулайликларни техник кузатиш кўникмасини эгаллаш



Тадқиқот



Синф машғулот



Ўқув режасидан ташқари машғулот



Икки синф даври ва мактабдан ташқари вақт



Тил, география ёки ижтимоий фанлар



Ўқувчининг иш варағи, ёдгорликларда туристик қулайликларни ҳисоблаш

- ✓ Туристлар ўртасида маълум бўлган яқинроқдаги мерос ёдгорлигига саёҳатни режалаштиринг.
- ✓ Ўқувчининг иш варағини кўпайтиринг ва ҳар бир ўқувчига бир нусха беринг.
- ✓ Ўқувчиларни ўзлари ташриф буюрадиган ёдгорлик ҳақидаги ахборот билан таъминланг, уларга бу шаклларни тўлдириш ва ахборот ёзишнинг муҳимлигини тушунтиринг.
- ✓ Бир кун ўқувчиларнинг ёзганларини йиғиб олинг, ўзлари топган нарсаларни умумлаштириб беринг ва қулайликларни қандай кучайтириш мумкинлиги тўғрисида баҳс юритинг.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари:

- ёдгорликни кашф этган кўплаб туристлар учун доимий хавфдан огоҳ этувчи йўриқномадир;
- қариялар, болалар, арбоблар учун сайр сўқмоқларидир;
- турган жойидан кўчириб сотилмайди.

Ўқувчилар тавсияномалари, Бутунжаҳон Мероси Ёшлар форуми, Пекин, Хитой

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ
Мерос ёдгорликларида туристнинг
имкониятларини баҳолаш

➤ **Ўқувчилар қуйидаги устунларда берилган жойлардаги қулайликлар даражасини белгилашга таклиф қилинадилар.**

Қулайликлар	Қониқарсиз	Қониқарли	Яхши	Жуда яхши
Хат ёзиш жойи				
Автобекат				
Ювинишхона				
Маълумотхона				
Кўргазмалар				
Совғалар				
Ахлат қутилари				
Тозалик				
Гидлар				
Тамаддихона				
Бошқалар				

Мерос ёдгорлиги бошқарувчисига хат

Ҳурматли Хоним/Жаноб

Мен яқинда ёдгорлигингизга ташриф буюрдим ва хулосага келдимки...

Ёдгорликдаги қулайликлар етарлидир

Ёдгорликдаги қулайликлар етарли эмас ва қуйидагиларни кучайтириш керак:

Умид қиламанки, ушбу хат ёдгорлигингизнинг келажақдаги ривожини учун ёрдам беради.

Ҳурмат билан,

Номи:

Имзо:

Сана:

Ўқувчилар ушбу хатларни тўлдирадилар ва уларни муаллимга берадилар

Амалдаги туризм ва Бутунжаҳон Мероси

Янги технологиялар кириб келиши билан, хусусан, Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига бориб кўриш муҳим бўлмай қолди. Масалан, кўп мамлакатларда кўнгилочар боғлар ва музейлар кўплаб қишлоқларда ёки ёдгорликлар ёнида қурилмоқда. Англиядаги Йорк шаҳрига келган туристлар Йорвик ёнидаги Викинг қишлоғига ташриф буюришлари мумкин. Унда ер ости йўлида автоматик кичик поездларда юриб кўнгил чигили ёзилади. Учта кенг экран ва махсус эффе́ктлар ёрдамида, бугун дунёдаги энг йирик аттракционларга эга кўнгилочар боғларнинг «сохта йўллар»и орқали махсус ўриндиқларга ўтириб турли жойларга саёҳат қилишлари, коинотга чиқишлари мумкин. Бу туризмнинг янги шаклидир. Муаллимлар ўз ўқувчилари билан бу хилдаги туризмнинг афзалликлари ва ноқулайликлари ҳақида унинг келажагини ўйлаган ҳолда мунозара қилишлари мумкин.

Мен саёҳатчиман. Сиз зиёратчисиз. Биз туристлармиз. Бу гапнинг мафтункор мантиқсизлиги шунда: биз катта ва гўзал жойларга саёҳат қилишни ёқтираемиз; ammo биз бошқа кўплаб одамларнинг бизга ўхшаб ҳаракат қилишларидан ҳайратга тушамиз. Ҳар бир шахс ҳеч бир озорсиз ишга интилади: бу – ўзининг ҳордиқ вақти. Биз яна биргаликда ҳақиқий жойларга хавф туғилишидан қувонамиз. Ҳақиқатда биз дунёдаги севимли миллий боғларга ва асраладиган бошқа ҳудудларга ўлим таҳдидини сола-миз.

Андреан Филлипс, IUCN, 1996

Бутунжаҳон Мероси, хусусан, унга саёҳат ҳақида кўпдан кўп CD-ROMлар чиқилмоқда, ЮНЕСКО туфайли Камбоджадаги Анчкор ёдгорлиги сингари жаҳоннинг турли қисмларининг юзлаб Жаҳон Мероси ёдгорликлари Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларнинг CD-ROMидан жой олган. Яхши тайёрланган кўргазмалар ва WWW тармоқлари орқали ўқувчилар Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига «саёҳат қилишлари» мумкин. Агар интернетга эга бўлсангиз, сиз ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Маркази WEB-саҳифаларига саёҳат қилиб, Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига кирган 552 га яқин ёдгорлик ҳақида кўп нарса билиб олишингиз мумкин.

Бутунжаҳон мероси ёдгорликларида туризмни бошқариш

Бутунжаҳон Меросини асраш соҳасидаги катта ўзгаришлар ёдгорликларга кишиларни ноқулай ҳолатлардан холи тарзда боришга имкон яратди. Гўзал ва яхши асралган ёдгорликлар қимматлиги сабабли туроператорлар учун етиб бўлмас маррага айланди.

Буюк Хитой девори 1987 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган Буюк деворнинг ҳар йили миллионлаб маҳаллий ва хорижий туристлар зиёрат қилувчи ғишт ва тошдан қурилган Пекин яқинидаги қисми Минг сулоласи даврида барпо этилгандир. Гансу вилоятидаги Гоби чўлида 2000 йиллик мўъжизани кўриш мумкин.

Чўлнинг қуруқ иқлими нозик материалларни емирилишдан сақлаб келди. Лойсувоқ иморатлар ва қамиш капалар шимолдан кўчманчилар ҳужуми бошланса, бошқаларни огоҳлантириш учун ёндиришга тайёрлаб қўйилган. Буюк деворнинг бу қисмига нисбатан кам туристлар ташриф буюради, чунки туристларнинг кўп келиши ёдгорликнинг нозик қисмларининг емирилиш хавфини туғдириши мумкин.

Янги Зеландиянинг жануби-ғарбидаги Те Ахипоугау бутунжаҳон меросининг нафас оладиган энг муҳим табиий ёдгорликларидан биридир. Янги Зеландия ушбу бой ва ранг-барангликни асраб қолишга кўп мамлакатлардан ёрдам олганлиги туфайли бу табиий гўзаллик жуда яхши сақланган. Бинобарин, туристик бум ва жаҳонда транспортнинг ривожланиши кўп туристларни Янги Зеландияга йўл олишга чорлади. Шу сабабли яқин йилларда туристларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун ёдгорлик орқали Хаст ва Милфорд шаҳарларини боғловчи йўл қурилиши кенг муҳокама қилинди. Унинг афзалликлари ва ноқулайликлари ўқувчининг 28-ишини ҳал қилганда аён бўлади.

ўқувчининг 28-иши

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ТАБИЙ ЁДГОРЛИГИ ОРҚАЛИ КАТТА ЙЎЛ ҚУРИШ

Мақсад: тараққиёт, туризм ва Бутунжаҳон Мероси алоқаларидаги манфаатлар ва қарашлар ранг-баранглигини тушуниш



Саҳналаштирилган ўйин



Синф машғулоти



Ўқув режасидан ташқари машғулот



Турли синф давлари ва мактабдан ташқари вақт



Тил, география, математика, табиат шунослик



Ўқувчининг иш варағи, Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлиги орқали катта йўл қуриш, қисқача тавсифномалар, Бутунжаҳон Мероси харитаси

✓ Синфни бешта гуруҳга бўлинг ва ҳар бир гуруҳни ўқувчининг иш варағи нусхаси билан таъминланг. Ўқувчилардан жуфт-жуфт бўлиб тегишли тавсиф билан баён ёзишни сўранг. Кейин ҳар бир тавсиф ва гуруҳни рақамланг (1 дан 5 гача). Ҳар бир гуруҳдан ўзлари масъул бўлган баённи давом эттиришни сўранг.

✓ Шулардан ўз баёнларини тайёрлашга етарли эътибор беринг, шундан кейин ҳар бир гуруҳ ўз тавсифи бўйича нуқтаи назарни ҳимоя қилиш юзасидан ўтказиладиган очиқ баҳс-мунозарада қатнашишга бир аъзосини тайинлайди. Ҳар бир гуруҳ, шунингдек, баҳс-мунозарадан кейин йўлни қуриш-қурмаслик ҳақида қарор чиқариш учун ҳакамлар ҳайъатида иштирок этишга бир аъзосини сайлайди. Баҳс-мунозара қарорга олиб келади.

ЎҚУВЧИНИНГ ИШ ВАРАҒИ

Бутунжаҳон Меросининг табиий ёдгорлиги орқали иншоотга кенг йўл

1. Янги Зеландия сўнгги муҳим нарсалардан бокира табиат ичига йўл олувчи йўлларга муҳтождир. Бу дахлсиз табиий ҳудудга ва иқтисодиётга даҳшатли зарбадир. Бу эса туристларнинг Янги Зеландияга йўл олишини ўзгартиришидан кўра муҳимроқдир.

Ўрмонлар ва қушларни муҳофазалаш жамияти директор

2. Биз бу ерда, асосан, соҳилда туризмни ривожлантириш муаммосини кўраяпмиз. Бу йўл озгина жой эгаллайди. Агар фақат автобусларнинг 10 фоизи Милфордга йўл олса, ҳарбий соҳил гулаб-яшнайдди, туризм саноати икки баравар ўсади.

Ҳарбий ерлар маҳаллий кенгаши, бош менежер

3. Водий девонлари узра ўтадиган йўл сезувчанлиги юқори экотизмларга жиддий зарар етказади ва тоғ олдида ўтган йўл ён-атрофнинг манзарасини бузади.

Ўрмон хизмати ходими

4. Ландшафт ва манзара жуда бебаҳо бойлиқдир. У Янги Зеландияда халқаро туризмнинг яхши ривожланишига қўшимча туртки беради. Хаастда машинада Милфордга кела олиш бунинг бир қисми бўлади.

Транспорт вазири

5. Ниҳоят, биз таклифларда зарарли нарсани кўрмаяпмиз, ҳамма томонларни ҳисобга олмаслик ҳаддан ошиш бўлади. Бунда туризм устувор бўлиши мумкин ҳамда жанубий ҳарбий ерлар ва Фиордланд жамоалари кўрадиган зарар қисми у билан қопланади.

«Отаго Дейли Таймс» газетаси муҳаррири

Манба: Янги Зеландиядаги Греймонт олий мактаби

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТУРИЗМ

Санъат

Туризм кампанияси, ёдгорликка зиёратчиларни жалб этувчи плакатларни **безатиш**
Агар имкон бўлса, туристлар учун ёдгорлик ҳақидаги ахборот варағини **нашр этиш**

Ёдгорликнинг расмини **чизиш**, суратга олиш ёки унга бориш, абстракт санъат, кийим-кечакни безатиш орқали ёдгорликнинг нуфузини ошириш

Маҳаллий/миллий/минтақавий/Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асраш кераклигини ифодаловчи плакатни **безатиш**; ёдгорликнинг аввалги нуфузини, туристик вазиятни ўзгартирадиган сабабларни ўрганиш

География/тарих

Нима учун у ёки бу ёдгорлик узоқ вақт туристлар учун зиёрат иншооти бўлганлиги ёки бўлмаганлиги ҳақида **баҳс юритиш**

Тарихда у ёки бу ёдгорлик маҳаллий, миллий, минтақавий ва жаҳон туризми иншоотига айланганлиги тўғрисида **баҳс юритиш**

Ёдгорлик тарихни қандай ёрқин ифодалаши ҳақида туристларга **маслаҳат бериш**

Туристларни ёдгорликларнинг емирилиши ҳақида **ўқитиш** ва муқобил ҳал қилиш йўллари ҳақида баҳслашиш.

Интернет

Интернет калитларидан фойдаланиб, Бутунжаҳон Мероси ҳамда алоҳида мамлакатлар ва минтақаларнинг туризми ҳақида кўп ахборот олиш учун «Бутунжаҳон Мероси» ва «Туризм» сўзларини **ишлатиш**

Тил/адабиёт

Туристлар учун ахборот брошюралар тузиш: бошланғич, ногирон зиёратчилар, хорижий саёҳатчилар ва ҳоказо

Ёдгорликка ташриф мавзусидаги матнни аудиокассетага ёзиш

Мерос ёдгорликларнинг қиймати ва туризмдан кутилаётган хавф бўйича баҳс ёки саҳналаштирилган ўйин ўтказиш

Ёдгорлик тўғрисидаги ахборотни бошқа тилларга таржима қилиш

Маҳаллий, минтақавий ёки миллий ёдгорликларнинг Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига муносабати ҳақида реклама варағини **ўрганиш**

Новеллалар ва ҳикояларда ёдгорликлар ҳақидаги маълумотларни тадқиқ қилиш ва бадиий матнларни брошюра ва ҳужжат сифатида тўплаб туристларга қандай тақдим қилиш мумкинлиги бўйича мунозара ўтказиш

Математика

Туристик йўналишларни ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари учун эҳтимол номаълум бўлган жиҳатларни муҳокама қилишда жадваллар, кичик хариталар ва статистикадан фойдаланиш, сўровномалар ва таҳлилий ишларни ҳисоблаш ва лентага ёзиш


Ижтимоий фанлар

Сўровномаларни қайтиб олиш орқали ёдгорликларга ташриф буюрганларнинг қарашларини эълон қилиш

Ёдгорликлар менежерларининг мерос ёдгорликларни асрашда туризмнинг ижобий ва салбий оқибатларини ўрганиш бўйича интервьюси.

Бутунжаҳон Мероси ва атроф-муҳит

© UNESCO/Ҷ. Баттис. Инчунин ариқари Ҷ'юлони Бена. Бирманган Тағриати Республикаси



"Табиатни турлича талқин қилиш мумкин:
илмий бизнес базаси сифатида,
бирон бир нарсани кузатиш, тадқиқ қилиш
ҳамда баҳолаш манбаи сифатида ёки бадиий
илҳом манбаи сифатида".

Президент Нелсон Мандела
1994 йил, октябрь.



Банк Д'Арзун Глобал
боғи, Майритания.
© UNESCO / ЮСН / Н. Торселл

Бураллодаги хед-
стэмшег Мерос
сўқмоғи, Канада.
© С. Титчен



Ичкиел Глобал
боғи, Тунис.
© UNESCO


Маи йодийси
табиий қўриқхонаси,
Сейшель ортолари.
© Глобал география
Ижтимои / В. Гуртсингер



Байкал қўли,
Россия
Федерацияси.
© UNESCO



Низер "Ш"
Г'линий боғи.
© UNESCO



Г'реличойс олий мактаби
ўқувчилари Те Вахтпоунаму
музлашларига таърифия
ўтказишмоқда.
© UNESCO



Шестаралидаги ерт
экизўчиларнинг тошдаги
қолдиқлари ёдгорликлари
[Риверслейд йа.Наракорте].
Австралия.
© UNESCO



Окани.Нанки табииати
Исраиляжисси.Анса
Демократтик
Республикаси.
© ИССП/ИЭ. Горгелла

Бутунжаҳон Мероси Ва атроф-муҳит





БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

	бетлар
Мақсад	142
Билиш	142
Муносабатлар	142
Машқлар	142
Ёшлар ва Бутунжаҳон Меросини асраш	143
Ўқувчининг 29-иши: Экотизимлар ва ер шакллари	144
Халқаро атроф-муҳитни асраш	144
Ўқувчининг 30-иши: Атроф-муҳитнинг таназзули	147
Бутунжаҳон Меросини муҳофазалаш орқали биологик ранг-барангликни асраш	148
Ўқувчининг 31-иши: Биологик ранг-барангликка тазйиқ	149
Маданий ранг-баранглик ва биологик ранг-баранглик	149
Турларнинг эволюцияси ва қирилиши	150
Маи водийси табиат қўриқхонаси, Сейшел ороллари	151
Манас жонли табиат қўриқхонаси, Ҳиндистон	151
Те Вахипоунаму, Янги Зеландия	151
Ўқувчининг 32-иши: Гондвандлар расм-жумбоғи	152
Ўқувчининг иш варағи: Гондвандлар расм-жумбоғи	153
Ўқувчининг 33-иши: Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларига тегишли мезонларни аниқлаш	155
Экологик ва маданий барқарор тараққиёт	155
Банк Д'Аргвин Миллий қўриқхонаси, Мавритания	156
Ўқувчининг 34-иши: Атроф-муҳитни ҳимоялаш	156
Ўқувчининг 35-иши: Экологик барқарор тараққиёт учун ҳаракатлар	157
Маҳаллий ёрдам	157
Ўқувчининг 36-иши: Мерос сўхмоқлари	158
Сайёрағиз келажағи	158
Ўқув режасига илова:	
Бутунжаҳон Мероси ва атроф-муҳит	160

МАҚСАДЛАР

Билиш

Ўқувчиларнинг билишлари ва тушунишларини ривожлантиришда ёрдам бериш учун соҳалар:

- Табиий ва маданий борлиқ ҳамда кишилар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик
- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ҳудудларни, биринчи ўринда биологик ранг-барангликни ва хавф остидаги ўсимликлар ва алоҳида ҳайвонларни асровчи, муҳофазаловчи сифатида сақлаш.
- Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси атроф-муҳитни халқаро биргаликда асраш ҳаракатининг муҳим ҳомийси сифатида.

Муносабатлар

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун соҳалар:

- Этник қадриятларни қатъий асрашни ва атроф-муҳит учун масъулиятни ривожлантириш
- Сайёрамиздаги ҳаёти алоҳида ва ранг-баранг бўлган экотизимларни асрашнинг барқарор йўналишлар билан яқинлаштириш ҳамда келгуси авлодлар тақдирини хавф-хатар остига қўймаслик.

Машқлар

Ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериш учун соҳалар:

- Атроф-муҳитни асрашда, хусусан Бутунжаҳон Меросини муҳофазалашда иштирок этиш
- Сайёрамизнинг ва кишиларнинг келажакдаги сиҳат-саломатликлари учун барқарор экологик тараққиёт жараёнида иштирок этиш
- Бутунжаҳон Меросини асрашда етакчиликни таъминлаш.

Ёшлар ва Бутунжаҳон Меросини асраш

Асралган Бутунжаҳон Мероси борлиқни, унинг маданий ва табиий ранг-баранглигини ҳамда кишилар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро мувозанатни сақлашга катта улуш қўшиши мумкин.

Бутунжаҳон Меросини асраш биологик ранг-барангликнинг бузилиши натижасида юзага келган ўсимлик ва ҳайвон турларининг хавф-хатар остидалиги жиддий ошган пайтда атроф-муҳит ҳақида ғамхўрлик қилишга ёрдам беради.

Шу ўринда бир хилда муҳимки, Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларни асраш халқаро миқёсда экологик барқарор ривожлантириш чораларини кўришга тақозо этади. Масалан, Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг ҳудудий маконини ҳимоялаш. Бунга қўшимча равишда, Конвенция **маданий** ва **табиий мерос** ҳамда уларнинг ҳар иккиси ўртасидаги ҳамкорликнинг бебаҳолигини тасдиқлайди.

Сабаби, конвенция ёдгорликнинг табиий ва маданий қийматларининг тўла ранг-баранглигини асраш ва атроф-муҳитни қўриқлашнинг ноёб имкониятларини таъминлайди.

1997 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига 114 та табиий ёдгорлик киритилган бўлиб, улар қўриқланадиган ўсимлик ва ҳайвонот турларидан, экотизмлардан, геологик ёдгорликлардан, экологик ва биологик жараёнлардан, табиий муҳитдан, жуда гўзал ва эстетик аҳамиятга молик ҳудудлардан иборатдир. Бу ёдгорликлар Ернинг (қуруқлик ва денгиз) қисмини эгаллайди ва улар доимий бошқариладиган ва асраладиган ҳудудлар ҳисобланади.

Бинбарин, ёшлар атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилишда иштирок этишлари мумкин, улар бу ишларнинг муҳимлигини англашлари ва шубҳалардан холи бўлишлари, тегишлича иш шартларини билишлари керак. Бутунжаҳон Мероси Конвенциясининг борлиқни асраш учун роли муҳимлиги ҳақида билиш бу ишда муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

Борлиқни асраш соҳасидаги катта ишлар ва уларнинг Бутунжаҳон Меросини асрашдаги аҳамияти қўлланманинг ушбу қисмида берилган.

ЭКОТИЗИМЛАР ВА ЕР ШАКЛЛАРИ

Мақсад: экотизимларнинг турли хиллари ва Бутунжаҳон туризм ёдгорликларини кўпроқ англашни таъминлаш



Машиқ



**Синф
машғулоти**



**2 соатлик
даре машғулоти**



**География,
табиат
шунослик**



**Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар**

✓ Ўзингизнинг маҳаллий ҳудудингизда экотизимлар ва ер шаклларининг бу турлари намуналари борми? Улар қандай ўзига хосликларга ва хусусиятларга эга (масалан, намгарчилик ҳудудларидаги ботқоқликлар ва кўллар), бу ёдгорликларда қандай ўсимлик ва ҳайвонот турлари (масалан, намгарчилик ҳудудларидаги сув қушлари) мавжуд?

✓ Ўқувчилардан қисқача тавсифларни кўриб чиқишни ҳамда қуйидаги тоифалардаги Бутунжаҳон Меросининг йигирмата табиий ёдгорлигини танлашни ва уларни таснифлашни сўранг:

- ўрмонлар
- соҳиллар
- тоғлар

✓ Ўқувчилар жавобларини муҳокама қилинг ва улардан ушбу учта тоифа бўйича ўз мамлакатадаги ёдгорликларни идентификациялашни сўранг.

✓ Ўқувчилардан Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ушбу намуналарни идентификациялашни сўранг ва унинг якуни бўйича мунозара ўтказинг:

- маржон қоялар
- ўрмонлар
- ороллар
- чўллар
- ботқоқликлар

Халқаро атроф-муҳитни асраш

Атроф-муҳитнинг дастлабки заҳарланиши билан юзма-юз келиш - ҳавонинг, сув ва тупроқнинг ифлосланиши, ернинг ялпи исиши, озон қатламининг тешилиши, табиий ресурсларнинг тугаб бориши ва уларни қайта тиклаб бўлмаслиги, турларнинг ўлиб бориши ва биологик ранг-барангликнинг бузилиши – биз барча чоралар билан бу хавфларга тайёр туришимиз, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун оламнинг табиий ва маданий ранг-баранглигини асрашимиз ва барқарор тараққиётни таъминлашимиз шарт.

Бутунжаҳон Меросини, хусусан Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини асраш атроф-муҳитни яхшилаш ва кафолатлашга қимматли улуш бўлиб қўшилиши мумкин. Бутунжаҳон Мероси Конвенциясидан ташқари атроф-муҳитни асрашга қаратилган халқаро шартномалар мавжуд. Қуйидаги шартномалар ва уларнинг котибиятлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ЮНЕСКО **Бутунжаҳон Мероси марказининг** Web-саҳифасидан олиш мумкин.

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси 1972 йилнинг сентябрида Швециянинг Стокгольм шаҳрида ўтказилган Бирлашган Миллатларнинг Атроф-муҳит тўғрисидаги биринчи Бутунжаҳон конференциясидан икки ой кейин имзоланди. Стокгольмдан йигирма йил кейин дунё етакчилари 1992 йилнинг июнида Рио-де-Жанейрода (Бразилия) Бирлашган Миллатларнинг Атроф-муҳит ва тараққиёт конференциясида учрашдилар. Риода чақирилган Ер Саммити табиий муҳитнинг бузилишидан ташвишли зарар миқдорини ва уни жиддий яхшилаш стратегиясини белгилади. Саммит Ерга ёрдам беришга қаратилган 21 масалани кун тартибига киритди, унинг 36 қисми таълим ва ёшларнинг ўрнига бағишланган. Бунга қўшимча, 157 мамлакат ва Европа ҳамжамияти Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенцияни имзолади. Унда биологик ранг-барангликни асраш юзасидан келишилган чоралар кўришга чақирилади. Икки бошқа халқаро конвенция, бунга қўшимча, ўрмонларни асраш тўғрисидаги расмий ҳисоботни Риодаги Ер Саммитига олиб чиқди.

Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция 1994 йил 21 мартдан кучга кирди ва 165 га яқин мамлакат томонидан ратификация қилинди. Унинг мақсади – атмосферада турли газларнинг тўйинишини барқарорлаштириш ва ернинг ялпи исишига қарши курашишдан иборатдир.

Бирлашган Миллатларнинг жиддий қурғоқчиликка ва ёки чўллашувга дуч келган мамлакатларда, хусусан Африкада чўллашувга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси 1996 йилнинг 26 декабрида кучга кирди. Унинг мақсадлари қурғоқчилик ва чўллашувдан одамларнинг азоб чекиши ва экологик кулфат зарарини бартараф этишдан иборатдир.

Барча хилдаги ўрмонларни Бошқариш, асраш ва барқарор ривожлантириш тўғрисидаги бош келишув қоидаларининг ўзаро боғлиқ расмий ҳисоботи ҳам Риодаги Ер Саммитида қабул қилинган эди. Унинг мақсади – барча мамлакатларни дунёни қайта кўкаламзорлаштиришга жалб қилишдан, қайта ўрмонлаштиришни ва табиий ресурсларни асрашни таъминлашдан иборат.

Бунинг устига 1975 йилда Жонли фауна ва флоранинг хавф остидаги турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (CITES) қабул қилинди. Конвенция ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хавф остидаги турлари халқаро савдоси устидан кенг назоратни назарда тутган ва бу жонли турларининг тижорат савдосини таъқиқлайди.

1971 йилги Халқаро аҳамиятга молик Ботқоқликлар тўғрисидаги Рамсар конвенцияси (кўпроқ Ботқоқликлар тўғрисидаги Рамсар Конвенцияси сифатида маълум) ҳукуматлараро шартнома бўлиб, ботқоқликлар ва унинг бойликларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликда ишлашни таъминлайди. 881 та ботқоқлик ёдгорлиги бор, улар 62,7 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Улар Халқаро аҳамиятга молик ботқоқликлар Рамсар рўйхатига киритилган.

Халқаро аҳамиятга молик ботқоқликлар Рамсар рўйхатидаги 15 та ёдгорлик, айти пайтда Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларига киритилган.

Улар:

Австралия	Какуду Миллий боғи
Болгария	Сребарка Табиат қўриқхонаси
Канада	Тинч-Азабаска дельтаси
Конго Демократик Республикаси	Сершовқин Ёзги Турналар қатори (Ёғоч Буффало Миллий боғининг ҳаммаси)
Франция	Вирунга Миллий боғи
Ҳиндистон	Монт-Сант-Мигель ва атрофи
Мавритания	Кеоладео Миллий боғи
Нигерия	Банк д'Аргуин Миллий боғи
Руминия	Нигер «W» Миллий боғи
Россия Федерацияси	Дунай дельтаси
Сенегал	Селенга дельтаси (Байкал кўлининг қисми)
Испания	Жоуж Миллий Қуш ибодатхонаси
Тунис	Донана Миллий боғи
АҚШ	Ичкеул Миллий боғи
	Эвергледс Миллий боғи

Бунга қўшимча ЮНЕСКОнинг Инсон ва биосфера дастури табиат ва тараққиёт ўртасидаги ихтилофларни ҳал қилиш ишига қаратилган бўлиб, унда табиий ресурсларни яхшилаш, табиат ва жамиятнинг бир-бирини самарали тўлдиришини таъминлашда кишиларни ўз фаолликларини оширишга ўргатиш назарда тутилган. Биосфера қўриқхоналари **биологик ранг-барангликни** асрашга, экотизмларни соғломлаштиришга кўмаклашади, ернинг анъанавий шакллари ҳақида билишга, табиий ресурсларни барқарор бошқариш тўғрисида ахборотларни тарқатишга ва табиий ресурслар муаммоларини биргаликда ҳал қилишга ёрдам беради.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТАНАЗЗУЛИ

Мақсад: мамлакатингиздаги ёки мумкин бўлган атроф-муҳит натижаларини ва унинг алоқаларини Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликлари билан идентификациялаш



Тадқиқот



**Сияф
машгулот**



**3 соатлик
дарс**



**География,
табиат
шунослик**



**Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар**



**Илмий китоблар,
газета қирқимлари
(мақолалар)**

✓ Ўқувчилардан қоғозга мамлакатингиз ёки минтақангизга тегишли атроф-муҳит муаммоларини ёзишини сўранг (масалан, емирилиш, иқлим ўзгариши ва денгиз тошқинлари, қургўқчилик, ўрмонларнинг камайиши). Улардан қайси маҳаллий, миллий, минтақавий ёки Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигига бу муаммолар хавф солишини сўранг.

✓ Мамлакатингизда ёки минтақангизда атроф-муҳит муаммолари тўхтатилдими ёки ҳал қилиндими? Маҳаллий аҳоли тамониданми ёки халқаро ёрдам биланми?

✓ Ўқувчилардан атроф-муҳит оқибатлари тўғрисидаги газета мақолаларини бир ҳафта давомида тўплашни ва топилган материалларни синфда таҳлил қилишни сўранг.

Атроф-муҳитга ялпи хавфнинг белгилари

- Дунёдаги парранда турларининг учдан икки қисми йўқолган ёки қирилиш арафасида турибди.
- Кейинги икки юз йилда дунёдаги қушлар тури, хусусан океан оролларида чорак қисмга камайди.
- Бақаларнинг кўпайиши хавф остида, сабабини тушунтиришнинг иложи йўқ.
- Маржон қоялари ҳажми қисқармоқда.

Бутунжаҳон Меросини муҳофазалаш орқали биологик ранг-барангликни асраш

Биологик ранг-баранглик барча ҳаёт шаклларининг турлича яшашдан фойдаланиш шарти бўлиб, у турли ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларни, уларнинг ҳужайраларини ва уларни ташкил қилувчи экотизимларни бирлаштиради.

Ердаги биологик ранг-барангликни асраш ер юзидаги барча ҳаёт каби муҳимдир. Сув, денгиз ва ҳарорат муҳитини, микроорганизмларни асраш ҳам шунга киради.

Бутунжаҳон Меросини муҳофазалаш ердаги биологик ранг-барангликни асрашдек глобал ишнинг муҳим таркибий қисмидир ва у ишончли халқаро жамоа куч-ғайратини талаб қилади.

Конго Демократик Республикасидаги Окапи жонли табиат қўриқхонаси Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига хавф остидаги турларни мужассамлаштирувчи (табиий мерос мезони iv), биологик ранг-барангликни асровчи дунёдаги муҳим ва мафтункор табиий муҳитлардан бири сифатида қўшилган эди.

Қўриқхонада дунёдаги тахминан 30000 турдаги приматлар ва қушларнинг йўқолиш хавфи бўлган 5000 га яқин тури тўпланган.

Экотизмни асраш ҳам Бутунжаҳон Меросини муҳофазалашнинг муҳим таркибий қисмидир. Масалан, 1996 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган Белиз Тўсиқ-Қоя қўриқхона тизими; 93400 гектар ялпи майдонни эгалловчи бу ҳудудда очиқ маржон ороллари, қумлоқлар, мангроли ўрмонлари, соҳил лагуналарини бирлаштирувчи бебаҳо табиий тизимлар ҳимояланади.

Бошқа экстенсив Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ўрмон экотизмларини (масалан, Шри Ланкадаги Синҳаража ўрмон қўриқхонаси) ва ботқоқликларни (масалан, Испаниядаги Донана Миллий боғи) ҳимоя қилади.

Биологик ранг-барангликнинг емирилиши, хусусан экотизмларнинг хавф остида бўлиши (масалан, ороллар ва ботқоқликлар) одатда орқага қайтариб бўлмас жараёнлардир, чунки ранг-барангликка хавф солишга боғлиқ сабаблар ва ҳаракатлар қисқармаяпти. Бунинг устига турларни ҳимоялаш экотизмларни, табиий ўсимлик ва ҳайвонлар жамоаларини, ландшафтларни узоқ муддат асрашни таъминлаш шароитидагина самарали бўлиши мумкин.

БИОЛОГИК РАНГ-БАРАНГЛИККА ТАЗЙИҚ

Мақсад: биологик ранг-барангликка бўлажак хавфни идентификациялаш



Тадқиқот



**Синф
машгулоти**



**Ўқув режасидан
ташқари
машгулот**



**4 синф
даври ва
экскурсия**



**Фан,
Биология**



**Дафтар,
қалам, бинокль,
фотокамера**

✓ Ўқувчилардан қуйидаги мисоллар асосида ўз маҳаллий ҳудудида биологик ранг-барангликка очиқ тажовуз ҳақида ёзишни сўранг:

- Борлиқ кўринишининг ўзгаришлари (масалан, қишлоқ хўжалиги учун маҳаллийлаштирилган ўсимликларни яратиш)
- Турларни чатиштириш (маҳаллий ўсимликлар ва ҳайвонларнинг гўштини ейиш ҳамда маҳаллий турлар ҳақида мусобақа ўтказиш мумкин)
- Ифлосланиш: ҳаво, сув, тупроқ ва шовқин
- Ер ости қазилмаларини қазिश
- Бошқалар

✓ Ўқувчилардан ўз маҳаллий ҳудудларидаги қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг сони камайиб кетаётганлигини қандай билганларини сўранг.

✓ Биологик ранг-барангликнинг фожиасини тўхтатиш учун қандай асраш тadbирларини амалга ошириш керак?

✓ Маҳаллий ранг-барангликни кузатиш учун маҳаллий боққа, ўрмон ёки қушлар кўриқхонасига, дала сайрига бориш режаси тузиш ва уни амалга ошириш (ўсимликлар ва ҳайвонлар сонини рўйхатга олиш). Синфга ота-оналарни таклиф қилинг, ўқувчилар топган нарсаларни улар баҳам кўришсин. Ота-оналардан маҳаллий биоранг-баранглик ўзларининг ёшлиқларидаги биоранг-баранглик билан қиёслаганда яхши ёки ёмон эканлигини сўранг.

◆ Маданий ранг-баранглик ва биологик ранг-баранглик

Бутунжаҳон Мероси маданий ва табиий ёдгорликлари кўпгина маданий ва биологик ранг-барангликни ифодалайди.

Маданий ранг-баранглик ва биологик ранг-баранглик муваффақиятини таъминлаш учун улар биргаликда асралиши керак; кишиларнинг ўз ресурслари ва уларни қандай бошқариш ҳақида билимга эга бўлишлари бутун инсоният учун ҳал қилувчи омилни таъминлайди.

Жеффри А.Макнелей, IUCN, Табиат ва ресурслар,
28-қисм, 3-сон, 1992

◆ Турларнинг эволюцияси ва қирилиши

Турларнинг эволюцияси доимий табиий жараён дир. Генетик ўзгаришлар орқали янги турларнинг яратилиши биологик ранг-барангликни оширади.

Бутунжаҳон Меросини муҳофазалашнинг мақсадларидан бири – турлар эволюциясини таъминлаган ҳолда табиат ёдгорликларини асрашдан иборат дир. Табиий мерос мезони (i) тўрт мезоннинг бири бўлиб, ундан табиий ёдгорликларни Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун танлашда фойдаланилади.

У ер тарихининг катта босқичларини, жумладан, ҳаётнинг давом этишини, ер шаклларининг тараққиётида геологик жараёнларнинг ёхуд геоморфик ва физиографик хусусиятларнинг оқибатларини акс эттирувчи машҳур намуналардан иборат бўлиши керак.

Германиядаги Мессел Пит Тош қолдиқлар ёдгорлиги табиий мерос мезони (i) асосида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган ёдгорлик дир. Мессел Пит, хусусан, милодгача бўлган 57 миллион ва 36 миллион йил ўртасидаги Эоцен эрасига мансуб тош қолдиқларга бой дир. Улар сут эмизувчиларнинг дастлабки эволюцион босқичлари ҳақида ноёб маълумотлар беради.

Австралиядаги Риверслей ва Наракорте сут эмизувчилар тошқолдиқлари ёдгорликлари Австралиянинг яхши сақланиб қолган ноёб фаунасининг босқичларини ифодалайди (масалан, халтали кротлар ва халтали учар каламушлар, халтали шерлар каби Австралия сут эмизувчиларининг ноёб ва қирилиб бораётган турлари). Бу ёдгорлик табиий мерос мезони (i) ва шунингдек, бошқа мезонлар (ii) асосида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган.

Янги турнинг кашф этилиши:

Воллеми қайини динозаврларнинг ёшидан дарак беради

1994 йилнинг декабрида Австралияда, Сидней яқинида янги дарахт турлари кашф этилди. Воллеми қайинининг бўйи 35 метрга етарди. Унинг айлана диаметри 1 метр эди. Кашф этилган янги дарахт турининг танҳо баланд бўлиб ўсиши жуда ғалатидир. Янги дарахт турининг кашф этилиши драматик ҳолат бўлиб, бизнинг биологик меросимиз бундай ҳолатни билмайди.

Австралия табиати ҳақида мақола, 1996,
Амалий мажмуа, Австралия ҳаидўстлиги

Янги табиий шароитларга мувофиқ (ёмғирларнинг кўп ёғиши ва ҳароратнинг кўп ўзгариши) ҳамда қайта кўпайиш ва яшаб қолиш (табиий танланиш) имкониятларининг камайиши туфайли биологик ранг-баранглик, хусусан, ўсимлик ва ҳайвон турлари аста-секин йўқолиб боради. Натижада улар қирилмоқда. Тош қолдиқлари кўп ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилишидан дарак бермоқда. Бинобарин, бугун турларнинг қирилиши янги турларнинг пайдо бўлишидан жуда тез юз бермоқда. Бу бутунлай қайтариб бўлмас глобал ўзгаришлар дир.

Ҳозирда:

- * Қушларнинг 11 фоизи
- * Сут эмизувчиларнинг 11 фоизи
- * Балиқларнинг 5 фоизи
- * Ўсимлик турларининг 8 фоизи

→ Қирилиб кетиш
хавфи остидадир

- * Кўп йирик сут эмизувчиларни **овлашни** қисқартириш шарт
- * Балиқлар ва китларни овлаш денгиз турларининг кўпайишига кўп хавф-хатар солади

Хавф остидаги ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилишдан асраб қолиш мақсадида Бутунжаҳон Мероси Ёдгорлиги Рўйхатига киритилган.

◆ **Маи водийси табиат қўриқхонаси, Сейшел ороллари**

Сейшелдаги кичик Праслик ороли юрагида жойлашган Маи водийси табиат қўриқхонаси 1983 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилди. Водийни қоплаган пальма ўрмонлари унга бетакрор манзара бахш этган. Бу ерда оғирлиги 20 кг. келадиган дунёдаги энг катта кокос ёнғоқлари ўсади.

Илгари орол юзаси турли кокос ёнғоқлари билан тўла қопланган эди, аммо нооқилона ишлатиш натижаси биоранг-барангликка бой пальма ўрмонлари ҳудуди қисқариб, кичик водийга тиқилиб қолди. Водий ва унинг бебаҳо пальмазор ўрмонлари бошқа жойлардан экзотик турларнинг олиб келиниши, ёнғоқларнинг териб олиниши ва ёнғинлар туфайли хавф остидадир.

◆ **Манас жонли табиат қўриқхонаси, Ҳиндистон**

Ҳиндистондаги Манас Табиат қўриқхонаси Ҳимолай тоғлари этагида жойлашган бўлиб, бу ердаги чакалакзорлар, тропик ўрмонлар йўқолиб бораётган кўплаб ҳайвонот турлари маконига айлаган. 1985 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига, 192 йилда **Хавф Остидаги Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига** киритилган Манасдаги йўлбарс, ёввойи чўчқа, Ҳиндистон каркидони ва фили каби йўқолиш хавфи остидаги ҳайвонлар яшайди. 1997 йилдаги маълумотларга кўра, яқинда 22 та каркидон ўлган ва ҳозирда тўла кўпайиши учун ўнтадан ўнбештагача каркидон қолган.

Те Ваҳипоунаму, Янги Зеландия

Те Ваҳипоунаму Янги Зеландиянинг Жанубий оролида жойлашган бўлиб, ҳудудининг (2,6 млн. гектар ёки Янги Зеландиянинг ўн фоизи) катта қисми сувли ботқоқликлардан, баланд тизма тоғлардан ва кўз илғамас океанга туташиб кетган тик қоялардан иборат. Ёдгорликдан йирик музликлар яққол кўриниб туради. У водийлар, даралар, фиордлар ва чексиз муз ландшафтларига туташиб кетади. Янги Зеландия кўплаб қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турлари мавжуд макондир. Масалан, катта кахикатеа (оқ қайин) дарахтининг бўйи 30 метргача етади. Баъзи ўрмонлар «динозавр ўрмонлари» сифатида маълумдир, чунки улар 65 миллион йил аввал динозаврлар даврида пайдо бўлган.

Европалик мустамлакачилар келиши натижасида, айна пайтда, кўпгина қароқчилар, зараркунандалар ҳам келди, маҳаллий флора ва фауна хавф остида қолди ҳамда қирила бошлади.

Изоляция, геологик ва ижтимоий ўзгаришлар туфайли Янги Зеландиядан бошқа жойда учрамайдиган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларининг эволюцияси юз берди. Бинобарин, юқоридаги омиллар Янги Зеландиянинг табиати, ўсимликлари ва ҳайвонларига ўзига хослик бахш этди, бахтсиз ва нозик қилиб яратди. Полинезияликлар, биринчи иммигрантлар Янги Зеландияга 1000 йил аввал келишган ва катта қоялар ҳамда муҳитни бузишни бошлашган. Европаликлар келиб, Янги Зеландияни мустамлакага айлантиришгач, унинг 23 фоиз ўрмонлари ва 30 фоиз қушлари йўқолди, моа қуш тури қирилиб кетди. Кўплаб одамлар ва қароқчиларнинг келиши билан хавф остида қолган Янги Зеландиянинг 503 хил ўсимликлари ва ҳайвонлари рўйхатига яна 44 ҳайвон ва ўсимликлар тури қўшилиш арафасида.

Манба: Греймоут олий мактаби, Янги Зеландия

Ўқувчининг 32-иши

ГОНДВАНАЛАНД РАСМ-ЖУМБОҒИ

Мақсад: Қитъаларнинг пайдо бўлиши ва ихота табиий меросни ҳимоя қилишга қандай ёрдам бериши эҳтимолини ўрганиш



Машқлар



Сялф
машгулот



2 соатлик
дарс



География,
тарих, табиат
шувослик



Бутунжаҳон
мероси Харитаси,
Ўқувчининг иш
варағи, Гондвана-
ланд расм-жумбоғи



Қайчи,
еллим,
жаҳон
харитаси

✓ Ўқувчиларингизга собиқ Гондваналанд ҳақида сўзлаб беринг.


Олимлар тошлардаги излар ва тош қолдиқларига таянган ҳолда Янги Зеландия йирик Гондваналанд қитъасининг бир қисми бўлган деб ўйлайдилар. У, шунингдек, Австралия, Африка, Жанубий Америка, Ҳиндистон, Антарктика ва бошқаларни ҳам ўз ичига олган эди. Янги Зеландия, эҳтимол, дунёни Гондваналанд билан боғловчи муҳим восита бўлгандир, чунки у 80 миллион йил аввал бўлинишига қадар Антарктика ва Австралия билан бирга эди. Мамлакатнинг соҳил бўйлаб узунлиги 1600 км. Ушбу мамлакатга одамлар 1000 йил олдин кўчиб келишни бошлашган. Янги Зеландиянинг маҳаллий флораси кўп миллион йиллардан бери дахлсиз турибди. Бугун у Ер юзидаги энг ихоталанган жойлардан биридир.

Синфни кичик гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга ўқувчининг иш варағи нусхасини беринг. Улардан белгиланган пунктир чизиги бўйлаб қоғозни қирқишни, йиғишни ва Гондваналанд қитъаси устига ёпиштиришни сўранг. Ўқувчиларингиз билан Гондваналанд қандай бўлганлигини, Янги Зеландиянинг дунёдан ихоталанганлиги ҳамда унинг флораси ва фаунаси ҳимояланганлиги бўйича баҳс ўтказинг.

✓ Бугунги қитъаларни бирлаштириб Гондваналандни ҳосил қилинг.

Манба: Греймоут олий мактаби, Янги Зеландия.

ТАЛАБАНИНГ УШ ВАРАҒУ



ГОНДВАНАЛАНД РАСМ • ЖУМБОҒУ

ТАЛАБАНИНГ УШ ВАРАҒУ



ГОНДВАНАЛАНД РАСМ - ЖУМБОҒУ

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ТАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИГА ТЕГИШЛИ МЕЗОНЛАРНИ АНИҚЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини танлаш учун мезонларни яхшироқ тушуниш



Тадқиқот



Синф машғулоти



3 соатлик дарс



Табиий фанлар, санъат



Ялтироқ фото суратлар, Бутунжаҳон Мероси харитаси, қисқача тавсифлар

✓ Қисқача тавсифлардан фойдаланиб, дунёнинг турли қисмларидаги йигирма бешта табиий ёдгорликларни танланг (яқин бетлардан фото нусха қилиш ёки қўлда нусха олиш, мезонларни белгилаш бундан мустасно).

✓ Синфни бешта гуруҳга бўлинг ва ҳар бир гуруҳга танланган ёдгорликларнинг бешта тавсифини беринг. Улар ушбу ёдгорликлар қаерда жойлашганлигини аниқлашлари ва мезондан фойдаланиб, уларни Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритишлари керак. Ҳар бир гуруҳдан ўз таклифларини синфга маълум қилиш учун бир ўқувчини танлашни сўранг. Уларнинг фикрларини қисқача тавсифлардан олинган долзарб мезонлардан фойдаланиб, умумлаштиринг.

✓ Тўртта мезоннинг аҳамиятидан фойдаланиб, Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритиш учун ўқувчилардан Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини танлашни, ҳар бир мезон учун маҳаллий ёки минтақавий ёдгорликларни қоғозга ёзишни сўранг. Шундан кейин Бутунжаҳон Мероси харитасидан ёдгорликларни белгилашни сўранг ва тегишли мунозаралар ўтказинг. Ўқувчиларингизга ёдгорликларни асрашни ҳимоя қилишга чақирувчи шиорлар билан ёдгорликлар ҳақидаги плакатларни тайёрлашни таклиф қилинг.

Экологик ва маданий барқарор тараққиёт

Тараққиёт барқарорликни таъминлаши шарт, чунки у ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжлари билан дуч келади, бу келгуси авлодларнинг манфаатларини хавф остида қолдирмаслиги керак.

Табиат ва барқарор тараққиёт, Париж, ЮНЕСКО, 1997.

Инсоният ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурати Бутунжаҳон Мероси Конвенциясидан келиб чиқади. Бутунжаҳон Меросини муҳофазалаш барча маданий ва табиий, халқаро жамоалар, кишиларнинг табиат билан ўзаро ҳамжиҳатлигига асосланган фундаментал экологик тараққиётни ўз ичига олади.

Тараққиёт жараёни билан биргаликда, табиат учун ҳам кенг имкониятлар топилиши шарт, у эса бизнинг ҳаётимиз асосини бойитади ва амалий изга туширади.

Жафfrey А. Мак Нилей, IUCN, Табиат ва ресурслар, 28-қисм, 3-сон, 1992.

Табиатни тиклашга қаратилган кўпгина шартномалар (масалан, қишлоқ хўжалиги учун ўрмонларни кесиш, балиқ овлаш, ифлослантириш) дунёда биологик (ва маданий) ранг-барангликни асрашни бошқаришга ўтиши шарт. Асраш ва ресурслардан фойдаланиш (масалан, қишлоқ хўжалиги, кон иши, ўрмонлар) кўпинча алоҳида, хусусий ҳолатда талқин этилади. Чунки ресурслардан фойдаланиш Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг ҳимояланадиган ҳудуди сифатида таъқиқланади.

◆ Банк Д'Аргвин Миллий қўриқхонаси, Мавритания

Гарбий Африкада жойлашган қўриқхона миллионлаб қушларнинг табиий маконидир. Атлантика соҳилларини қоплаган кулранг-сарғиш тупроқ, соҳилбўйи ботқоқликлари, кичик ороллар ва соҳилбўйи сув саёзликлари – ноёб жой ва бой биоранг-барангликни ифодалайди. Қўриқхона жуда кўп турли кўчманчи қушлар, денгиз тошбақалари ҳамда дельфинлар маконидир.

Банк Д'Аргвин маҳаллий ҳудуднинг иқтисодиёти учун ҳам катта аҳамиятга эгадир: етти балиқчилик қишлоғи бу ернинг табиий бойликларига таянади ва экологик нозик туризм учун асосни таъминлайди. Маҳаллий кишилар фойдаланадиган анъанавий балиқ овлаш усуллари Боғдаги табиий бойликларга сезиларли зарар етказмайди. Бинобарин, агар моторли қайиқлар ишлатилса ва кўп миқдорда балиқ овланса, бу ҳудуддаги қушлар ҳаётига салбий таъсир қилиши мумкин.

📖 ўқувчининг 34-иши

АТРОФ-МУҲИТНИ ҲИМОЯЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорликларини сифатли бошқаришнинг муҳимлигини тушуниш



Ҳаракатли ўйинлар



Синф машғулот



Турли синф давлари



Ткл, география, фан, биология



Бутунжаҳон Мероси харитаси, қисқача тавсифлар

✓ Ўқувчиларингизни Мавританиядаги Банк Д'Аргвин Миллий боғдаги вазият билан таништиринг, кейин қуйидаги ўйлаб топилган Бутунжаҳон Мероси ҳудуди сценарийси бўйича жонли ўйин ташкил этинг. Синфни турли манфаатларни ифодаловчи гуруҳларга бўлинг.

✓ Тадбиркор кишилар гуруҳи балиқ овлаш бизнесининг ривожланишини хоҳлайди ва ўз лойиҳасини асослашга интилади ва хорижий инвесторларни топади. Бинобарин, боғ бошқаруви ва маҳаллий табиатсеварлар балиқ овлашнинг кўпайиши, асосан, қушлар ҳаётини бузиб юборишидан ташвишланишади. Ҳокимият маҳаллий аҳолидан кўпроқ солиқ олишни истайди, аммо экотизмнинг ҳозирги мақбул мувозанатини бузишни хоҳламайди. Уларнинг ҳаммасини кўриб чиқиб, қандай қарорга келиш мумкин?

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ҲАРАКАТЛАР

Мақсад: Ўқувчиларни онгли тежамкорликка ўргатиш



Машқ



Синф
машгулотни ёки
ўқув режасидан
ташқари машгулот



Бир неча синф
машгулотни ва
турли синфдан
ташқари вақт
ҳафталари



Санъат,
табиат
шунослик



Идишлар, бутилкалар,
қоғоз, алюминий
ва қалай идиш,
сут қути ва ҳоказо

✓ Ифлосланиш кўпинча истеъмол чиқиндилари ва емирилиш билан боғлиқ. Ресурсларни қайта ишлаш билан бирга, улардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал қилишни таъминлаш мумкин. Биз самарали қайта ишлашга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга зинҳор кечиктирмасдан эътибор беришимиз шарт. Табиатсеварни чиқитларни қайта ишлашнинг муҳимлиги ва уни қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида гапириб бериш учун синфга таклиф қилинг. Ўқувчилардан мактаб ва жамоа (ўқувчиларнинг ота-оналари киради) учун қайта ишлаш кампаниясини (масалан, қоғоз, алюминий ва қалай идишлар, бутилка) тайёрлашни сўранг. Қайси маҳсулот(лар) қайта ишлашга ярашини ҳал қилинг. Санъат дарсида кампания учун плакатлар тайёрлаш ҳам шунга киради. Ўқувчилар билан қайта ишлаш кампаниясининг натижаларини белгиланг.

✓ Бутунжаҳон Меросини муҳофазалаш ва қўллаб-қувватлашни муҳокама қилинг. Нима учун чиқитларни қайта ишлаш, қайта ишлатиш муҳим, аммо нега шундай қилинмайди?

✓ Ўқувчиларни ўзларининг маҳаллий табиатини ва мерос ёдгорликларни биргаликда чиқиндилардан тозалаш, чиқитни йўқотиш ёки қайта ишлаш орқали авайлаб-асрашга даъват қилинг.

◆ Маҳаллий ёрдам

Агар кишилар ҳимоя остидаги ҳудудларнинг, жумладан, Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг фойдалилигини билсалар, уларни асрашга маҳаллий ёрдам кучайиши мумкин. Муҳофазалаш ва тараққиёт лойиҳалари қўриқладиган ҳудудларнинг яқин ерларига ҳам тегишли бўлади ва уларга ҳам ёрдам берган бўлади.

Лойиҳаларда ва бошқаришда ерли аҳолининг иштирок этилишини қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир.

Ёдгорликлар ёки миллий боғлар бўладими, бу ёдгорликларнинг «посбонлари» бўлган маҳаллий аҳоли иштирокидан қатъи назар, улар узоқ вақт асрашнинг натижасидир. Асраш сиёсати миллий ҳамда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан уйғунлашиши ва мос келиши керак.

Бернд фон Дроште, Бутунжаҳон Мероси маркази директори,
ЮНЕСКО, «Бутунжаҳон Мероси» журнали, 3-сон, 1996 йил,
ноябрь.

ЎҚУВЧИНИНГ 36-ИШИ

МЕРОС СЎҚМОҚЛАРИ

Мақсад: Ўқувчиларда табиатга нисбатан ижодкорлик, қизиқиш иштиёқини уйғотиш



Машқ



**Синф
машгулот**



**Ўқув
режасидан
ташқари
машгулот**



**Турли синф
давлари ва
мактабдан
ташқари вақт**



**Ижтимоий
фанлар,
табиатшунослик,
биология**



Хариталар

✓ Ўқувчиларнинг саргузашт ва тадқиқотдан қониқишлари учун уларга махсус мерос сўқмоқларидан боришни таклиф қилинг. Қайси сўқмоқдан боришни биргаликда белгиланг: Табиий мерос сўқмоғи, маданий мерос сўқмоғи, шаҳар мероси сўқмоғи, гуллар сўқмоғи, фотосўқмоқ ёки видеосўқмоқ. Ўз мерос сўқмоғингизни ҳал қилгач, бир неча харитани синфга олиб келинг ва уларни биргаликда кўздан кечиринг. Ўқувчилардан ўзларининг қайси сўқмоқдан юрмоқчи эканлигини сўранг ва бўш вақтларида нима билан шуғулланмоқчилигини текширинг. Сўқмоқлар режалаштирилгач, ўқувчилардан буклет тайёрлашга ёрдам бериш учун эътиборни тортувчи нарсаларни тўплашни сўранг.

✓ Сўқмоққа чиқиш учун махсус кунни режалаштиринг (дарс жадвалига зид бўлмаслиги учун дам олиш кунларини белгиланг). Сўқмоқда сезиш асбобларидан фойдаланинг (ҳид билиш, эшитиш, кўриш ва ҳоказо).

✓ Ўқувчиларингизнинг сўқмоқларга саёҳати натижаларига ва самарасига таяниб, бошқа сўқмоқларни режалаштиринг, унга ўқувчиларингиз бошқаларни ҳам бирга бўлишга таклиф қилиши мумкин (мактабингиздаги ва бошқа мактаблардаги бошқа синфлар ўқувчилари, ота-оналар, жамият аъзолари ва ҳоказо).

Сайёрамиз келажаги

Риодаги Ер Саммитидан 5 йил кейин, сайёрамизнинг ҳолатини асраш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик 1992 йилдагига қараганда камроқ самара билан тугади.


Ривожланган мамлакатларда табиий ресурслардан, яъни энергия, сув, ердан тежамкорлик билан фойдаланиш сезиларли даражада ўзгарган, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши анча камайган. Бинобарин, ривожланаётган мамлакатларда биз янада кўпроқ ифлосланишни кузатишимиз мумкин.

Ҳар бир ижобий ўзгариш оғир муаммоларни ечиш маҳсулидир ва атроф-муҳитни ҳимояламасдан туриб эришиладиган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўли йўқдир.

**Мустафо Толба, Барқарор тараққиёт комиссияси раиси,
ЮНЕСКО манбалари, 92-сон, 1997 йил, июль-август.**

Риодаги 1992 йил Ер Саммитидан бошлаб ҳаммаси бўлиб 149 табиий ва маданий ёдгорлик Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилди. Уларнинг 28 таси табиий ёдгорликлардир. Қуйида ялпи ва атроф-муҳитни асраш учун ажратилган маблағлар келтирилган.

Бутунжаҳон Меросига киритилган жойлар



Бу рўйхатга фақат халқаро миқёсда эътироф этилган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари киритилган бўлиб, уларга қаратилган эътибор юқори даражада самарали бўлиши зарур.

Бернд фон Дроште, директор, ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази, Париж ва Жеффри А. Мак Нилей, IUCN, Бутунжаҳон Мероси, йигирма йилдан кейин, IUCN, 1992.

Ўқув режасига илова:

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

Санъат

Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлигини севадиган ўқувчиларни **танланг** ва улардан ёдгорлик расмини чизишни сўранг.

Биология

Минтақангиздаги Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлигини танланг ва унинг ўсимликлари, дарахтлари ва ҳайвонларини қоғозга туширинг.

Ўзингизнинг ҳудудингиздаги ўсимликлар, дарахтлар ва ҳайвонлар номлари ёзилган варақларни **бирлаштиринг**.

Ўқувчиларингиз билан ўсимликлар, ҳайвонлар ва геологик мўъжизаларни ёдгорлик жойида ўрганишни давом эттиринг.

Хорижий алоқалар

Чет эллардаги мактаблар билан алоқа ўрнатиш (эҳтимол Бирлашган мактаблар дастури тармоғи орқали) ва улар билан биргаликда атроф-муҳитни асраш, унинг Бутунжаҳон Меросига таъсири ҳақида фикр-мулоҳаза алмашишни йўлга қўйиш.

Тарих

Табиий ёдгорликни танланг ва ўқувчиларингиздан уни асрашга ер шаклларининг ўтмишдаги ва ҳозирги, келажакда бўладиган хавфлари ҳақида сўранг.

География

Бутунжаҳон Мероси табиий ёдгорлиги сифатида битта музликни **танланг** (Лос Гласиаресга қаранг, Аргентина, қисқача тавсифлар) ва ялпи исишнинг оқибатларини муҳокама қилинг.

Ўрганиш учун геологик ёки тош қолдиқлари ёдгорлигини танланг.

Тил

Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини танланг, унинг ифлосланиш хавфи остида эканлигини ўқувчилар тушуниб етишлари ва ифлосланишни бар-тароф этиш ва асраш тадбирларини бошлаш ёки қайта бошлаш учун реклама кампаниясини тайёрлашлари лозим.

Математика

Минтақангизда камайиш ёки буткул қирилиб кетиш хавфи остида қолган ўсимлик ва мавжудотларни ҳисобланг.

Фан

Маҳаллий кўл ва дарёларнинг ифлосланиш даражасини билиш учун сув намунаси **олинг**. Биноларнинг олдида ҳавонинг ифлослигини **текширинг**.

Мерос ёдгорликларини ҳимоялашга нисбатан одамларнинг муносабатини қандай ўзгартириш мумкинлиги ҳақида мунозара ўтказинг.

Бутунжаҳон Мероси Ва тинчлик маданияти


© ЮНЕСКО / Лицензия на воспроизведение: ЮНЕСКО



"Уруш ҳақидаги фикрлар инсон онгига
пайдо бўлар экан, бунга ўлароқ инсон
онгига тинчликни ҳимоя қилиш
зарурияти киргизилиши керак."

**ЮНЕСКО Конституцияси
Преамбуласидан**

Қадимий Дубровник шаҳри, Хорватия
© UNESCO



1999 йилда Ватсон
Билган Дубровник.
© UNESCO / Д. Лефеври




Одқолиш хаври
остидаги тоғ
табигʻати, бвинди
чаһалактор
Миллий боғи,
Уганда.
© UNESCO

Ватертон сувлиги
калкоро тилчин боғи.
Канада Ва Америка
Қўшма Штатлари.
© UNESCO



Освенцим-
концентрацион
лагери, Польша.
© UNESCO / А. Кусарска



Яросима-Тажной
мемориали
(Генбаиц Гурьбази),
Япония.
© UNESCO

Густаконлики сароди,
Америка й дигина Штатлари.
© UNESCO



Бутунжаҳон Мероси Ва тинчлик маданияти



БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ



	Бетлар
Мақсад	166
Билиш	166
Муносабатлар	166
Машқлар	166
Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик маданияти	167
Ўқувчининг 37-иши: Тинчликни ҳимоялаш ва Бутунжаҳон Мероси	168
Тинчлик рамзи бўлган ёдгорликлар	168
Ўқувчининг 38-иши: Бутунжаҳон Мероси ва минтақангиздаги тинчлик	170
Уруш пайтларида Бутунжаҳон Меросини асраш	170
Ўқувчининг 39-иши: Уруш пайтида вайрон бўлган меросни қайта тиклаш	171
Маданий меросни асраш бўйича Гаага Конвенцияси	171
Ўқувчининг 40-иши: Уруш вақтларида маданий ва табиий меросни асраш	173
Уруш вақтларида табиий меросни асраш	173
Бутунжаҳон Мероси ва инсон ҳуқуқлари	174
Ўқувчининг 41-иши: Бефарволик – тинчлик учун зарар	175
Ўқувчининг 42-иши: Бутунжаҳон Меросини яратиш ва тинчлик кроссворд-жумбоғи	176
Ўқувчининг иш варағи:	
Бутунжаҳон Меросини яратиш ва тинчлик кроссворд-жумбоғи	177
Ўқув режасига илова:	
Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик маданияти	178



МАҚСАДЛАР

Билиш

Ўқувчиларнинг билими ва тушунчаларини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш учун соҳалар:

- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва демократия кўзгуси сифатида
- ЮНЕСКОнинг ахлоқ бўйича кўрсатмалари ва Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси
- Ирқий камситмаслик, бағрикенглик, барча халқларнинг ўзаро ҳурмати ва маданиятларининг аҳамияти

Муносабатлар

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун соҳалар:

- Бошқа халқлар ва уларнинг маданиятини ҳурмат қилиш ҳамда уларни ўзаро ихтилофларни тинчлик билан ҳал қилиш йўллари излашга йўналтириш
- Бутунжаҳон Меросини асрашни қўллаб-қувватлашда, бирдамликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик қилиш

Машқлар

Ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун соҳалар:

- Гуруҳ бўлиб (жамоа иши) биргаликда ишлаш
- Можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш ва бошқаларнинг ҳам можароларни тинч ҳал қилишга ўрганишларига ёрдам бериш
- Сиёсий ва фуқаролик ҳаётини демократлаштиришда иштирок этиш
- ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Меросини асраш соҳасидаги кучгайратларига ҳисса қўшиш

Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик маданияти

Тинчлик сўзи нафақат мамлакатлар, балки шахслар, ижтимоий гуруҳлар, мамлакатлар ва уларнинг фуқаролари, кишилар ва атроф-муҳит ўртасида ҳам куч ишлатмасликка асосланган алоқалар ўрнатишга чорлайди. Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган маданий ва табиий ёдгорликлар ҳақида билиш бизга табиат ва инсониятнинг буюк яратувчанлигига дахлдор тинчликнинг турли қирраларини тушунишга, бизнинг озодлик, адолат, ялпи тушуниш ва ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларимизни кучайтиришга ёрдам беради. Фундаментал инсон ҳуқуқлари ва уларнинг таркибий қисмлари тинчликка ва ҳар бир шахс, ҳар бир жамият ва дунёнинг тараққиётига асослангандир.

Тинчлик

1. (а) Уруш ёхуд душманлик ҳаракатларининг тўхтатилиши ёки улардан холилик; ёки жамсааларнинг бошқалар билан урушмаётганлигини ангатади.

(в) Урушда қатнашаётган икки куч ўртасида тинчлик сулҳи ёки шартномаси тузиш.

2. Фуқаролар тартибсизлиги ёки тўс-тўполонлардан холилик, жамоат тартибига риоя қилиш ва хавфсизлик.

3. Бебошлик ва ҳаддан ошишлардан холилик.

Қисқача Оксфорд лугати

Бутунжаҳон Маданий ва табиий меросини асраш конвенцияси ва Бутунжаҳон Мероси жамғармаси жаҳондаги ўта муҳим жойларни асрашга халқаро жамоатчилик хатти-ҳаракатларини қайта йўналтиради.

Тинчлик маданияти турли оқимлардан, турли анъана, маданият, тил, дин ва сиёсий истиқболдан озиқ олувчи буюк дарёга ўхшайди. Бу маданий бойлик, маданиятлараро тушуниш, бағрикенглик ва бирдамлик муҳитида яшаш дунёнинг мақсадидир.

Рене С. Ромеро. ASP миллий мувофиқлаштирувчиси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Филиппин миллий комиссияси.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯЛАШ ВА БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ

*Мақсад: Тинчлик ва Бутунжаҳон Мероси ўртасидаги
алоқаларни яхшироқ тушуниш*



Мувозара



Синф киши



1 соатлик
дарс



Тарих,
фуқаролик
таълими, тил



Бутунжаҳон
Мероси конвенцияси,
Бутунжаҳон Мероси
харитаси, қисқача
тавсифлар



Лугат

✓ «Тинчлик» сўзини доскага ёзинг (ёки бу сўзни шунчаки айтинг) ва ўқувчилардан тинчлик сўзи билан боғлиқ қанча мумкин бўлса, шунча атамани вараққа киритишни сўранг. Ҳар бир ўқувчига ўз варағини ўқиб беришни таклиф қилинг. Уларни ўқиб бўлгач, ҳар бир янги атамани доскага ёзинг ва уларни такрорлагач, атамаларни баҳоланг. Пировардида Сиз тинчлик сўзи билан кўпроқ мос келувчи атамага эга бўлишингиз мумкин.

✓ «Бутунжаҳон Мероси» атамаси билан боғлиқ машқларни такрорланг. Биринчи навбатда, ўқувчиларга Бутунжаҳон Мероси харитасини кўриб чиқишни ҳамда номлари тинчлик, уйғунлик, осойишталик ёки мудофаа ва уруш (яъни, тинчлик мемориали, иморатлар, обидалар, деворлар) сўзлари билан боғлиқ ёдгорликларни танлашни сўранг. Кейин улардан ушбу қисмда тасвири берилган тинчлик билан алоқадор битта (бир нечта) ёдгорлик(лар)ни танлашни ҳамда бу ёдгорлик ва унинг тинчлик тарихидаги ўрни ҳақидаги қандайдир қўшимча маълумотларни топишни (масалан, мактаб кутубхонасидаги энциклопедиядан ёки Интернетдан) сўранг.

Тинчлик рамзи бўлган ёдгорликлар

Кўпгина Бутунжаҳон мероси ёдгорликлари тинчлик ва инсон ҳуқуқлари соҳасида фундаментал қийматга эгадир ва халқаро ҳамжамият кўпинча уларни асрашни кафолатлайди. Жумладан, бу масъулият зарур ҳужжатларда акс этгандир. Ватертон музлиги халқаро тинчлик боғи Канада ва Америка Қўшма Штатларининг чегарасида жойлашган, тинчлик сўзи унинг номидаёқ очиқ ифодаланган. 1995 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган бу ёдгорлик Албертадаги (Канада) Ватертон кўллари миллий боғи ва Монтанадаги (АҚШ) музлик миллий боғи билан ўралган. Улар жаҳондаги биринчи халқаро Тинчлик Боғини ташкил этадилар ҳамда унда фусункор ландшафтлар ётади. У Альп ўтлоқлари сингари дов-дарахтлар ва турли сут эмизувчиларга ҳамда музликлар қолдиқларига ниҳоятда бойдир.

Хиросима тинчлик мемориали (Генбаку Гумбази)

Ушбу мемориал 1996 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган бўлиб, у 1,5 аср мобайнида инсоният томонидан яратилган нарсаларга вайронгарчиликлар келтирган уруш устидан эришилган жаҳон тинчлигининг мутлақ рамзидир.

Ушбу гумбазнинг асосий маъноси: бир томондан унинг яқсон этилган мунгли кўриниши ва иккинчи томондан тинчлик рамзи сифатида 1945 йил августдаги атом портлашидан қолган хотира. 1945 йил 6 августдаги биринчи атом бомбаси Хиросимага ташлангани натижасида 140000 киши ҳалок бўлди ва ушбу бинога шикаст етказилиб, деворнинг фақат устунлари қолган эди.

Биноларни қайта таъмирлаш вақтида ушбу гумбаз бузилган ҳолатида қолдирилди ва унга «Генбаку гумбази», яъни атом бомба гумбази деб ном берилди.

1996 йилда Хиросима шаҳри ҳокимияти ушбу бузилган бинони сақлаш мақсадида резолюция қабул қилди. Тинчлик ёдгорлиги, яъни Гумбаз жойлашган боғ 1950-1964 йилларда тартибга келтирилди.

1952 йилдан бери у ерда ҳар йили 6 август куни Хиросима тинчлик ёдгорлиги маросими ўтказилади.

ICOMOS

1667 йилдаги zilзилада шикастланганига қарамасдан, Дубровникда готик, ренессанс ва барокко услубидаги гўзал черковлар, роҳибхоналар, саройлар ва фавворалар, ҳаяжон уйғотувчи қадимий шаҳарларни ҳар томондан ўраб турувчи тош деворлар сақланиб қолган. Асрлар давомида шаҳарни денгиз томонидан бўлган ҳужумлардан ҳимоя қилиб келган ва бир неча йил бурун замонавий бомбалар туфайли зарарланган бу деворларни шаҳар асраб қола олмас эди. 1991 йилда ЮНЕСКОнинг хавф остидаги Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган Дубровник, унинг шикастланган бинолари ЮНЕСКО ёрдамида қайта тиклана бошлади, у озодлик ва тинчлик рамзининг давоми сифатида халқаро ҳамкорлик рамзига айланди.

Ўқувчининг 38-иши

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА МИНТАҚАНГИЗДАГИ ТИНЧЛИК

Мақсад: тинчлик рамзини мерос ёдгорликларида акс эттириш



Тадқиқот



Синфдаги
дарс ва дарсдан
ташқари машғулот



1 соатлик
машғулот



Тарих,
география,
санъат



Бутунжаҳон
Мероси харитаси,
қисқача тавсифлар



Миллий,
тарихий
китоблар

✓ Ўқувчилардан тинчлик шартномалари имзоланган ёки тарихий воқеалар билан боғлиқ рамзий қийматга эга бўлган (катта жанглар, муҳим декларациялар ва ҳоказо) маданий ёки табиий ёдгорликларни (Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари бўлиши зарур) сўранг.

✓ Ўқувчилардан уларнинг ўзлари бу ёдгорликлар ҳақида қўшимча йиққан маълумотларни синфга олиб келишни сўранг ва уларга бу ёдгорликлар ҳақидаги фикрларни ижодий иш орқали ифодалашларини (ёзиш, тасвирини ёки суратини чишиш) таклиф қилинг.

Уруш пайтларида Бутунжаҳон Меросини асраш

Катта урушлар пайтида ҳамма маданий ва табиий ёдгорликлар шикастланади. Алоҳида маданий ёдгорликлар кўпинча қиёфасининг севиқли рамзи ўлароқ атайлаб ҳужумга дучор бўлади. Табиий ёдгорликлар (айниқса, наботот ва ҳайвонот олами) ҳам турли йўллар - бомба тушиши, қўриқланадиган табиий боғларга қуролли тажовуз қилиш, ёнғинлар, талон-тарож қилиш ва халқларнинг сиқиб чиқарилиши, кўчиши орқали зарарланиши мумкин. Туризм даромадлари учун муҳим бўлган маданий ва табиий ёдгорликлар ҳам уруш вақтида атайлаб вайрон қилишга кўвсроқ нишон бўладиган иншоотларга киради.

Уруш туфайли вайронагарчиликлар авжига чиққан пайтда маданий ва табиий ёдгорликларни асраш маъқулланмайдиган ҳужжат бўлиб кўриниши мумкин. Ҳозирги кунларда эса, ҳаётини муҳим маданий ва табиий меросимиз, жумладан, ёдгорликлар ёки миллий кутубхоналар, черковлар, музейлар, университетларни ўз ичига олувчи бинолар ва аввалги асрларга мансуб кўприклар ҳужум пайтида қутқариш учун муҳим амалий чораларга муҳтож иншоотлардир.

1980 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган Варшаванинг ўн саккизинчи асрга мансуб тарихий маркази Польшада қайта тиклангани энг муҳим намуналаридан биридир. 1944 йилнинг августида иккинчи жаҳон уруши пайтида, шаҳар марказининг 85 фоизидан ортиқ қисми вайрон қилинган эди. Урушдан беш йил кейин, қайта тиклаш даврида, мамлакат аҳолиси черковлар, саройлар ва савдо расталарининг ҳозирги ҳолатида аниқ ишлашига эришдилар. Ўн учинчи асрдан йигирманчи асргача бўлган тарихнинг тўла қайта тикланиши, ифтихор ва ўзликнинг қайта намоён бўлишига яққол мисолдир.

Дубровник ёшлари даъват этадилар:

Меросимизни вайрон қилган уруш муаммоларини тинчлик йўли билан ҳал қилишга кўпроқ куч ва ҳаракатимизни сарфлайлик.

Ўқувчининг 39-иши

УРУШ ПАЙТИДА ВАЙРОН БЎЛГАН МЕРОСНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

Мақсад: Бутунжаҳон Меросини қайта тиклаш ҳақида билиш



Тадқиқот



Синфдаги
машғулот



Ўқув
режасидан
ташқари
машғулотлар



1 ёки 2
соатлик
дарслар



Тарих



Маҳаллий
тарих китоблари,
маҳаллий адабиёт,
шахсий интервьюлар

✓ Ўқувчиларингиздан ўзларининг бобо-бувилари, қариндошлари ёки катта ёшли кўшниларида қуйидаги саволлар бўйича интервью олишни сўранг:

- Уларнинг ўз умрлари давомидаги уруш ёки ҳарбий ихтилофлар ҳақида тажрибалари ёки билганларини жамланг. Улар ўз мамлакатларида муҳим маданий муассасалар, бинолар ёки табиий ёдгорликлар жиддий шикастланганлигини билишадими?
- Улар қайта тикланганми? У ёдгорликларни қайта тиклашни қандай ҳис қилади?
- Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини қайта тиклаш керакми?

✓ Ўқувчилардан бу интервьюларни жамлашни сўранг ва йиғилган материалдан синфда музокара ўтказиш учун асос сифатида фойдаланинг.

◆ Маданий меросни асраш бўйича Гаага Конвенцияси

Иккинчи жаҳон уруши даврида маданий меросимизнинг ялпи шикастланганига гувоҳ бўлган халқаро ҳамжамият 1954 йилда Гаага шаҳрида (Голландия) ҳарбий можаролар пайтида Маданий мулкни асраш тўғрисида конвенцияни қабул қилди. Гаага Конвенцияси халқаро маданий мерос учун катта аҳамиятта эга бўлган кўчувчи ва кўчмас мулкни асрашни кафолатловчи, уларнинг манбасидан ва эгалигидан қатъи назар, мулк мажбуриятларига ҳурмат билан қаровчи қоидалардан иборат.

1954 йилги Гаага Конвенциясининг Преамбуласи

Олий Аҳдлашувчи томонлар,

Шуни таъкидлайдиларки, яқинда бўлиб ўтган ҳарбий ихтилофлар даврида маданий мулкка жиддий зарар етди ва уруш олиб бориш техникасининг ривожланиши оқибатида уларнинг бузилиши хавфи ўсмоқда;

Шунга ишонадиларки, айрим халқлар маданий мулкига хавф, қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, бутун инсоният маданий меросига хавфдир, у ҳар бир халқдан жаҳон маданиятини муҳофаза-лашни талаб этади;

Шуни эътиборга оладиларки, маданий меросни асраш жаҳондаги барча халқлар учун ўта муҳим ишдир ва бу мероснинг халқаро миқёсда ҳимояга олиниши янада муҳимдир;

Шундай фикрдаларки, агар тинчлик даврида келишиб олинмаса, амалга ошириладиган барча миллий ва халқаро ҳимоя чоралари самарали бўла олмайди;

Маданий мулкни асрашнинг мумкин бўлган барча босқичларини қабул қилишга қарор қилдилар;

Шунга келишдиларки...

Гаага Конвенциясига аъзо бўлгандан сўнг мамлакат ўз ҳудудидаги маданий ёдгорликларнинг шикастланмаслиги учун барча зарур (асраш, сақлаш, ҳимоялаш) чораларни кўради. Қисқа қилиб айтганда, бу чоралар қуйидагилардан иборатдир:

- Маданий мерос учун ҳарбий ихтилофларнинг оқибатларини камайтириш ҳамда нафақат кескинликлар, балки тинчлик даврида ҳам уларни асраш бўйича доимий чоралар кўриш;
- Асраш воситаларини ишлаб чиқиш; муҳим бинолар ва ёдгорликларни, уларнинг асраладиган жойлар эканлигини англатувчи махсус ҳимоя эмблемалари билан белгилаш;
- Маданий меросни асраш борасида масъул қуроли кучлар билан биргаликда махсус машқлар ишлаб чиқиш.

Гаага Конвенцияси 1967 йилги Ўрта Шарқдаги ихтилоф мобайнида ҳамда яқинда маданий ёдгорликларни вайрон қилишга олиб келган Босния ва Герцеговина, Камбоджа, Хорватия (қадимий Дубровник шаҳри) ва Ироқдаги урушларда қўлланилди.

Ўқувчининг 40-иши

УРУШ ВАҚТЛАРИДА МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ МЕРОСНИ АСРАШ

Мақсад: Гаага Конвенцияси билан таништириш ва уруш даврида табиий муҳитни ҳимоялаш зарурлигини тушунтириш



Тадқиқот



Сивф иши



1 соатлик
машгулоти



Тарих, фуқаролик
таълими



Гаага
Конвенцияси, 1954

✓ Ўқувчиларингиз билан 1954 йилги Гаага Конвенцияси Преамбуласини муҳокама қилинг ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий Комиссиянгиздан тўлиқ Конвенция нусхасини олишга ҳаракат қилинг. Ўқувчиларингиз билан қуйидагилар бўйича баҳслашинг:

- Гаага Конвенцияси асос қилиб олган тарихий вазият (иккинчи жаҳон урушидан кейин).
- Гаага Конвенциясининг мақсадлари ёки уруш вақтларида меросни асраш.
- Гаага Конвенцияси ва Бутунжаҳон Мероси Конвенциясининг қайси йўналишлари фарқ қилади ва қайси йўналишлари мос келади?
- Гаага Конвенциясини қўллаган вақт ичида урушлар ёки ҳарбий ихтилофларга мисоллар келтиринг.
- Урушлар табиий муҳитга қараб қандай зарар етказиши?

✓ Урушлар табиий муҳитимизга қандай зарар етказиши ҳақида баҳс юритинг.

◆ Уруш вақтларида табиий меросни асраш

Яқинда бўлиб ўтган урушлар натижасида Ернинг муҳим экотизмининг бузилиши табиий меросни асрашни қандай қийин аҳволга солиб қўйишини кўрсатди (масалан, қуролли тажовузларнинг давом этиши, ер юзини қоплаган ёнғинларнинг култепалари, кўплаб халқларнинг мажбурий кўчиши). Собиқ Заир, ҳозирги Конго Демократик Республикасидаги Каҳузи-Биега Бутунжаҳон Мероси ёдгорлиги бунга мисол бўла олади.

Яқинда Руандада бўлган уруш оқибатида 50000 киши Бог чегарасида қочоқлар лагерини тиклашди. Бу ерда олимлар Жорж Шаллер, кейинроқ профессор С.Грздимек ва Диана Фоссей ноёб ва йўқолиши хавфи остида бўлган тоғ гориллаларини тадқиқ қилаётган маскан жойлашган эди. ЮНЕСКО, БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссари, миллий ҳукуматлар саъй-ҳаракатлари, Германиянинг GTZ агентлиги ёрдами ва Бутунжаҳон Мероси жамғармасининг молиявий кўмаги билан қочоқлар лагери бошқа қулай жойга кўчирилди.

Бутунжаҳон Мероси ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳурмат қилиш учун инсониятнинг кураши кўпинча тинчлик, озодлик ва тараққиёт ҳаракатлари билан мос келади. У, шунингдек, олис тарихдан келаётган демократия ва кишиларнинг бошқарув ишида иштирокининг қоидалари билан уйғунлашиб кетган.

Бутунжаҳон Меросининг кўпгина ёдгорликлари бу идеалларни ўзида мужассамлаштириб, улар турли йўналишларни, кўпинча тушуниш осон бўлмаган йўналишларни ифодалаши мумкин. Қуйидаги мисол бу фикрни тасдиқлайди.

Сенегал қирғоғидаги Гори ороли, нақшинкор пойтахт Дакар ўн бешинчи асрдан ўн тўққизинчи асргача Африка қирғоғидаги энг йирик қул савдоси маркази эди. Бу эса, навбати билан португал, голланд, инглиз ва француз ҳукуматларининг тасарруфида бўлди, унинг меъморчилиги қулларнинг ночор кулбалари ва қул савдогарларининг чиройли уйлари ўртасидаги номутаносиблик билан ажралиб туради. Бугун у инсон учун хотира маскани сифатида хизмат қилмоқда.

1979 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган Польшадаги Ашвиц концентрацион лагери инсон ҳуқуқларини шафқатсиз поймол этишганлигини ва натижада тасвирлаб бўлмас қийноқлар остида миллионлаб бегуноҳ кишилар жон берганлигини эслатиб туради. Бу ердаги мудофаа деворлари, тиканли симлар, платформалар, бараклар, тикланган дорлар, устига устак газ камералари ва кремация ўчоқлари иккинчи жаҳон уруши даврида йигирма тўрт миллатга, кўпроқ яҳудийларга мансуб болалар ва қариялардан иборат, фашистлар томонидан ўлимга маҳкум этилган 4 миллион кишининг ҳайдаб ўтилишига гувоҳдир. Бу ёдгорлик инсоният тарихининг келажакдаги шафқатсизликдан воз кечиш зарурлигини эслатувчи даврини ифодалайди. У ноҳолисликнинг оқибати даҳшатли эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда ёдгорликка ташриф буюрувчилар қамоқхоналар, газ камералари ва кремация ўчоқларидан иборат Освенцим миллий музейи билан танишишлари мумкин. Музей ноёб архивга эга бўлган тарих ва тадқиқот институти сифатида хизмат кўрсатмоқда. Ялпи тинчлик ва хавфсизлик учун курашга ҳисса қўшишга отланган минглаб кишилар, бутунбутун синф ўқувчилари ҳар йили Ашвицга ташриф буюрадилар.

БЕПАРВОЛИК – ТИНЧЛИК УЧУН ЗАРАР

Мақсад: мурасасизликни йўқотиши ва маданиятларни ўзаро ўрганиши ва ялли муҳитни ҳурмат қилишни рағбатлантириши



Баҳс



**Синфдаги
машғулот**



**Ўқув
режасидан
ташқари
машғулот**



**Турли
синф
давралари**



**Тарих, фуқаролик
таълими, тил,
адабиёт**




**Тарих
китоблари,
қомус**

✓ Ўқувчилардан бепарволик, мурасасозлик ва камситишларни келтириб чиқарган (масалан, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, қулдорлик) ва келажакда тинчликни таъминлаши борасидаги, муҳим тарихий воқеалар ҳақидаги, ўй-фикрларни эсселар, поэмалар ёзиш, расмлар, плакатлар чизиш, қўшиқлар ва бошқа муסיқалар яратиш воситасида ифодалаб беришларини сўранг.

✓ Улардан Бутунжаҳон Мероси ҳақида нималарни билишларини, билганларини баён этиб беришларини сўранг: бошқа маданиятлар ва турмуш тарзларини ўрганиш уларнинг бошқа халқлар ва атроф-муҳитни қадрлаши ҳамда ҳурмат қилишига ёрдам берадими?

Озодлик зарур қадрият сифатида Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ичида ўз ўрнига эгадир. Масалан, Америка Қўшма Штатларидаги Озодлик ҳайкали ва Мустақиллик саройи. Озодлик ҳайкали 1984 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган, Нью-Йорк бандаргоҳига кираверишда турган ҳайкал 1886 йилда расман очилгандан бери мамлакатга келган миллионлаб иммигрантларни хуш кутиб олмақда. Баландлиги 46 метр бўлган бу ҳайкал Парижда француз ҳайкалтароши Фредерик-Августо Бартольди томонидан яратилган, унга металл ишларини бажаришда Густав Эйфел ёрдам берган (Париждаги Эйфел минорасини яратган ижодкор, Франция). Ушбу озодлик рамзи ўн тўққизинчи асрдаги энг буюк техника ютуқларидан биридир. Ҳайкалнинг асослари халқаро хайр-эҳсонлар ҳисобига тикланганлиги, Европада француз ҳайкалтароши томонидан яратилганлиги ҳолатининг ўзи бу Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигининг маданиятлараро тинчлик тарғиботидаги алмашув ифодаси сифатида рамзий қийматини янада оширади.

Мустақиллик биноси Пенсильванияда, Филадельфия шаҳрининг нақ юрагида жойлашган. Бу эъзозли жойда 1776 ва 1787 йилларда Мустақиллик Декларацияси ва Америка Қўшма Штатларининг Конституцияси имзоланган. Шундан кейин Америка ва дунё тарихи учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган бу икки ҳужжатда мужассамлашган демократия қоидалари дунёнинг кўп қисмларида қонун яратувчиликка туртки берди. Бу ёдгорлик 1979 йилда Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган.

 **ЎҚУВЧИНИНГ 42-ИШИ**

**БУТУНЖАҲОН МЕРОСИНИ ЯРАТИШ ВА ТИНЧЛИК
КРОССВОРД-ЖУМБОҒИ**

Мақсад: ўқувчиларда Бутунжаҳон Меросини асраш ва тинчлик ўртасидаги ҳаётий зарур боғланиш тушунчасини кучайтириш



Машқ



**1 ёки 2
соатлик синф
машғулотлари**



**Фуқаролик
таълими**



**Бутунжаҳон
Мероси
харитаси**



**Ўқувчининг иш varaғи,
Бутунжаҳон Мероси ва тинчлик
ҳақида машғулот, кроссворд,
лугат, энциклопедия**

✓ Ўқувчиларингиздан икки varaқ олишни сўранг, биринчисига Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари, иккинчисига тинчлик билан боғлиқ бошқа тушунчалар ёки сўзлар ёзилади (масалан, тинчликнинг синонимлари; муроса; уйғунлик, осойишталик, розилик; хотиржамлик, осудалик, сокинлик; алоқадор сўзлар: нотажовузкорлик, куч ишлатмаслик; тинчликка зид сўзлар: уруш, тажовуз, ҳарбий ихтилоф, душманлик, жанг, кураш.

✓ Кейин улардан Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари номларидан ва ўз varaқларидаги сўزلардан фойдаланиб, ўз кроссворд-жумбоқларини тузишни сўранг. Ўқувчининг иш varaғидаги шаклдан намуна сифатида фойдаланинг.

БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ВА ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ

Санъат

Тинчлик ва эстетикага алоқадор Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини **танлаш**

Тинчликка ёрдам берувчи икки махсус нома ва Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси билан плакатлар **ясаш**

Хорижий тиллар

Ўқувчига тушунарли бўлган тинчлик ва меросга дахлдор сўзларни бир тилдан иккинчисига таржима қилиш ва варақда қайд этиш (масалан, французча paix ва patrimoine сўзлари испан тилида paz ва patrimonio бўлади).

Хорижий тилларни ўрганиш давомида тинчликка алоқадор Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини **тадқиқ этишни** яна давом эттириш

География

Кундалик газета(лар)ни **ўқиб бориш** ҳамда дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган ихтилофлар ёки кескинлик ҳолатлари, жумладан, уларнинг Бутунжаҳон Меросига хавфи ҳақидаги мақолаларни қирқиб олиш

Газета қирқимларини бир ойдан кейин жуғрофий минтақалар бўйича **таққослаш ва жойлаштириш** (масалан, Африка, Араб давлатлари, Осиё ва Тинч океани, Европа, Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи).

Ихтилоф ёки кескинлик ҳудудлари яқинидаги Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини **идентификациялаш** ва уларнинг зарарланиши ёки бузилиши эҳтимоли тўғрисида баҳс олиб бориш

Тарих

Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига (ҳали) киритилмаган ёдгорликнинг тинчликка алоқадорлигини ёки тинчлик рамзи эканлигини (сизнинг мамлакатингизда ёки жаҳоннинг бирор бурчида) **идентификациялаш**

Ёдгорликнинг бугуни ва келажакига ҳурмат билан қараб, унинг тарихий аҳамияти ва ўрни ҳақида **баҳслашиш**


Тил

Бир варақ қоғоз олиб, «тинчлик» сўзининг синонимларини ёзиш; кейин бир синонимни танлаш ва Бутунжаҳон Мероси билан алоқадорлиги ҳақида мақола ёзиш

Математика

Гори ороли, Сенегалга ўхшаш Бутунжаҳон Мероси ёдгорлигини танлаш ва мисол учун, қанча қуллар ордан қайиқда Америкага жўнаб кетишни режалаштирганини ўрганиш; ҳозирда денгиз харитаси маълумотларига мувофиқ ўнлаб ёки юзлаб кишилар натижа юзасидан баҳс қилмоқда.

Таянч материаллар



"Бутунжаҳон меросининг муҳимлигини тушунишда бизга ёрдам берадиган қизиқарли ва долзарб ўқув материалларига муҳтожмиз. Ёшлар уларни тайёрлашда иштирок этишлари зарур".

Бизнинг мажбуриятимиз, ёшларнинг Бутунжаҳон Мероси бўйича Биринчи Халқаро Форуми, Берген, Норвегия

ТАЯНЧ МАТЕРИАЛЛАР

	бетлар
Луғат	181
Мулоқот манзиллари	186
Маълумотнома материаллар рўйхати	191
Жаҳон Мероси ёдгорликларининг 36 та фотосурати	196





ЛУҒАТ

The Associated Schools Project (ASP) – Бирлашган мактаблар дастури

ЮНЕСКО томонидан 1953 йилда тинчлик маданияти, бағрикенглик ва халқаро тушунишни илгари суришда таълимнинг мавқеини бутун дунёда кучайтириш учун мактабларни сафарбар қилиш мақсадида тузилган. Қирқ кун ўтмасданоқ дунёдаги 4500 дан кўп мактаб келажакдаги янги таълим ёндашувларини ва материалларини ривожлантириш учун ASP-тармоғи (ASPNet) билан ҳамкорликка қўшилдилар.

Biodiversity, or biological diversity -- Биологик ранг-баранглик

Ер юзидаги турли ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар, уларнинг генлари ва уларни ташкил қилувчи экологик тизимларни ўзида мужассамлаштирувчи барча ҳаёт шакллари ранг-баранглигининг ифодаси.

Conservation – Асраш

Ёдгорлик махсус баҳолангандан кейин уни асраш жараёнини ифода-лайди. Консервация жорий тузатишни, муҳофазага олишни, таъмирлашни ва реконструкциялашни ўз ичига олади.

Criteria (plural), criterion (singular) – Мезонлар (кўплик), мезон (бирлик)

Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритиш учун умумий баҳолаш йўли билан муҳим ёдгорликларни танлашда фойдаланилади.

Cultural heritage – Маданий мерос

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясига мувофиқ муҳофаза қилинадиган обидалар, бинолар гуруҳи ва тарихий жойлар.

**Cultural landscapes –
Маданий ландшафтлар**

Кишилар ва табиий борлиқ ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кўриниши.

**General Conference of UNESCO –
ЮНЕСКО Бом конференцияси**

ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар ҳар икки йилда ташкилотнинг дастурини ва бюджетини тасдиқлаш учун йигиладилар.

ICCROM

Маданий мулкни муҳофазалаш ва таъмирлаш халқаро ўқув маркази. Марказ маданий мерос ёдгорликларини консервациялаш бўйича экспертлик маслаҳатларни беради ва таъмирлаш технологияси бўйича малака ошириш курсларини ташкил этади.

ICOM

Халқаро Музейлар кенгаши. Кенгаш бутун дунёдаги музейларни ва музей ходимларини қўллаб-қувватлайди ва уларга кўмаклашади.

ICOMOS

Обидалар ва ёдгорликларни сақлаш бўйича халқаро кенгаш. Кенгаш Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритишга тақдим этиш учун маданий жойлар ва маданий ландшафтларни техник баҳолашни амалга оширади.

IUCN

Жаҳон асраш уюшмаси.

У Бутунжаҳон Мероси Қўмитасига Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун табиий меросларни танлашда маслаҳат беради.

**List of World Heritage in Danger –
Хавф остидаги Жаҳон Мероси Рўйхати**

Бунга Бутунжаҳон Мероси қарорига мувофиқ жиддий хавф остида деб ҳисобланган ва халқаро ҳамжамият томонидан қўриқланадиган Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари кирази.

Member State – аъзо давлат

ЮНЕСКОга аъзо бўлган мамлакатлар аъзо давлатлар деб аталади.

Natural heritage – Табиий мерос

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясига мувофиқ муҳофаза қилинадиган табиат ёдгорликлари, геологик ва физиографик ҳосилалар ва табиий жойлар.

Nomination – рўйхатга киритиш

Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига муҳим ёдгорликни конвенцияга киритиш бўйича иштирокчи давлат томонидан мурожаат қилиш жараёни. Махсус баҳолаш варағи тўлдирилади ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси марказига юборилади.

Patrimoni

Меросни сақлаш ва ҳимоялашга чиқувчи ёшлар тимсолининг тавсифи. У 1995 йилда Норвегиянинг Берген шаҳрида ўтказилган Биринчи ёшлар бутунжаҳон мероси форуми қатнашчилари томонидан илгари сурилганди.

State Party (singular), States Parties (plural) - Иштирокчи давлат (бирлик), иштирокчи давлатлар (кўплик)

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясига қўшилган мамлакатлар. Улар Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун ўз миллий ҳудудларида жамланган муҳим ёдгорликларни аниқлаш ва баҳолашга розидирлар. Иштирокчи давлат муҳим ёдгорликни баҳолагач, уни сақлаш учун қўриқлаш ва асраш ҳақидаги менежмент режани олади. Ҳамма иштирокчи давлатлар ҳар икки йилда бир марта ЮНЕСКО Бош конференциясининг одатдаги сессияси мобайнида иштирокчи давлатлар Бош ассамблеясида учрашадилар. Иштирокчи давлатлар Бош ассамблеяси Бутунжаҳон Мероси қўмитасини сайлайди, Бутунжаҳон Мероси жамғармасининг молиявий ҳисоботини кўриб чиқади ва муҳим сиёсий масалаларни ҳал қилади.

Tentative list - Дастлабки рўйхат

Конвенцияга қўшилган Иштирокчи давлатлардан кейинги беш йилдан ўн йилгача бўлган давр мобайнида Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун мўлжалланаётган маданий ва табиий ёдгорликлар номининг дастлабки рўйхати тузилиши сўралади ва расмийлаштирилади.

**United Nations (UN) –
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)**

(БМТ) 186 суверен давлатни (1998 йилда) бирлаштирувчи халқаро ташкилот. У Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро тинчлик ва хавфсизлик, барча халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий тараққиётни, яхшироқ яшаш андозалари ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ниятида тузилган.

UNESCO (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization)

ЮНЕСКО (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича ихтисослаштирилган ташкилоти)

1998 йилда 186 аъзо давлатга эга бўлган Бирлашган Миллатларнинг ихтисослаштирилган ташкилоти. Халқаро интеллектуал ҳамкорлик орқали кишилар онгида тинчликни муҳофаза қилишни шакллантириш ЮНЕСКОнинг мақсадидир.

**UNESCO World Heritage Centre
ЮНЕСКО нинг Бутунжаҳон Мероси маркази**

Бутунжаҳон Мероси Қўмитасининг қарорларини амалга ошириш учун масъул ташкилот.

**UNESCO Young People's World Heritage Education Project -
ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси бўйича ёшлар таълими лойиҳаси**

ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази ва Бирлашган мактаблар дастурининг таълим шўъбаси билан биргаликда мувофиқлаштириладиган минтақалараро лойиҳа бўлиб, унинг асосий мақсади Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ва уларнинг аҳамиятини етарлича тушунишни таъминлаш учун дунёдаги барча минтақаларнинг мактаблари ўқув дастурларига Бутунжаҳон Мероси таълимини киритиш.

**World Heritage -
Бутунжаҳон Мероси**

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси Рўйхатига киритилган «умумий аҳамиятга эга» маданий ва табиий мерос.

World Heritage Bureau - Жаҳон Мероси Бюроси

Бутунжаҳон Мероси қўмитасининг етти аъзосидан иборат Бюро тuzилган бўлиб, у бир йилда икки марта қўмита ишини тайёрлаш учун йиғилади.

World Heritage Committee - Бутунжаҳон Мероси қўмитаси

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини амалга ошириш учун масъул бўлган ҳукуматлараро Бутунжаҳон Мероси қўмитаси 21 аъзодан иборат.

World Heritage Convention - Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси

Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини асраш конвенцияси ЮНЕСКО Бош Конференциясининг ўн олтинчи сессиясида тасдиқланган. Конвенциянинг мақсади «Умумий аҳамиятга молик» маданий ва табиий меросни асраш, консервациялаш, муҳофазага олиш ва келгуси авлодларга етказишдир.

World Heritage Fund - Бутунжаҳон Мероси жамғармаси

Бутунжаҳон Мероси жамғармаси ихтиёрий ва мажбурий бадаллардан ташкил топган ва Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларини асраш ва ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

World Heritage List - Бутунжаҳон Мероси Рўйхати

«Умумий аҳамиятга молик» маданий, табиий ҳамда маданий - табиий (аралаш) ёдгорликларни (жумладан, маданий ландшафтларни) мужассамлаштирувчи рўйхат.

World Heritage Youth Forum - Бутунжаҳон Мероси Ёшлар Форуми

Бутунжаҳон Мероси Ёшлар анжумани тўрт марта бўлиб ўтди – 1995 йил Норвегия, Берген; 1996 йил, Хорватия, Дубровник; 1996 йил, Зимбабве, Викториа шаршараси; 1997 йил, Хитой, Пекин. Ёшлар Анжуманининг мақсади халқлар ўртасида маданиятлараро тушунишни ва айирбошлашни қўллаб-қувватлаш, Бутунжаҳон Мероси Конвенциясининг аҳамиятини асрашга жалб этишга ёрдамлашишдир.



МУЛОҚОТ МАНЗИЛЛАРИ

➤ ЮНЕСКО қароргоҳи

ЮНЕСКО қароргоҳи

UNESCO Headquarters

7, place de Fontenoy
75352 Paris 07 SP
France
tel: (33 1)4568 1000
fax: (33 1)4567 1690
<http://www.unesco.org>

Бутунжаҳон Мероси маркази

World Heritage Centre

ЮНЕСКО Қароргоҳи
Телефон (33 1) 45 68 15 71
(33 1) 45 68 18 76
Факс (33 1) 45 68 55 70

UNESCO Headquarters
tel: (33 1)45 68 1571
(33 1)4568 1876
fax: (33 1)456855 70
e-mail: wh-info@unesco.org
<http://www.unesco.org/whc>

Бирлашган мактаблар дастури

Associated Schools Project (ASP)

ЮНЕСКО Қароргоҳининг Таълим
Шўъбаси
Факс (33 1) 45 68 56 22

Education Sector UNESCO Headquarters
fax: (33 1)45685622
e-mail: aspnet@unesco.org
<http://www.education.unesco.org/educprog/asp>

Маданий мерос бўлими, ЮНЕСКО

Маданий мерос бўлими, ЮНЕСКО маданият шўъбаси билан биргаликда у Бутунжаҳон Мероси мулкчилигига тегишли халқаро тадбирларни ўтказишга тўла масъулдир. У, шунингдек, Бутунжаҳон Мероси маркази, маданий мулкни муҳофазалаш ва таъмирлаш халқаро ўқув маркази ва Ёдгорликлар ва тарихий жойлар халқаро денгашни билан биргаликда амалий лойиҳаларни бажаради.

Маданий мерос бўлими
Маданият шўъбаси
Миоллис кўчаси 1,
75732 Париж, Cedex 15
Франция
Телефон (33 1) 45 68 37 56
Факс (33 1) 45 68 55 96

Division of Cultural Heritage
Sector for Culture
1, rue Miollis
75732 Paris Cedex 15
France
tel: (33 1)45 683756
fax: (33 1)45685596

ЮНЕСКО Сантяго**UNESCO Santiago**

Calle Enrique Delpiano 2058, Casilla 3187,
Santiago de Chile, Chile
tel: (562) 204 90 32
fax: (562) 209 18
75/251 30 76
e-mail: uhstg@unesco.org

ЮНЕСКО Бангкок**UNESCO Bangkok**

Prakanong Post Office, Box 967, Bangkok, 101
10.Thailand
tel: (662) 391 8474/0879/0577/0880/0686
fax: (662) 391 0866
e-mail: uhbkg@unesco.org

ЮНЕСКО Оман**UNESCO Amman**

Al-Shmaisani, PO Box 2270, Wadi Saqra,
Amman, Jordan
tel: (962 6) 60 65 59/42 43/42 34/68 96 37
fax: (962 6) 68 21 83
e-mail: uhamm@unesco.org

ЮНЕСКО Апиа**UNESCO Apia**

PO Box 5766
Matautu, UTA PO, Apia, Samoa
tel: (685) 24 276
fax: (685) 22 253
e-mail: uhapi@unesco.org

ЮНЕСКО Хараре**UNESCO Harare**

PO Box HG 435, Highlands, Harare, Zimbabwe
tel: (263 4) 77 61 14/15
fax: (263 4) 77 60 55
e-mail: uhhar@unesco.org

ЮНЕСКО Сан-Хосе**UNESCO San Jose**

Ap. Postal 220, San Francisco 2120, San Jose,
Costa Rica
tel: (506) 23 1 41 21/2963781
fax: (506) 23 1 22 02
e-mail: uhsjo@unesco.org

ЮНЕСКО Доха**UNESCO Doha**

PO Box 3945, Doha, Qatar
tel: (974) 86 77 07/77 08
fax: (974) 86 76 44
e-mail: uhdoh@unesco.org

Халқаро стандартлар секцияси

1954 йилги Гаага Конвенцияси (ҳарбий низолар вақтида Маданий мулкни асраш бўйича Конвенция) ва 1970 йилги мулк сифатида тегишли бўлган Маданий мулкни ноқонуний импорт, экспорт қилиш ва ташишнинг олдини олиш ҳамда бартараф қилиш чоралари тўғрисидаги Конвенциянинг амалга оширилишига раҳбарлик қилади.

Халқаро стандартлар секцияси Маданий мерос бўлими, Маданият шўъбаси
ЮНЕСКО Қароргоҳи

Илм-фан шўъбаси, ЮНЕСКО

Экологик фанлар бўлими, Ер ҳақидаги фанлар бўлими ва Атроф-муҳит дастурларини мувофиқлаштириш бюроси, Бутунжаҳон Мероси маркази ва Жаҳон Консервация Иттифоқи билан ҳамкорликда табиий жаҳон Мероси мулкни, шунингдек, ЮНЕСКО биосфера заҳиралари жойларини жамлаш бўйича амалий лойиҳаларни бажаради.

Экологик фанлар бўлими
Илм-фан шўъбаси
Миоллис кўчаси – 1
75732 Париж, Седех 15
Франция
телефон (33 1) 45 68 40 67
Факс (33 1) 45 68 58 04

Division of Ecological Sciences
Science Sector
1, rue Miollis
75732 Paris Cedex 15
France
tel:(33 1)45684067
fax: (33 1)45685804

Инсон ва биосфера дастури:
e-mail: mab@unesco.org
<http://www.unesco.org/mab>

Man and the Biosphere Programme:
e-mail: mab@unesco.org
<http://www.unesco.org/mab>

Тинчлик маданияти дастури

Culture of Peace Programme

Тинчлик маданияти дастури бирлашган дирекцияси
ЮНЕСКО қароргоҳи
Факс (33 1) 45 68 55 57

Culture of Peace Programme Unit
Directorate
UNESCO Headquarters
fax: (33 1)456855 57
<http://www.unesco.org/cpp>

ЮНЕСКО Матбуот бўлими

UNESCO Publishing Office (UPO)

ЮНЕСКО қароргоҳи
телефон (33 1) 45 68 43 00
факс (33 1) 45 68 75 37

UNESCO Headquarters
tel: (33 1) 45 684300
fax: (33 1) 456875 37

➤ Юнесконинг минтақавий ва ички минтақавий идоралари

ЮНЕСКО Дакар

UNESCO Dakar

12 Avenue Roume, BP 33 11, Dakar, Senegal
tel: (221) 23 50 82/21
96 69/21 89 21
fax: (221)238393
e-mail: uhdak@unesco.org

ЮНЕСКО Порт оф спейн

UNESCO Port of Spain

c/o UNDP P.O. Box 812
Port of Spain - Trinidad and Tobago
tel: (1809) 622 05 36
fax: (1809) 6284827
e-mail: uhpos@unesco.org

ЮНЕСКО Тошкент

UNESCO Tashkent

95, Amir Temur street, 700084
Tashkent, Uzbekistan.
tel: (99871) 120 71 16
fax: (99871) 132 13 82
e-mail: b.lane@unesco.org.uz

➤ **Ихтисослаштирилган ташкилотлар**

**ICCROM –
Маданий мулкни муҳофазалаш
ва таъмирлаш халқаро ўқув
маркази.**

**International Centre for the Study of the
Preservation and Restoration of Cultural
Property (ICCROM)**

ICCROM
Via di San Michele 13
1-00153 Rome
Italy
tel: (396) 585 53 1
fax: (396) 585 533 49
e-mail: iccrom@iccrom.org
<http://www.icomos.org/iccrom>

**ICOMOS -
Обидалар ва ёдгорликлар
халқаро кенгаши**

**International Council on Monuments and Sites
(ICOMOS)**

ICOMOS
49-5 I, rue de la Federation
75015 Paris
France
tel: (33 1) 45 67 67 77
fax: (33 1) 45 66 06 22
e-mail: secretariat@icomos.org
<http://www.icomos.org>

**IUCN -
Жаҳон асраш уюшмаси**

World Conservation Union (IUCN)

IUCN
rue Mauveme 28
CH-1 196 Gland, Switzerland
tel: (41) 22 999 0001
fax: (41) 22 999 0010
e-mail: mail@hq.iucn.org
<http://www.iucn.org>

ICOM - Халқаро музейлар кенгаши

International Council of Museums (ICOM)

ICOM
1, rue Miollis
75732 Paris Cedex 15
France
tel: (33 1) 45 68 28 67
fax: (33 1) 43 06 78 62
e-mail: secretariat@icom.org
<http://www.icom.org/icom>

NWHO – Норвегия Жаҳон Мероси идораси

Nordic World Heritage Office (NWHO)

NWHO
Postbox 8196 Dep.
N-0034 Oslo
Norway
tel: (47) 22 94 05 80
fax: (47) 22 94 05 81
e-mail: world-heritage.oslo@rapost.md.dep.tel.erfax.no
<http://www.grida.no/ext/nwho/index.htm>

OWHC – Бутунжаҳон Мероси ёдгорликлари ташкилоти

Organization of World Heritage Cities (OWHC)

OWHC
56 R.ue Saint-Pierre
Quebec G1K4A 1
Canada
tel: (1) 418 692 0000
fax: (1) 418 692 5553
e-mail: secretariat@ovpm.org
<http://www.ovpm.org>

WCMC – Жаҳон асраш мониторинги маркази

World Conservation Monitoring Centre (WCMC)

WCMC
219 Huntingdon Road
Cambridge CB30DL
United Kingdom
tel: (44) 1223 277 314
fax: (44) 1223 277 136
e-mail: info@wcmc.org.uk
<http://www.wcmc.org.uk>

WTO – Жаҳон туризм ташкилоти

World Tourism Organization (WTO)

WTO
Capitan Haya, 42
28020 Madrid
Spain
tel: (34 1) 571 06 28
fax: (34 1) 571 37 33



МАЪЛУМОТНОМА МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

➤ ЮНЕСКОнинг бекул бериладиган материаллари

Бутунжаҳон Мероси харитаси (йиғма плакат)

Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси Рўйхати

Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси ёдгорликларининг қисқача тавсифлари

Инглиз, француз тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси (ахборот варағи)

Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси 1998 йилда (ранг-баранг ахборот рисоласи)

Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Маданий ва табиий меросини асраш конвенцияси

Париж, ЮНЕСКО 1972

Инглиз, француз, испан, рус ва араб тилларида мавжуд.

Маданий меросни асраш бўйича ЮНЕСКОнинг конвенциялари ва тавсиялари

Маданий меросни асраш бўйича ЮНЕСКОнинг конвенциялари ва тавсиялари, жумладан, мажмуада эслатилган қуйидагилар кирди: 1954 йилги Гаага Конвенцияси (ҳарбий ихтилофлар вақтида маданий мулкни асраш тўғрисидаги конвенция), 1979 йилги Хусусий маданий мулкни ноқонуний импорт ва экспорт қилиш, ташишнинг олдини олиш чоралари тўғрисидаги конвенция, Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини асраш конвенцияси. Женева, 1985.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси Конвенциясини қўллаш учун тезкор қўлланма

Инглиз ва француз тилларида мавжуд

Бутунжаҳон Мероси янгиликномаси

Бутунжаҳон Меросини суғурта қилиш ва асослича сақлаш масалалари.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси Конвенцияси, ўн икки йилдан кейин.

Лион Прессойре, Париж, ЮНЕСКО, 1993.

Инглиз тилида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси Биринчи ёшлар форумининг якунловчи ҳисоботи, Берген, Норвегия, 1995 йил 24-28 июнь.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Биринчи Европа минтақавий Бутунжаҳон Мероси ёшлар форумининг якунловчи ҳисоботи, Дубровник, Хорватия, 1996 йил 25-30 май.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Биринчи Африка Бутунжаҳон Мероси ёшлар форумининг якунловчи ҳисоботи, Викториа шаршараси, Зимбабве, 1996 йил 18-24 сентябрь.

Инглиз тилида мавжуд.

Осиё ва Тинч океани Бутунжаҳон Мероси ёшлар форумининг якунловчи ҳисоботи, Пекин, Хитой, 1997 йил.

Инглиз тилида мавжуд.

Даврий нашрлар

ЮНЕСКО ҳужжатлари

Ойлик.

Инглиз, француз, испан, хитой, португал тилларида мавжуд.

Биосфера қўриқхоналари. Жаҳон илмий бюллетени

ЮНЕСКО МАВ дастури.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Буклетлар

Биоранг-баранглик.

Атроф-муҳит ва тараққиёт йўллари.

Тадқиқот, асраш ва ишлатишни қўллаб-қувватлаш.

Инглиз тилида мавжуд.

➤ ЮНЕСКОнинг сотиладиган материаллари

Бутунжаҳон Мероси тўғрисидаги асосий нашрлар

Бутунжаҳон Маданий Мероси ёдгорликлари учун менежментлик кўрсатмалари

Бернард М. Фейлден ва Юкка Жокилето, /ICCRROM/ ЮНЕСКО, 1993 йил.

Инглиз ва француз тилларида мавжуд.

Guia del Patrimono Mundial

/NSAFO/ ЮНЕСКО, Мадрид/Париж, 1994 йил.

Бутунжаҳон Мероси стол усти кундалиги

/NSAFO/ ЮНЕСКО, Мадрид/Париж.

Ҳар йили инглиз, француз ва испан тилларида эълон қилинади.

Бутунжаҳон Мероси

Болалар матбуоти /ЮНЕСКО, Париж.

8-15 ёшдаги болалар учун туркум.

Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

Patrimono de la Humanidad

Ўн икки қисмдан иборат қомус.

Сан Марко/ЮНЕСКО, Мадрид/Париж, 1995 йил.

Испан тилида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси

Ўн икки қисмдан иборат қомус.

ЮНЕСКО, Штутгарт/Париж, 1996/1997 йил.

Немис тилида мавжуд.

Schätze der Menschheit

Фредеркинд Залер/ЮНЕСКО, Мюнхен/Париж, 1996/1997 йил.

Немис тилида мавжуд.

Бутунжаҳон Мероси

Ўн икки қисмдан иборат қомус.

Коданца/ЮНЕСКО, Токио/Париж, 1996/1997 йил.

Япон тилида мавжуд.

Глобал стратегиянинг таркиби сифатида маданий ландшафтларни ялпи баҳолаш

Бернд фон Дроште, Харолд Плачтер, Мечтилд Рёсселч (муҳаррир), Густав Фишер – нашриёти/ЮНЕСКО, Вена/Париж, 1995 йил.

Бизнинг яратувчанлик ранг-баранглигимиз: маданият ва та- раққиёт бўйича Жаҳон комиссиясининг ҳисоботи

Париж, ЮНЕСКО, 1995 йил.

Даврий нашрлар

Бутунжаҳон Мероси журнали

Ҳар чоракда нашр этиладиган, маданий ва табиий Бутунжаҳон Мероси обидалари тўғрисида чуқур мазмунли мақолалар берувчи журнал.
Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

ЮНЕСКО куръери

Ойлик журнал, асосий мундарижасида Бутунжаҳон Мероси обидалари тўғрисида битта-иккита мақола берилади.
Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

➤ Сотиладиган бошқа материаллар

CD-ROM Бутунжаҳон Мероси обидалари

Себеорион/ЮНЕСКО, Париж, 1996 йил.
Инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд.

CD-ROM ҳақете, мултимедиа луғати

Париж, ҳақете, 1995 йил.
Француз тилида мавжуд.

CD-ROM ҳақете, мултимедиа атласи

Париж, ҳақете, 1996 йил.
Француз тилида мавжуд.

Инсон ҳукмронлиги ва табиат

Сидней, Харпер-Мак Рай нашриёти, 1994 йил.
Инглиз тилида мавжуд.
Буюртма манзили: IUCN, Маверней кўчаси 28, 1196, Гланд, Швейцария.

Ердаги жаннат

Сидней, Харпер-Мак Рай нашриёти, 1995 йил.
Инглиз тилида мавжуд.
Буюртма манзили: IUCN, Маверней кўчаси 28, 1196, Гланд, Швейцария.

Бутунжаҳон Мероси йигирма йилдан кейин

Жим Зорселл, IUCN, Швейцария ва Бирлашган Қироллик,
1992 йил.
Буюртма манзили: IUCN, Маверней кўчаси 28, 1196, Гланд, Швейцария.

Жаҳон маданий ва табиий бойлиги

Ёшлар учун туркум.
Токио, Япония, 1994 йил.
Япон тилида мавжуд.

➤ **Алоқа учун варақ**

ЮНЕСКОнинг материалларини текин олиш учун алоқа:
ЮНЕСКО Бутунжаҳон Мероси маркази
7, Фонтеню майдони, 75352 Париж 07SP, Франция.
Факс: (331) 01 45 68 55 70
E-mail: wh-info @ unesco/org

ЮНЕСКО нинг Бирлашган мактаблар дастури (ASP)

Таълим шўъбаси
7, Фонтеню майдони, 75352 Париж 07SP, Франция.
Факс: (331) 01 45 68 56 22
E-mail: aspnet @ unesco/org

ЮНЕСКОнинг сотиладиган материаллари учун алоқа

ЮНЕСКОнинг ноширлик бўлими
Миоллис кўчаси, 75732 Париж седекс 15, Франция
Факс: (331) 45 68 57 41
E-mail: c. Iaje @ unesco/org

*Жаҳон Мероси ва Бирлашган мактаблар дастури
ҳақидаги маълумотни ЮНЕСКОнинг*

Интернетдаги сервери орқали ҳам олиш мумкин:

Жаҳон мероси

<http://WWW.Unesco.org/whc>

Бирлашган мактаблар лойиҳаси

<http://WWW.education.Unesco.org/educprog/asp>



УДК 62-50
УДК 62-50

УДК 62-50 УДК 62-50



УДК 62-50
УДК 62-50



УДК 62-50
УДК 62-50

УДК 62-50 УДК 62-50

